

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ  
МЕТОДЛАРИ”**

**таълимда инновацион технологиялар**

**А.ИСАЕВ**



**Андижон - 2011**

## Такризчилар

М.Атажонов – Андижон давлат университети География катта ўқитувчиси  
 М.Ҳабибуллаева – Андижон давлат университети География кафедраси  
 ассистенти

## Мундарижа

1	Мундарижа	2-3
2	Кириш	4-6
3	«Географик тадқиқот методлари» фанидан маърузалар мавзулари ва уларнинг мазмуни	6-12
4	Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг дастури.	12-20
5	Фан бўйича маъруза ва амалий машғулотларида таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари	21-22
6	Маъруза машғулоти ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари.	22-25
	<b>Маъруза машғулотлари</b>	
7	Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва мазмуни	26-33
8	География фанлари тизими	33-41
9	Асосий таксономик бирликлар	42-50
10	Географик тадқиқот методлари ва методлари	51-62
11	Географик тадқиқотларнинг асосий босқичлари	63-73
12	Тармоқли табиий географик тадқиқот ишлари	74-80
13	Геологик ва геоморфологик тадқиқот ишлари	81-94
14	Метеорологик ва гидрологик тадқиқот ишлари	95-109
15	Тупроқ қопламани тадқиқ қилиш	110-117
16	Ўсимлик ва ҳайвонот оламни ўрганиш	117-126
17	Мажмуали табиий географик ишлари	126-135
18	Иқтисодий ва социал географиянинг тадқиқот ишлари	135-148
19	Аҳолини географик ўрганиш	149-160
20	Саноат ва агрогеографик тадқиқотлар	161-173
21	Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географияси	173-182
22	Социал географик ва сиёсий географик тадқиқотлар	183-195
	<b>Амалий машғулотлар</b>	
23	Диалектик метод	197-201
24	Қиёслаш методи	201-205

25	Стационар метод	206-209
26	Экспедицион метод	209-213
27	Картографик метод	214-217
28	Аэрофотографик метод	218-222
29	Космик метод	222-226
30	Статистик (математик) метод	226-230
31	Моддалар ва энергия баланси методи	230-234
32	Моделлаштириш методи	234-238
33	Лаборатория аналитик метод	238-242
34	Типолигик метод	243-246
35	Тарихий-генетик (палеогеографик) метод	247-251
36	Районлаштириш методи	251-255
37	Ўзма метод	255-259
38	Мультипликацион метод	259-263
39	Комплекс метод	263-267
40	Иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методлар	267-271
41	Графиклар методи	272-275
42	Тизим таркиб методи	276-280
43	Иқтисодий географик ўрин методи	280-284
44	Географик конвейр методи	284-288
45	Аҳоли, саноат ва агрогеографик тадқиқотлардаги яна бошқа методлар	289-293
46	Фойдаланилган адабиётлар	294

## **Кириш**

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохатларга мувофиқ холда юқори малакали географлар тайёрлашда географик тадқиқот методларининг аҳамияти катта. У талабаларда табиий ва иқтисодий-ижтимоий география фанлари бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай билиш малакаларини шакллантириш ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўтайди. Бунда талабалар илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва бажариш, табиий ва худудий ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва уларнинг элементларини тарихи, замонавий ҳолати ва келажак ривожланишини тадқиқ этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва баҳолаш, табиатга инсон хўжалик фаолияти таъсирининг оқибатларини башорат қилиш, бошқариш, табиатдан оқилона фойдаланиш, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишда илмий тадқиқот методларини қўллай билиш малакаларига эга бўладилар.

Табиий ва иқтисодий географик тадқиқот методлари курси талабаларнинг иқтисодий ва ижтимоий география бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай билиш малакаларини шакллантириш ўртасида боғловчи бўғин вазифасини ўтайди.

Табиий ва иқтисодий географик тадқиқот методлари курсининг асосий мақсади талабаларда иқтисодий ва ижтимоий география доирасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва бажариш ҳамда турли катта-кичикликдаги мураккаб социал-иқтисодий тизимлар ва уларнинг элементларини илмий тадқиқ этиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад - талабаларда табиий ва иқтисодий-ижтимоий география доирасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва бажариш, турли катта-кичикликдаги мураккаб табиий ва социал-иқтисодий тизимлар ҳамда уларнинг элементларини илмий тадқиқ этиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси - талабаларни:

- илмий тадқиқотларнинг метод ва методлари билан таништириш;
- тадқиқотнинг йўналиши, объект ва предмети, мақсад ва вазифаларини белгилаш;
- тадқиқот босқичлари ва улар бўйича бажариладиган ишлар кўламини аниқлаш;
- далада фактик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишни ўзлаштириш;
- табиат компонентлари ва комплексларининг даражасига кўра хариталаштириш;

- табиий ҳудудий комплекс ёки геосистемаларнинг имкониятларини ҳисобга олиш, баҳолаш, башоратлаш ва бошқариш масалаларига асосли далилий фикр – мулоҳазалар билдириш;

- ҳудудий ижтимоий – иқтисодий тизимлар ва уларнинг элементларини шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини тадқиқ қилиш методиётини ўргатишдан иборат.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

«Географик тадқиқот методлари» фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида талабалар:

- табиат комплекслари, компонентлари ва ҳудудий ижтимоий – иқтисодий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини **билиши керак**;

- талаба табиий ва иқтисодий география доирасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва бажаришга доир **кўникмаларга эга бўлиши** керак;

- талаба турли катта-кичикликдаги мураккаб табиий ва ҳудудий социал – иқтисодий тизимлар ва уларнинг элементларини тадқиқ қилишда илмий тадқиқот методларини қўллай билиш ва ҳулосалар чиқара олиш **малакаларига эга бўлиши** керак;

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва методий жиҳатдан кетма – кетлиги**

“Географик тадқиқот методлари” фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, 7 - семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий (олий математика, информатика ва ахборот технологиялар, статистика, экология асослари), умумқасбий (умумий ер билими, жаҳон географияси, Ўзбекистон географияси, табиатдан фойдаланишнинг географик асослари, иқтисодий ва ижтимоий география асослари) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Ушбу фан илмий-тадқиқот институтларига, олий, ўрта махсус, умумтаълим тизими муассасаларига, ишлаб чиқариш ва бошқарув ташкилотларига малакали географ мутахассисларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган билимлар беради. У асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, юқори малакали географлар тайёрлаш тизимининг ажралмас бўғини ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг географик тадқиқот методлари фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий методларидан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва методий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, картографик ва статистик маълумотлардан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларда мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

## 2. Асосий қисм

### 2.1. «Географик тадқиқот методлари» фанидан маърузалар мавзулари ва уларнинг мазмуни

№	МАЪРУЗАЛАР МАВЗУЛАРИ	Ажратилган соат
1	<b>КИРИШ. ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ЎҚУВ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ</b>	2
	РЕЖА: 1. Курснинг мақсади 2. Курснинг вазифалари 3. Курснинг мазмуни	
2	<b>ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ТИЗИМИ</b>	2
	РЕЖА: 1. Табиий география 2. Иқтисодий-ижтимоий география 3. Географик билимларнинг тамойиллари.	
3	<b>АСОСИЙ ТАКСОНОМИК БИРЛИКЛАР.</b>	2
	РЕЖА: 1. Табиий географик районлаштириш принципи. 2. Табиий географиядаги асосий таксономик бирликлар 3. Ўзбекистон ҳудудини ҳудудини табиий географик районлаштиришдаги асосий таксономик бирликлар тизими.	
4	<b>ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ВА МЕТОДЛАРИ</b>	2
	РЕЖА: 1. Табиий географик тадқиқот методлари 2. Диалектик метод 3. Қиёслаш методи 4. Стационар ва экспедицион методлар 5. Картографик ва аэрокосмик методлар 6. Математик ёки ва моделлаштириш методлари 7. Лаборатория аналитик метод 8. Палеогеографик метод 9. Районлаштириш методи 10. Тасвирлаш ва комплекс (мажмуали) методлар 11. Табиий географиядаги геофизик ва геокимёвий йўналишлар	

<b>5</b>	<b>ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ</b>	<b>2</b>
	РЕЖА: 1. Ғоянинг таркиб топиши босқичи. 2. Тайёрлов босқичи 3. Дала босқичи 4. Камерал босқич 5. Ҳисобот босқичи	
<b>6</b>	<b>ТАРМОҚЛИ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ.</b>	<b>2</b>
	РЕЖА: 1. Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари, турлари. 2. Мазмуни ва аҳамияти 3. Махсус тадқиқотлар	
<b>7</b>	<b>ГЕОЛОГИК ВА ГЕОМОРФОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ</b>	<b>2</b>
	РЕЖА: 1. Геологик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари 2. Рельеф - геоморфологик тадқиқот ишларининг текшириш объекти 3. Табиий ва антропоген жараёнларни рельефга таъсири 4. Геоморфологик хариталар тузиш.	
<b>8</b>	<b>МЕТЕОРОЛОГИК ВА ГИДРОЛОГИК ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ</b>	<b>2</b>
	РЕЖА: 1. Метеорологик кузатишлар 2. Микроклимий кузатишлар 3. Ер усти ва ер ости сувларини ўрганиш 4. Гидрологик тадқиқот ишларининг босқичлари 5. Ер усти ва ер ости сувларидан намуналар олиш 6. Дарёларнинг тўйинишига кўра турлари 7. Гидрографик хариталар	
<b>9</b>	<b>ТУПРОҚ ҚОПЛАМИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ</b>	<b>2</b>
	РЕЖА: 1. Тупроқ қопламини характерлаш (тавсифлаш) 2. Географик ландшафтни (мажмуани) шаклланишида тупроқнинг аҳамияти. 3. Тупроқ қопламини тадқиқ қилиш.	
<b>10</b>	<b>ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИНИ ЎРГАНИШ</b>	<b>2</b>

	РЕЖА: 1. Ўсимликлар дунёсини характерлаш 2. Ҳайвонот дунёсини характерлаш 3. Дала шароитида ўсимликларни ўрганиш 4. Дала шароитида ҳайвон турларини ўрганиш	
<b>11</b>	<b>МАЖМУАЛИ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ</b>	<b>2</b>
	РЕЖА: 1. Ўрганилаётган ҳудуд ландшафтларини тавсифлаш 2. Тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий методлар 3. Ландшафтларнинг морфологик тузилиши.	
<b>12</b>	<b>ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ</b>	<b>2</b>
	Режа: 1. Умумий масалалар. 2. Умумгеографик методлар. 3. Иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методлар. 4. Бошқа методлар.	
<b>13</b>	<b>АҲОЛИНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ. ГЕОУРБАНИСТИКА</b>	<b>2</b>
	Режа: 1. Аҳолини географик ўрганиш. 2. Геоурбанистика	
<b>14</b>	<b>САНОАТ ВА АГРОГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР.</b>	<b>2</b>
	Режа: 1. Саноат географияси бўйича тадқиқотлар. 2. Агрогеографик тадқиқотлар.	
<b>15</b>	<b>ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИ ВА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ГЕОГРАФИЯСИ.</b>	<b>2</b>
	Режа: 1. Қишлоқ жойлари. 2. Қишлоқ инфраструктураси. 3. Аҳолига хизмат кўрсатиш географияси.	
<b>16</b>	<b>СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР. ГЕОСИЁСИЙ ВА СИЁСИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАР</b>	<b>2</b>
	Режа: 1. Социал географияга оид тадқиқотлар 2. Геосиёсий ва сиёсий географик тадқиқотлар. 3. Географик детерминизм. 4. Геосиёсат	

	<b>Жами:</b>	<b>32 с</b>
--	--------------	-------------

### 3. Амалий машғулотлар рўйхати

№	Амалий машғулотлар мавзуси	Соат
<b>1</b>	<b>Диалектик метод</b>	2
	<b>Топширик:</b> диалектик методдан фойдаланиб жамият ва табиат тараққиётидаги ҳодиса ва жараёнларни билишни ўрганиш	
<b>2</b>	<b>Қиёслаш методи</b>	2
	<b>Топширик:</b> табиий географик ҳодиса ва жараёнларни бошқа босқичда ва шароитда бўлган табиий-географик ҳодиса ва жараёнлар билан қиёслаш. Ўрмон ва тундра ландшафтларини қиёслаш.	
<b>3</b>	<b>Стационар метод.</b>	2
	<b>Топширик:</b> вақт давомида тез ўзгарадиган табиий комплексларни динамикасини ўрганиш (тез ўзгарадиган ҳарорат, шамолнинг тезлиги ва ённалиши, намлик, сув оқими, ер ости сувлари, фасллар ва йиллар давомида уларни ўзгариши).	
<b>4</b>	<b>Экспедицион метод</b>	2
	<b>Топширик:</b> дала шароитида энг катта майдонларда вақт давомида секин ўзгараётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш	
<b>5</b>	<b>Картографик метод</b>	2
	<b>Топширик:</b> географик объектлар, ҳодисалар ва жараёнларнинг маконда қонуний географик тарқалишини, уларнинг тараққиётида ўзаро алоқадорлигини ва боғлиқлигини аниқлаш	
<b>6</b>	<b>Аерофотографик метод</b>	2
	<b>Топширик:</b> табиий географик муҳитнинг (ландшафларнинг) ривожланишидаги асосий хусусиятларни, структураларни билиш, аерорасмлар аниқ ҳудуднинг табиий географик комплекслари тўғрисида тўла маълумот бериши	
<b>7</b>	<b>Космик метод</b>	2
	<b>Топширик:</b> турли хил географик ахборотлар олиш улар асосида барча тоғ жинслари, рельеф шакллари, ўсимлик турлари дашеферовка қилиниши	
<b>8</b>	<b>Статистик (математик) метод</b>	2

	<b>Топширик:</b> кўпгина жумлаларни рақам билан ифодаланиши, географик ахборотларни рақам, формулалар, графиклар, жадваллар, номограммалар баъзан эса кодли шартли белгилар ёрдамида баён қилиш	
<b>9</b>	<b>Моддалар ва энергия баланси методи</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> кўлларнинг сув ва ётқизиклар баланси, дарё ҳавзаси баланси, турли ётқизиклар баланси, биомасса ёки алоҳида олинган организм баланси. энергия учун сув ҳавзаларининг иссиқлик баланси, сув қатламларида алмашиш, ландшафт, тупроқ, биогеосенос ва бошқалар баланси.	
<b>10</b>	<b>Моделлаштириш методи</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> портретли, концептуал ва операцияли моделларни қўллаш	
<b>11</b>	<b>Лаборатория аналитик метод</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> қўйилган топшириққа мувофиқ адабиёт, фонд, картографик ва фотографик маълумотларни ўрганиб анализ ва синтез қилиш	
<b>12</b>	<b>Типологик метод</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудудларни ажратиш ва харитага тушуриш, турли таксономик бирликларни чегаралатни ўтказиш	
<b>13</b>	<b>Тарихий-генетик (палегеографик) метод</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> қадимги давларнинг табиий географик шароити (комплекси) тиклаш ва ривожланиш босқичларини аниқлаш	
<b>14</b>	<b>Районлаштириш методи</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> 1. Йирик ҳудудларни етакчи компонентларга асосланиб кичик таксономик бирликларга ажратиш. 2. Оддий комплексларни (фация, урочишчаларни) ландшафтларга ва уларнинг синфларга гуруҳлаштириш	
<b>15</b>	<b>Ёзма метод</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> ҳозирги географик тадқиқот ишларида бу метод ёрдамчи ҳарактерга эга бўлиб дала ва адабиётлардаги фактик материалларни тўплашда қўллаш	
<b>16</b>	<b>Мултипликацион метод</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> табиий ҳодиса ва жараёнларнинг ўтмишдаги, ҳозирги ва келажакдаги динамик моделини тузиш (илмий-оммабоп филмлар)	
<b>17</b>	<b>Комплекс метод (ландшафт методи)</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> битта метод билан ҳал қилиб бўлмайдиган мураккаб районлар учун қўллаш. Бунда барча компонентлар биргаликда ўрганилиши.	

<b>18</b>	<b>Иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методлар</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> моделлаштириш, таснифлаш, типларга ажратиш методлардан фойдаланиш	
<b>19</b>	<b>Графиклар методи</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> тўртбурчак, найсимон, воронкасимон, пирамидасимон, конус, ҳалқа, айлана, учбурчак, тик тўғри бурчак ва куб кўринишидаги турлардан фойдаланиш	
<b>20</b>	<b>Тизим таркиб методи</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> турли даражадаги вазифаларни бажаришда оддийдан мураккабига боориш	
<b>21</b>	<b>Иқтисодий географик ўрин методи</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> ҳар қандай катта-кичик ҳудудий бирликнинг иқтисодий географик ўрни асосида атрофлича таҳлил қилиш	
<b>22</b>	<b>Географик конвейр методи</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> қишлоқ хўжалигини агроиклимий шароит билан боғлиқ эканлигини ўрганиш, тадқиқ қилиш	
<b>23</b>	<b>Аҳоли, саноат ва агрогеографик тадқиқотлардаги яна бошқа методлар</b>	<b>2</b>
	<b>Топширик:</b> ресурс цикли, энергия ишлаб чиқариш цикли, экстраполяция ва бошқа методлардан фойдаланиш	
	<b>Жами:</b>	<b>46 с</b>

### Асосий қисм

#### I. Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг дастури.

Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва мазмуни. Асосий таксономик бирликлар, табиий географик тадқиқотларда қўлланиладиган метод ва методлар, далада далилий маълумотларни тўплаш ва уларни тартибга солиш, тармоқли табиий географик тадқиқот ишлари, комплекс табиий географик тармоқ ишларини ўрганиш

#### География фанлари тизими

Табиий география ва унинг тармоқлари, ижтимоий иқтисодий география ва унинг тармоқлари, географик билимларнинг тамойиллари. Биогеография, зоогеографиям тупрокшунослик, геофизика, геокимё, ландшафтшунослик, мелиоратив география, палегеография, коинот географияси, табиий ресурслар географияси, картография, геодезия, ғоршунослик, геоекология, иқтисодий география, ижтимоий география, сиёсий география, фанлар географияси, аҳоли географияси, демография, саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, шаҳарлар ва қишлоқлар географияси, тарихий

география, ҳарбий география, тиббиёт географияси, рекреацион география, мамлакатлар географияси ва бошқаларга бўлинади.

### **Асосий таксономик бирликлар**

Табиий географик районлаштириш тамойиллари, табиий географиядаги асосий таксономик бирликлар, Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштиришдаги асосий таксономик бирликлар тизими, Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когайларнинг табиий географик районлаштириш тизимлари.

### **Географик тадқиқот методлари**

Диалектик метод, Қиёслаш методи, Стоционар метод, экспедицион метод, Картографик метод, Аэрофотографик метод, Космик метод, Статистик (математик) метод, Моддалар ва энергия баланси методи, Моделлаштириш методи, Лаборатория-аналитик метод, Типолигик метод, Тарихий-генетик (палеогеографик) метод, Районлаштириш методи, Ёзма метод, Мултипликацион метод, Комплекс метод, Иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методлар, Графикалар методи, Тизим-таркиб методи, Иқтисодий географик ўрин методи, Географик конвейр методи, Аҳоли, саноат ва агрогеографик тадқиқотлардаги яна бошқа методлар.

### **Географик тадқиқотларнинг асосий босқичлари**

Гоянинг таркиб топиш босқичи, тайёрлов босқичи, дала босқичи, камерал босқич. Дала тадқиқотларида ишлатиладиган асбоблар ва материаллар.

### **Тармоқ табиий географик тадқиқот ишлари**

Тармоқли табиий географик ишларининг мақсад ва вазифалари, турлари, мазмуни ва аҳамияти, махсус тадқиқотлар: ландшафт тадқиқотлари.

### **Геологик ва геоморфологик тадқиқот ишлари**

Геологик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари, геологик структуралар, тоғ жинсларининг ёши ва генетик турлари, жойнинг палеогеографик тараққиёти, релеф –геоморфологик тадқиқот ишларининг текшириш объекти, табиий ва антропоген жараёнларнинг релефга таъсири. Геоморфологик карталар тузиш.

### **Метеорологик ва гидрологик тадқиқот ишлари**

Метеорологик ва микроклимий кузатишлар, ер усти ва ер ости сувларини ўрганиш ва улардан намуналар олиш. Гидрологик тадқиқот ишларининг босқичлари, дарёларнинг тўйинишига кўра турлари, гидрографик карталар, жойнинг гидрогеологик хусусиятлари.

### **Тупроқ қопламани тадқиқ қилиш**

Тупроқ қопламани тавсифлаш, географик ландшафтни шаклланишида тупроқнинг аҳамияти, тупроқ қатламани тадқиқ қилиш, тупроқ кесмалари, тупроқнинг механик ва физик таркиби, тупроқнинг мелиоратив ҳолати.

### **Ўсимлик ва ҳайвонот оламани ўрганиш**

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тавсифлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини дала шароитида ўрганиш, ўсимлик ва ҳайвонотларни географик тарқалиши, ўсимлик қопламани тадқиқ қилиш схемаси.

### **Мажмуали табиий географик тадқиқот ишлари**

Ўрганилаётган ҳудуд ландшафтларини тавсифлаш, тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий методлар, ландшафтларнинг морфологик тузилиши. Мажмуали табиий географик тадқиқот ишлари. Регионал карталар, ландшафт кесмаси схемаси, табиий географик тадқиқотларга қўйиладиган талаблар.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар**

Амалий машғулотларда талабалар табиий географик тадқиқотларни ташкил этиш ва бажариш асосларини ўрганадилар. Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Далада зарур бўладиган жиҳозлар рўйхатини тузиш.
2. Далада нуқталар ёзиш тартиби билан таништириш.
3. Маршрутлар танлаш ва уларнинг схемасини тузиш.
4. Фактик материаллар картасини тузиш ва унинг таҳлил қилиш.
5. Гармоқли табиий географик тадқиқотлар чизмаси ва уларнинг кесмалар тузиш, шартли белгиларни ишлаб чиқиш.
6. Ландшафт карталарини тузиш, кесмалар чизиш, шартли белгилар ишлаб чиқиш.
7. Турлича мақсадлардаги мавзулар бўйича карталар мавжудлиги ва уларнинг аҳамияти.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва қўникмаларни амалий масалалар ечиш орқали янада бойтадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмала бўйича фаннинг боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқурроқ ўрганиш;

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Табиий-географик тадқиқотларнинг мазмуни ва илмий-амалий аҳамияти.
2. Табиий географик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш тарихи.
3. Йирик масшабли табиий географик тадқиқотлар.

4. Майда масштабни табиий географик тадқиқотлар.
5. Дала шароитида тадқиқотларни ташкил этиш.
6. Ландшафтларни географик ўрганиш.
7. Геоэкологик тадқиқотлар ва уларни ташкил қилиш.
8. Инсон хўжалик фаолиятини табиатга таъсири ва оқибатларини ўрганиш.

### **Дастурнинг инфор­ма­цион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган. Фаннинг маъруза ва амалий машғулотида ақлий хужум, бахс-мунозара, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар мусобақаси педагогик технологияларини қўллаш, компьютер, сканер, проектор, турли мавзули хариталар тузувчи ва қайта ишловчи (Мапинфо, ГИС - технологияси) дастурлар, шунингдек ушбу курс бўйича дастурда кўрсатилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон манбалар, диссертациялар, монографиялар, хорижий адабиётлар ва Интернет маълумотларидан фойдаланилади.

## **II. Иқтисодий географик тадқиқот методлари**

### **Иқтисодий ва социал географияда илмий тадқиқотларнинг назарий методик асослари**

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг замонавий тузилиши ва моҳияти. Иқтисодий ва ижтимоий география ҳудудий социал-иқтисодий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи фан эканлиги.

Иқтисодий ва социал географияда тадқиқот объектининг кенг камровлиги ва элементлари: аҳоли, хўжалик ва унинг тармоқлари, табиий шароит ва ресурслар салоҳияти, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари, иқтисодий районлар, аҳоли пунктлари тўри ва тизими, урбанизация, транспорт тизимлари, социал соҳалар ва бошқалар.

Замонавий иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг мақсади ва вази­фалари.

Иқтисодий ва социал географияда илмий тадқиқотларнинг принцип ва методлари.

Ҳозирги замон иқтисодий ва социал географиясига турлича методлардан фойдаланишнинг хослиги ва хусусиятлари. Воқеликни билишда, англашда географ тадқиқотчи учун хос хусусиятлар: -жараёнлар ва ходисаларни кузатиш ва ўлчаш; -тадқиқот объектини классификациялаш; -янги принциплар, қонуниятларни аниқлаш; -қўйилган муаммони ҳал қилиш ва олинган натижаларни амалий қўллаш йўллари­ни аниқлаш.

Иқтисодий ва социал географик тадқиқотларда ҳудудийлик, комплекслик ва конкретлик (муайянлик) принциплари. Иқтисодий ва

социал географияда воқеа - ходисаларни билишнинг методлари: тарихийлик, географик-таққослаш, адабиётларни ўрганиш, иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий-математик, картографик, визуал кузатиш, анкета сўрови, тизим-таркиб ва бошқалар.

### **Иқтисодий ва социал географияда илмий тадқиқотларни ташкил қилиш**

Иқтисодий географик тадқиқотларни олиб боришнинг шакллари: камерал ва дала шароити. Илмий тадқиқотларни ташкил этиш босқичлари.

**Тайёргарлик босқичи.** Тадқиқотнинг асосий илмий ғоясини аниқлаш, мавзунинг номи, мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш. Тахминий илмий тадқиқот иши режасини тузиш. Қўйилган мумамони ўрганилганлик даражасини аниқлаш, адабиётлар билан ишлаш. Тадқиқот дастурини тузиш.

**Тадқиқотларнинг дала босқичи.** Кундалик ва ишчи дафтарларни юритиш. Материалларни йиғиш методи. Маълумотларни йиғишга қўйилган асосий талаблар. Уларнинг ишончлилиги. Танлаб олиш-маълумотларни йиғишнинг қулай методи эканлиги. Маълумотларнинг манбалари. Маълумотларнинг икки тури мавжудлиги: хужжатли манбалар ва бевосита тадқиқотлар. Чоп этилмаган статистик маълумотлар, хариталар.

**Маълумотларни қайта ишлаш босқичи.** Маълумотларни қайта ишлашнинг учта асосий йўналиши: - умумлаштириш(жамлаш); - таққослаш; - хулосалар олиш.

Илмий тадқиқот натижаларини расмийлаштириш. Илмий ишнинг таркибий қисмлари. Кириш, асосий қисм ва хулоса. Илмий тадқиқот шакллари.

### **Аҳоли ва меҳнат ресурслари географик тадқиқотларнинг объекти сифатида**

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. «Аҳоли» тушунчасининг моҳияти ва унинг қўлланиши. Аҳолини ўрганишнинг географлар учун хос бўлган уч йўналиши: а) аҳолининг жойлашуви, динамикаси, фаолияти ва яшаш шароитларининг регионал хусусиятларини аниқлаш; б) ушбу жараёнлардаги ҳудудий тафовутларнинг сабаблари; в) ўрганилаётган жараёнларнинг оқибатлари.

Аҳолини географик ўрганишнинг асосий йўналишлари. Аҳоли сони ва жойлашуви. Аҳоли зичлиги. Аҳолининг жинс-ёш таркиби.

Аҳолининг такрор барпо бўлишини ўрганиш. Аҳоли миграцияси ва таркибини ўрганиш. Аҳолининг турмуш даражасини ўрганиш. Аҳоли ва атроф муҳит муҳофазаси.

### **Меҳнат ресурсларини географик ўрганиш**

Меҳнат ресурси тушунчаси ва унинг моҳияти. Меҳнат ресурсларининг тузилиши. Меҳнат ресурсларини географик ўрганишнинг хусусиятлари. Меҳнат ресурсларини тақсимланиши, сон ва сифат таркиби, шаклланиши ва тақсимланишидаги ҳудудий тафовутларни аниқлаш географик тадқиқотларнинг муҳим вазифаси эканлиги.

Меҳнат ресурсларини сони ва таркибини таҳлил қилиш. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш. Меҳнат ресурслари билан таъминланишни аниқлаш.

### **Аҳоли пункти(шаҳар)ни географик жиҳатдан ўрганиш**

Аҳоли пунктларини географик ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Шаҳар тушунчасининг моҳияти ва уни иқтисодий-социал географиянинг мураккаб тадқиқот объекти эканлиги. Шаҳарни иқтисодий географик ўрганишнинг асосий йўналишлари. Урбанизация жараёнлари. Шаҳарнинг ривожланишида табиий шароит ва ресурсларни баҳолаш. Шаҳарнинг ривожланишида социал-иқтисодий омилларни баҳолаш. Шаҳар аҳолиси ва меҳнат ресурсларини ўрганиш. Шаҳар хўжалигини тармоқлар ва ҳудудий тузилишини ўрганиш ва унинг функцияларини аниқлаш. Шаҳарларни ҳудудий ташкил этиш масалаларини тадқиқ этиш. Шаҳар ва атроф муҳит.

### **Саноат ва агрогеографик тадқиқотлар**

Саноат тармоқларини географик ўрганиш. Саноат тармоқларини ҳудудий тадқиқ этишнинг мақсади ва вазифалари. Саноат тармоқлари таснифи. Саноатни иқтисодий географик ўрганишнинг асосий мақсади - муайян ҳудуднинг иқтисодий, техник ва табиий шарт-шароитларига мувофиқ ҳолда саноат тармоқларини ҳудудий ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганишдан иборат эканлиги.

Саноатни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ижтимоий ва ҳудудий шакллари. Саноатни ривожлантиришнинг омиллари. Саноат тугунлари ва марказлари.

Саноат географияси бўйича тадқиқотлар, саноат ишлаб чиқариши, жамият тараққиёти, ҳозирги замон индустрияси, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари, агрогеографик тадқиқотлар, фермер хўжаликларининг ривожланиши, инфраструктуралар.

### **Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географияси**

Қишлоқ хўжалигини географик ўрганиш. Қишлоқ хўжалигини географик ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигини тармоқлар таркиби. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий шароит ва ресурслар билан узвий алоқадор эканлиги. Ер қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ва меҳнат предмети эканлиги. Ер фонди тузилиши ва ундан фойдаланиш масалалари. Қишлоқ хўжалигини географик ўрганишнинг асосий йўналишлари. Қишлоқ хўжалигининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни. Қишлоқ хўжалигини ривожланишида табиий шароитни баҳолаш. Қишлоқ хўжалигини ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари ва омиллари. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари. Қишлоқ хўжалиги районлари. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг тадрижий ва минтақавий хусусиятларини ўрганиш.

Қишлоқ жойлари, қишлоқ инфраструктураси, аҳолига хизмат кўрсатиш географияси, ижтимоий ёки социал география, сервис хизматлари, аҳолига хизмат кўрсатиш географиясининг методологик асоси, ҳудудий мажмуа

шакллари, хизмат кўрсатишнинг замонавий тизими, ижтимоий инфраструктура.

### **Аҳолини географик ўрганиш. Геоурбанистика.**

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини географик ўрганиш. Хизмат кўрсатиш соҳаларини географик ўрганишнинг хусусиятлари, унинг замонавий ҳолати. Хизмат кўрсатиш соҳаларининг тузилиши. Аҳолининг моддий эҳтиёжларига хизмат кўрсатувчи соҳалар. Шахснинг ривожланишига, маънавий эҳтиёжларига хизмат қилувчи соҳалар. Хизмат кўрсатиш соҳалари ва уларнинг муассасаларини худудий ташкил этиш омилларини ўрганиш. Хизмат кўрсатиш даражасини баҳолаш. Хизмат кўрсатишда меҳнат ресурсларини ўрганиш. Ижтимоий инфраструктура. Худудий ижтимоий инфраструктура тизимларини ўрганиш.

Аҳоли, тавсифлаш объектлари, муайян географик муҳит, аҳолини географик ўрганиш, геоурбанистика, демография, геодемография, аҳолини географик ўрганишнинг икки ёналиши, аҳолини ўсиши жойлашиши.

### **Иқтисодий ва социал географиянинг тадқиқот методлари**

Социал географиянинг география фанлари тизимида тутган ўрни. Уни тор ва кенг маънода тушуниш. Иқтисодий ва социал географиянинг бошқа соҳалари билан ўзаро алоқадорлиги. Ижтимоий географиянинг вужудга келиши ва шаклланиши хусусиятлари. Ғарбда ва собиқ иттифокда социал географик тадқиқотларнинг ривожланиши. Ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти ва предметининг ўзига хослиги. Ижтимоий географик тадқиқотларнинг марказида инсон омилининг туриши. Аҳолининг моддий ва номоддий ижтимоий ҳаёт фаолиятини тадқиқ этиш. Социал географик тадқиқотлар ва уларнинг турлари. Мамлакат, вилоят, туман миқёсида социал-географик тадқиқотларни ташкил этиш.

Ўзбекистонда ижтимоий географиянинг ривожланиши. Мустақиллик йилларида социал географик тадқиқотларнинг олиб борилиши.

Умумий масалалар, умумгеографик методлар, иқтисодий ва ижтимоий географияга хизмат қилувчи методлар, бошқа методлар, картографик ва таққослаш методлари кузатув методи, статистика методи, иқтисодий география ўрин методи, географик конвейр методи, моделлаштириш, график, тавсифлаш, типологиктизим таркиб ва бошқа методлар.

### **Социал географияга оид тадқиқотлар. геосиёсий ва сиёсий географик тадқиқотлар**

Сиёсий география ва геосиёсатнинг тадқиқот объекти ва предмети. Уларнинг ўзаро муштараклиги ва тафовутлари. Сиёсий география ва геосиёсатнинг вужудга келиши хусусиятлари. Сиёсий география ва геосиёсатнинг ғарбда вужудга келиши ва ривожланиши хусусиятлари. Собиқ иттифокда сиёсий география ва геосиёсатнинг ривожланиши. Сиёсий география ва геосиёсий тадқиқотларнинг мазмуни ва хусусиятлари. Бошқа географик тадқиқотлардан фарқлари. Геосиёсий ва сиёсий-географик

тадқиқотларнинг дунё сиёсий харитаси, минтақалар ва мамлакатлар билан ўзаро боғлиқлиги. Геосиёсий ва сиёсий географик тадқиқотларни ташкил этиш.

Социал географияга оид тадқиқотлар, сиёсий ва геосиёсий географик тадқиқотлар, географик детерменизм, геосиёсат, геосиёсат соҳасидаси Ф. Рацел, К. Риттер, А. Геттнер, И. Кант ва бошқаларнинг ишлари, буюк мамлакатлар, регионал ва ҳудудий сиёсат.

### **3. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда талабалар иқтисодий ва ижтимоий географияда тадқиқотларни ташкил этиш ва бажариш асосларини ўрганадилар. Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Ихтиёрий олинган мавзулар бўйича малакавий битирув ишининг тайёргарлик, дала ва қайта ишлаш босқичлари режасини тузиш.
2. Иқтисодий географик тадқиқотларда картографик методни қўллаш.
3. Иқтисодий географик тадқиқотларда статистик ва бошқа методларни қўллаш.
4. Ихтиёрий олинган мавзулар бўйича малакавий битирув иши режасини тузиш.
5. Ихтиёрий олинган мавзулар бўйича малакавий битирув иши дастурини тузиш.
6. Вилоятларнинг иқтисодий ихтисослашувини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш.
7. Аҳолига хизмат кўрсатиш муассасаларининг ҳудудий таркибини баҳолаш.
8. Аҳолининг хизмат кўрсатишга бўлган талаб эҳтиёжларини аниқлаш.
9. Вилоятлар аҳолиси бўйича статистик маълумотларни умумлаштириш ва қайта ишлаш.
10. Вилоятлар қишлоқ хўжалиги бўйича статистик маълумотларни умумлаштириш ва қайта ишлаш.
11. Вилоятларнинг инфраструктуравий таъминланишини таҳлил қилиш.
12. Аҳоли карталарини тузиш методлари.
13. Қишлоқ хўжалиги карталарини тузиш методлари.
14. Аҳолига хизмат кўрсатиш карталарини тузиш методлари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларни амалий масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

**Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фаннинг боблари ва мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқурроқ ўрганиш;

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Иқтисодий-географик тадқиқотларнинг илмий-амалий аҳамияти.

2. Иқтисодий географик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш тарихи.

3. Йирик масшабли иқтисодий географик тадқиқотлар.

4. Майда масшабли иқтисодий географик тадқиқотлар.

5. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг объекти ва предмети.

6. Географик таққослаш методи ва ундан фойдаланиш.

7. Агрогеографик тадқиқотлар.

8. Саноатни географик ўрганиш.

9. Аҳоли-географик тадқиқотларнинг объекти сифатида.

10. Шаҳарларни географик ўрганишнинг асослари.

11. Иқтисодий географияда йирик ва майда масшабли тадқиқотлар.

#### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот технологияларини қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза ва амалий машғулотларда “Бахс-мунозара”, “Ақлий хужум”, «Мунозарали дарс» методларидан ҳамда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, электрон манбалар, диссертациялар, монографиялар, хорижий адабиётлар ва Интернет маълумотларидан фойдаланилади

#### **4. Фан бўйича маъруза ва амалий машғулотларида таълим технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари**

Таълим технологияси инсонийлик тамойилларига таянади. Фалсафа, педагогика ва психологияда бу йўналишнинг ўзига хослиги талабанинг индивидуаллигига алоҳида эҳтибор бериш.

**Таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги.** Ўз моҳиятига кўра бу йўналиш таҳлим жараёнидаги барча иштирокчиларнинг тўла қонли ривожланишини кўзда тутди. Бу эса Давлат таҳлим стандарти талабларига риоя қилган ҳолда ўқувчининг интеллектуал ривожланиши даражасига йўналтирилиб қолмай, унингнинг руҳий-касбий ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам

- **Тизимли ёндашув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам қилиши зарур: жараённинг мантиқийлиги, ундаги қисмларнинг ўзаро алоқадорлиги, яхлитлиги.

- **Амалий ёндашув.** Шахсда иш юритиш хусусиятларини шакллантиришга таҳлим жараёнини йўналтириш; ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча лаёқати ва имкониятларини, синчковлиги ва ташаббускорлигини ишга солишни шарт

- **Диалогик ёндашув.** Таълим жараёнидаги иштирокчи субъектларнинг психологик бирлиги ва ўзаро ҳамкорлигини яратиш заруратини белгилайди. Натижада эса, шахснинг ижодий фаоллиги.

- **Ҳамкорликдаги таҳлимни ташкил этиш.** Демократия, тенглик, субъектлар муносабатида ўқитувчи ва ўқувчининг тенглиги, мақсадини ва фаолият мазмунини биргаликда аниқлашни кўзда тутиш

- **Муаммоли ёндашув.** Таълим жараёнини муаммоли ҳолатлар орқали намойиш қилиш асосида ўқувчи билан биргаликдаги ҳамкорликни фаоллаштириш методларидан биридир. Бу жараёнда илмий билишнинг объектив зиддиятларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг диалектик тафаккурни ривожлантириш ва уларни амалий фаолиятда ижодий равишда қўллаш таъминланади.

- **Ахборот беришнинг энг янги восита ва методларидан фойдаланиш,** яъни ўқув жараёнига компьютер ва ахборот технологияларини жалб қилиш. Юқоридаги концептуал ёндашув ва “Географик тадқиқот методлари” фанининг таркиби, мазмуни, ўқув ахборот ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг қуйидаги метод ва воситалари танлаб олинди.

- **Ўқитиш методлари ва техникаси:** мулоқот, кейс стади, муаммоли метод, ўргатувчи ўйинлар, “ақлий хужум”, инсерт, “Биргаликда ўрганамиз”, пинборд, маъруза (кириш маърузаси, визуал маъруза, тематик, маъруза-конференция, аниқ ҳолатларни ечиш, аввалдан режалаштирилган хатоли,

- **Ўқитишни ташкил қилиш шакллари:** фронтал, коллектив, гуруҳий, диалог, полилог ва ўзаро ҳамкорликка асосланган.

- **Ўқитиш воситалари:** одатдаги ўқитиш воситалари (дарслик, маъруза матни, таянч конспекти, кодоскоп)дан ташқари график органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

- **Ўзаро алоқа воситалари:** назорат натижаларининг таҳлили асосида ўқитишнинг диагностикаси (ташхиси).

- **Бошқариш методи ва воситалари.** Ўқув машғулотини технологик карта кўринишида режалаштириш ўқув машғулотининг босқичларини белгилаб, қўйилган мақсадга эришишда талаба ва ўқитувчининг ҳамкорликдаги фаолиятини талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил ишларини

• **Мониторинг ва баҳолаш.** Ўқув машғулоти ва бутун курс давомида ўқитиш натижаларини кузатиб бориш, талаба фаолиятини ҳар бир машғулот ва йил давомида рейтинг асосида баҳолаш.

## 5. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ:

№	Маъруза шакллари	Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари
1	Кириш маърузаси	Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: ўқувчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари ва таниқли олимлар номлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-методик адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш.
2	Маъруза ахборот	Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш.
3	Шарқловчи маъруза	Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш.
4	Муаммоли маъруза	Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда ўқувчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни эчимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш.

5	Визуал маъруза	Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намоёиш этиш ҳамда уларга аниқ ва хисса шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш.
6	Бинар (икки кишилик) маъруза	Бу маъруза икки ўқитувчининг ёки иккита илмий мактаб намоёндасининг, ўқитувчи-талабанинг диалогидан иборат. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларининг мазмунини ёритиш.
7	Аввалдан режалаштирилган хатоли маъруза	Хатоларни излашга мўлжалланган мазмуни ва методиятида, маъруза охирида тингловчилар ташхиси ўтказилади ва қилинган хатолар текширилади. Педагогик вазифаси: янги материаллар мазмунини ёритиш, берилган маълумотни доимий назорат қилишга талабаларни рағбатлантириш.
8	Маъруза конференция	Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва талабаларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш.
9	Маслаҳат маъруза	Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган.
10	Амалий машғулотлар	Амалий машғулотларнинг барчаси табиий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий методларни ўрганишга қаратилади. Жами 23 та методлар атрофлича кўриб чиқилади.

**Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати**  
**Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:**

1. Манак Б.А. Методика экономико-географических исследований. Минск, «Университетское», 1989.
2. Солиев А., Назаров М. Иқтисодий географик тадқиқот методлари. Маърузалар матни. «Университет», Т., 2000.

**Қўшимча адабиётлар:**

3. Методика полевых физико-географических исследований (под.ред. Архангельского А.М.), М., Высшая школа 1976.
4. Ғуломов П.Н. ва бошқ. Табиий географиядан ўқув-дала амалиёти (Чорбоғ ўқув-дала амалиёти мисолида) ўқув қўлланманинг электрон версияси) Т., «Университет», 2005.
5. Нигматов А.Н. Юсупов Р. Табиий географик комплекслар ва экзоген жараёнлар. Т.; Турон иқбол, 2006.
6. Хасанов И.А. Оценка природных территориальных комплексов Каршинской степи для оросительной мелиорации. Т.; «Фан» 1981.
7. Николаев В.А. Ландшафты азиатских степей. М.; “Университет” 1999.
8. Солиев А., Маллабоев Т. Иқтисодий ва социал географияда айрим қонуниятларни ўрганиш методикаси. Т., 1988.
9. Солиев А.С., Каршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Тошкент, 1999.
10. Меркушева Л.А. География сферы обслуживания населения. Красноярск, 1989.
11. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география: Понятийно-терминологический словарь.-М.,1980.
12. Солиев А., Аҳмедов Э., Маҳмадалиев Р., Назаров М. ва б. Минтақавий иқтисодиёт. Т., 2003.
13. Алексеев А.И. Ковалев С.А., Ткаченко А.А. География сферы обслуживания. Калинин, 1986.
14. Тойн П., Ньюби П. Методы географических исследований,М.,1977,вип.И.
15. Маргойз И.М. Методика мелкомасштабных экономико-географических исследований. М., 1981.
16. Мирзаахмедов Х.С. Саноатда қўшма корхоналарни худудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятлари. География фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.- Тошкент, 2003.
17. Солиев А., Бўриева М., Назаров М., ва б. Қишлоқ жойлар демографияси. -Т., “Университет”, 2005.
18. Гоудие А. Пейсисче География. Мюнхен. «Вестерман» 1997.
19. География/ Пейсисче География/. Бонн. «Сорнелсен» 1989.

20. Кулке. Wbhwxaw - география. Мюнхен – Зурич. «Фердинанд Схонингх» 2004.
21. Хаггет П. География. Бонн. «Сорнелсен» 2001.
22. Брадсхав М. Ворлд регионал география. Бостон. «Мс Грав – Хилл». 2000.
23. www ЮНЕП. БМТнинг атроф-муҳит буйича дастури.
24. www. Зиё нет

<b>1-мавзу.</b>	<b>Кириш. Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва мазмуни.</b>
<b>Кириш маърузасини ўқитиш технологияси</b>	

<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Курснинг мақсади</li> <li>2. Курснинг вазифаси</li> <li>3. Курснинг мазмуни</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга географик тадқиқот методлари ҳақида маълумотлар бериш ва уларга географик тадқиқот методларини ўргатиш.	

<p><b>Педагогик вазифалар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Географик тадқиқот методларини ўрганишнинг аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Географик тадқиқот методларининг асосий принципларини тушунтириш</li> <li>• Географик тадқиқот методларига тавсиф бериш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Географик тадқиқот методларини география фанлар ўртасида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Географик тадқиқот методларининг ўрганиш объекти, мақсади ва вазифаларини фарқлайди ва изоҳлайди.</li> <li>• Географик тадқиқот методлари орқали таъриф беради.</li> </ul>
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг, блиц ўйин
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>ўқитувчи</b>	<b>талаба</b>
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Ўқитувчи географик тадқиқот методлари ҳақидаги маълумотларни проектор ёрдамида кўрсатади(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади. 2.4. Блиц ўйинни мустақил бажаради, савол беради</p>
<p>3-босқич Яқуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Кириш. Географик тадқиқот методлари ўқув курсининг мақсади, вазифалари ва мазмуни.” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

1-слайд

Блиц савол

1. Фундаментал ва амалий фанлар
2. География фанлари тармоқлари
3. Асосий таксономик бирликлар
4. Комплекс табиий географик тақиқот ишлари

2-слайд

Географик тадқиқот методларини методологик асоси ва мақсади.

География фанлари тизимининг ҳам методологик асосий ҳамда тадқиқот услублари мавжуд. Ваҳолангки, биз сизлар билан асосан ҳурматли талабалар VII-семестрда табиий ва иқтисодий географик тадқиқот услубларини иложи борича атрофлича кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ҳақиқатдан, табиий географияда илмий-тадқиқот ишларининг методологик асоси шунда кўринадики, табиатдаги ҳар бир объект ва ҳодисанинг тадқиқ қилишда нимадан бошлаб нимада тугатиш кераклигини ёритиб берувчи кўринишлари бўлади айнан мана шу илмий-тадқиқотнинг методологик асоси сифатида майдонга чиқади.

Табиий географик тадқиқот услублари ўқув курсининг олдида қўйган асосий мақсади бу - Давлат университети талабаларига табиий география фанидан илмий-тадқиқот ишларини қандай олиб бориш кераклигини ўргатишдан иборат.

### Географик тадқиқот методлари ўқув курсининг асосий вазифаси

Бу - географик тадқиқот ишларини тармоқли ва комплекс турларини, географик қобикнинг комплекслик даражаларини яъни ҳудудий комплекслар - табиий ишлаб чиқариш, табиий хўжалик тизимини илмий тадқиқ қилиш, ҳозирги замон ахборот тизими, географик ахборотларнинг глобал, регионал ва типологик даражаларини ўргатишдан иборат.

### 4-слайд

### Географик тадқиқот методларини ўқув курсининг мазмуни

Табиий географик тадқиқот услублари ўқув курсининг асосий мазмуни шундан иборатки,

- асосий таксономи бирликлар,
- табиий географик тадқиқотларда қўлланиладиган усул ва услублар,
- далада далилий маълумотларни тўплаш ва уларни тартибга солиш,
- тармоқли табиий географик тадқиқот ишлари,
- комплекс табиий географик тадқиқот ишларини ўрганиш,

тадқиқот ишлари олиб бориш ва у билан боғлиқ ишлар тизимини ўргатишдан иборат

Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг мақсади нимадан иборат?
2. Ўқув курсининг вазифалари нимадан иборат?
3. Ўқув курсининг мазмунида нималар ёритилган?
4. Ҳозирги замон табиий географик тадқиқот методлари.
5. Табиий географик тадқиқот методлари фанининг асосий мазмунини гапириб беринг?
6. Дала шароитида қанжай далилий маълумотлар тўпланади?
7. Тармоқли Табиий географик тадқиқотлар деганда нимани тушунасиз?
8. Мажмуали Табиий географик тадқиқотларнинг моҳияти ҳақида гапириб беринг?
9. Методик асос нима?
10. География фанлари тизимидаги тадқиқот методларини санаб беринг.

### БЛИЦ-ЎЙИН

№	Саволлар	Якка жавоб	Тўғри жавоб	Сизнинг ҳаракатингиз
1.	Географик тадқиқот методлари ўқув курсининг мақсади нимадан иборат?			Тадқиқот олиб боориш.
2.	Ўқув курсининг вазифалари нимадан иборат?			Географик ахборотларни аниқлаштириш.
3.	Ўқув курсининг мазмунида нималар ёритилган?			Асосан таксономик бирликлар.
4.	Дала шароитида қандай далилий маълумотлар тўпланади?			Фактик маълумотлар
5.	Методологик асос нима?			Тадқиқот методларининг мавжудлиги.
6.	География фанлари тизимидаги тадқиқот методларини санаб беринг.			Улар 20 тадан ортиқ

7.	Курснинг мақсади			Талабаларга тадқиқот методларини ўргатиш
8.	Курснинг вазифаси			Тадқиқотларни комплекс турларини ўргатиш
9.	Курснинг мазмуни			Тармоқли табиий географик ишлар
10.	Тармоқли географик тадқиқотлар деганда нимани тушунаси?			Тармоқ географик тадқиқотларнинг йўналишлари
11.	Мажмуали географик тадқиқотларнинг моҳияти ҳақида гапириб беринг?			Асосан табиат қонуниятларини англаш
12.	Ҳозирги замон табиий географик тадқиқот методлари.			Тадқиқотларнинг янги методлари пайдо бўлди.

## 1-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Курснинг мақсади
2. Курснинг вазифалари
3. Курснинг мазмуни

1. Фундаментал ва амалий йўналиш фанларининг барчаси илмий-тадқиқот ишларини ўзига хос методологияси ва илмий иш олиб бориш методлари бўлади. Ҳар фаннинг методологияси ва тадқиқот иларини олиб борилиши учун методларнинг мавжудлиги бу фанларнинг ривожланишини таоминлайди.

Жумладан, география фанлари тизимининг ҳам методологик асосий ҳамда тадқиқот методлари мавжуд. Ваҳолангки, биз сизлар билан асосан ҳурматли талабалар талабалар табиий географик тадқиқот методларини иложи бориша атрофлича кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ҳақиқатдан, табиий географияда илмий-тадқиқот ишларининг методологик асоси шунда кўринадики, табиатдаги ҳар бир объект ва ходисанинг тадқиқ қилишда нимадан бошлаб нимада тугатиш кераклигини ёритиб берувчи кўринишлари бўлади айнан мана шу илмий-тадқиқотнинг методологик асоси сифатида майдонга чиқади.

Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг олдида қўйган асосий мақсади бу - Давлат университети талабаларига табиий география фанидан илмий-тадқиқот ишларини қандай олиб бориш кераклигини ўргатиш учун асос бўладиган фандир.

Ўзимизга маълумки, Буюк географик кашфиётлар даврида, 17 ва 18-асрларда ҳам география табиат, иқтисодиёт ва дунё аҳолиси ҳақидаги ягона фан сифатида ривожланган. ўша даврларда бу фан аҳолини хўжалик фаолиятини энг керакли илмий маълумотлар билан таъминлаб келган.

Вақтлар ўтиши билан одамларнинг мамлакатларнинг эҳтиёжи кенгайди ва чуқурлашди бу билан илмий-тадқиқот йўналишлари ҳам ўзига хос йўналишлар касб этиб география фани дифференсацияга учради ва ўзининг структурасини мураккаблаштирди.

18-асрнинг иккинчи ярмидаги саноат революцияси география фанлари тармоқларини амалий йўналишларига бошқача талаб қўйди, эндиликда унинг объекти хали ўрганилмаган ҳудудларга нисбатан ўзи ўзлаштирилган ҳудудларни хўжалик фаолиятларини тадқиқ қилиш асосий масалага айланиб борди. Мана буларнинг ҳаммаси география фанларини структураси ва тадқиқот методларида кучли ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг асосий вазифаси бу - географик тадқиқот ишларини тармоқли ва комплекс турларини, географик қобикнинг комплекслик даражаларини яъни ҳудудий комплекслар - табиий ишлаб чиқариш, табиий хўжалик тизимини илмий тадқиқ қилиш, ҳозирги замон ахборот тизими, географик ахборотларнинг глобал, регионал ва типологик даражаларини ўргатишдан иборат.

Табиий географик тадқиқот методлари ўқув курсининг асосий мазмуни шундан иборатки,

- асосий таксономи бирликлар,
- табиий географик тадқиқотларда қўлланиладиган метод ва методлар,
- далада далилий маълумотларни тўплаш ва уларни тартибга солиш,
- тармоқли табиий географик тадқиқот ишлари,
- комплекс табиий географик тадқиқот ишларини ўрганиш,

тадқиқот ишлари олиб бориш ва у билан бўлган ишларни тизимини ўргатишдан иборат

### **Мавзу буйича янгиликлар:**

Табиий географик тадқиқот методлари вақт ўтиши билан узига хос мураккаб тизимга эга булган тадқиқот методларини ўзгартириб юбормоқда. Жумладан: Аэрокосмик тадқиқот методлари.

Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:

1. Табиий географик тадқиқот
2. Табиий географик тадқиқот методлари
3. Методологик асос
4. Мақсад, вазифа ва мазмун
5. Дифференсация
6. География фанлари структураси

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саушкин Г. Ю. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. М., 1980.
2. География сегодня. М., 1984.
3. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
4. Пашканг К. В. и др. Комплексная полевая практика по физической географии. М., 1986.
5. Методика полевых физико-географических исследований. М., 1972.

<b>2-мавзу.</b>	<b>География фанлари тизими</b>	
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Табиий география</li> <li>2. Иқтисодий-ижтимоий география</li> <li>3. Географик билимнинг тамойиллари</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга география фанлари тизими хақида маълумотлар, тушунчалар бериш ва уларга география фанлар тизимини ўргатиш.		

<p><b>Педагогик вазифалар</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• География фанлари тизимини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• География фанлари тизимининг асосий тамойилларини тушунтириш</li> <li>• География фанлари тизимига тавсиф бериш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• География фанлари тизимининг география фанлар ўртасида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• География фанлари тизимининг тармоқларини изоҳлайди.</li> <li>• География фанлари тизимига таъриф беради.</li> </ul>
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
<p><b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> <b>(10 мин)</b></p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>


<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд)</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд)</p> <p>2.3. География фанлари тизими ҳақида маълумот беради.(3 слайд)</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради.</p> <p>2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Яқуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа: “География фанлари тизими“ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

### Блиц савол


1. Географик илмий-тадқиқот ишлари
2. Умумий табиий география
3. Иқтисодий география
4. Ижтимоий география
5. Сиёсий география
6. География фанлари тизими

### Табиий географиянинг тармоқлари

Табиий географияда жуда кўп алоҳида илмий йўналишлар вужудга келди. Яъни, геоморфология, иқлимшунослик ва ундан тезлик билан доимий қор ва музликларни ўрганувчи гляциология (музшунослик), гидрология кейинчалик ундан қуруқлик гидрологияси ва океонологияси ажралиб чиқди. Булардан ташқари яна табиий географияда ўсимликларни тарқалишини ўрганувчи биогеография, ҳайвонот оламини ўрганувчи зоогеография, тупроқларни тадқиқ қилувчи тупроқшуносликни бир тармоғи ҳисобланган генетик тупроқшунослик, геофизика, геокимё, ландшафтшунослик, мелиоратив география, палеогеография, коинот географияси, табиий ресурслар географияси, хариташунослик, геодезия, ғоршунослик (спелология), геоэкология, мониторинг тизимлари ва бошқа кўплаб тармоқлар ва йўналишлар вужудга келди.



Иқтисодий-ижтимоий география ҳам ўз ўрнида бир нечта тармоқларга бўлиниб кетган. Масалан, иқтисодий география, ижтимоий география, сиёсий география, фанлар географияси, аҳоли географияси демографияси билан бирга, саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, шаҳарлар географияси, табиий ресурслардан фойдаланиш географияси, тарихий география, географик тадқиқотлар тарихи географияси, харбий география, тиббиёт географияси, рекреацион география, мамлакатлар географияси ва бошқалар.



Қадим замонлардан бошлаб география фани турли хил кучли қаршиликларга учрагани билан бу фан ўзининг бир бутунлигини сақлаб қола билди. География фанлари тизимининг бир бутунлигини сақлаб қолинишида географик билимларни асосини ташкил этувчи учта тамойили асосий ўрин эгаллади. Жумладан, бу тамойиллар қуйидагилардир:

1. Регионализм
2. Экологизм
3. Антропогенизм

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. География фанлари тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Табиий географияни тармоқларини санаб беринг?
3. Иқтисодий-ижтимоий география тармоқларини санаб беринг?
4. Географик билимлар тамойилларини санаб беринг?
5. Спелология фани нимани ўрганади?
6. Палеогеографияни ўрганиш объекти нима?
7. Табиий география фанини тармоқларини айтинг?
8. Иқтисодий география фанининг тармоқларини айтинг?
9. Оралик фанлар тармоқларини санаб беринг?
10. Демография, геодезия, этнография йўналишларини бир-биридан фарқини айтиб беринг?

## 2-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Табиий география
2. Иқтисодий-ижтимоий география
3. Географик билимларнинг тамойиллари.

XX асрнинг охириги ўн йилликларига келиб география фанлари тизимида кўплаб илмий йўналишлар ва тармоқлар вужудга келдики, бу йўналиш ва тармоқларсиз илмий-тадқиқот ишларини поёни гўёки саёздек кўрина бошлади.

Биз юқоридаги маърузада айтиб ўтганимиздек, ҳозирги кунга келиб география ўзи ўзлаштирилган ҳудудларда табиатнинг ўзгартириш, табиий ресурслардан интенсив фойдаланиш каби масалаларни атрофлича тадқиқ қилиш билан бир қаторда география фанларини структураси ва методлари ҳам кучли ўзгаришларни бошидан кечирди. Бунга асосий сабаб атроф табиий муҳитни алоҳида компонентларини чуқур тадқиқ қилиш жараёнида вужудга келган номутаносибликларни олдини олиш ва уларга барҳам бериш борасида табиий географияда ҳам иқтисодий-ижтимоий географияда ҳам ёндошиш ва методларни тармоқ мутахассисликларга ажратишга олиб келди

Жумладан табиий географияда жуда кўп алоҳида илмий йўналишлар вужудга келди. Яъни, геоморфология, иқлимшунослик ва ундан тезлик билан доимий қор ва музликларни ўрганувчи гляциология (музшунослик), гидрология кейинчалик ундан куруқлик гидрологияси ва океанологияси ажралиб чиқди. Булардан ташқари яна табиий географияда ўсимликларни тарқалишини ўрганувчи биогеография, ҳайвонот оламини ўрганувчи зоогеография, тупроқларни тадқиқ қилувчи тупроқшуносликни бир тармоғи ҳисобланган генетик тупроқшунослик, геофизика, геохимё, ландшафтшунослик, мелиоратив география, палеогеография, коинот географияси, табиий ресурслар географияси, хариташунослик, геодезия, ғоршунослик, геоэкология, мониторинг тизимлари ва бошқа кўплаб тармоқлар ва йўналишлар вужудга келди. Бу тармоқ ва йўналишлар табиий география фанлари тизimini ташкил этиб табиат компонентларини тадқиқ қилишда уларни ўзгаришини, ривожланишини, эволюциясини, генезисини, динамикасини ўрганишда бир бирини доимо тўлдириб келмоқда.

Бу тармоқ фан йўналишларини ривожланиши география фанлари тизимини фундаментал тадқиқотларида ўзига хос бир туркумни ташкил этади.

Табиий география фанлари тизимида яна бир йирик йўналиш ва ўзининг тадқиқот методлари ва методологияси билан алоҳида ўрин тутадиган фан тармоғи бу иқтисодий-ижтимоий география йўналишидир. Айниқса бу фан тармоғи эндиликда табиий ва ижтимоий фанлар чегарасида жойлашган ҳолда конструктив географиянинг ривожланиб боришида асосий ўринни эгалламоқда.

Жумладан иқтисодий-ижтимоий география ҳам ўз ўрнида бир нечта тармоқларга бўлиниб кетган. Масалан, иқтисодий география, ижтимоий география, сиёсий география, фанлар географияси, аҳоли географияси демографияси билан бирга, саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, шаҳарлар географияси, табиий ресурслардан фойдаланиш географияси, тарихий география, географик тадқиқотлар тарихи географияси, харбий география, тиббиёт географияси, рекреацион география, мамлакатлар географияси ва бошқалар.

Умуман табиий география ҳамда иқтисодий-ижтимоий география фанлари тизимидаги барча йўналишлар бир-бирини доимо тўлдириб тадқиқот материалларидан фойдаланиб келишлари билан бир қаторда география фанларига яқин бўлган фанларни маълумотларидан ҳам атрофлича фойдаланилади. Бу яқин фанлар масалан, бўлиши мумкин, геология, метеорология, биология, экология, математика, кимё, физика, этнография, тарих, иқтисод, статистика ва бошқалар.

Қадим замонлардан бошлаб география фани турли хил кучли қаршилиқларга учрагани билан бу фан ўзининг бир бутунлигини сақлаб қола билди. География фанлари тизимининг бир бутунлигини сақлаб қолинишида

географик билимларни асосини ташкил этувчи учта тамойили асосий ўрин эгаллади. Жумладан, бу тамойиллар қуйидагилардир:

1. Регионализм
2. Экологизм
3. Антропогенизм

1. Географик ўрганиш ва тасвирлашда асосий объект сифатида аниқ худуд майдонга чиқади. Табиий географияда регионализм тамойилларини ривожланишида географиянинг хариташунослик билан узвий алоқаси асосий рол ўйнаган. Хариташунослик методида жойнинг аниқ кўриниши ва тасвирланиши ўрганилаётган регионни географик тадқиқ қилинишида кучли техник воситалар ёрдамида объектни ҳақиқий тавсифи аниқланади ва ўша регионни географик қонуниятлари кўриб чиқилади. Эндиликда амалий географияда геэкологик муаммоларнинг асосий қисми регионал даражага кўтарилади. Бундан келиб чиқадики, табиий географик тадқиқотларнинг йўналишини энди регионал даражага олиб чиқилиши керак. “Глобал даражада фикр юритиб локал даражада иш олиб бориш керак”. Ваҳоланки, регионал даража глобал даража билан локал даражани ўрта бўғини ҳисобланиб жуда чуқур комплекс тадқиқотларни талаб қилади.

2. Экологизм тамойиллари табиий географияда табиат зоналари ва табиий ландшафтлар ҳақидаги билиларни ишлаб чиқишда ўз аксини топди. Маълумки, бутушунчалар табиий муҳит компонентларини моҳиятини ўзаро алоқаларини аниқлаш учун белгиланган. Яъни иқлимий шароит, рельеф, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Бу табиат компонентлари у ёки бу реионда албатта қайтарилади. Экологизм тамойилида табиий ландшафт энг асосий ролни ўйнайди, бу атама географияга биологиядан кириб келган “экотизим” атамаси билан жуда яқинлашади. Бу билан табиат комплексларидаги энергия ва модда алмашинувини асосини ташкил этувчи занжир - табиий ландшафтлар - экотизим вужудга келади.

Ҳозирги кунда экотизимлар ва табиий ландшафтлар ҳақидаги таълимот замонавий география ва биогеографияда мавжуд ва жуда кўнгилдагидек ривожланиб бормоқда. Бу талимот табиий географиянинг тармоқлари ҳисобланган иқлимшунослик, гидрология, тупроқлар географияси, геботаника, зоогеографияларнинг ривожланишида рол ўйнаб қолмасдан географияни биология фани билан чуқур алоқасини ҳам таминламоқда.

3. Географик тадқиқотларнинг кейинги ривожланишида энг долзарб бўлган ҳолатлардан бири бу антропогенизм тамойилини роли ошиб бораётганлигидир. Инсон қадим замонлардан буён табиатга унинг ресурсларига ружу қўйиб келмоқда, XX асрнинг охириги ўн йилликларига келиб унинг таъсири глобал даражага кўтарилиб кетди. Шуларни ҳисобга олиб географик билимларнинг асосий йўналиши эндиликда қандайдир хали инсонни оёғи етиб бормаган ўлкаларни тадқиқ қилиш эмас, балки табиий

муҳитни сақлаш, ҳимоя қилиш ва уни ўзгартиришда эҳтиёткорликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмоқда.

### **Мавзу буйича янгиликлар**

География фанига кириб келган энг янги иборалар: Регионализм Экологизм антропогенизм

Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:

1. География фанлари тизими
2. Иқтисодий-ижтимоий география
3. Географик билимларнинг тамойиллари
4. Регионализм
5. Экологизм
6. Антропогенизм
7. Спелология
8. Палеогеография
9. Геодезия
10. Демография, этнография

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Желукин В. С. Введение в географию. Л., 1989.
2. Калесник С. В. Проблемы физической географии. Л., 1984.
3. Мукистанов Н.К. От Страбона до наших дней. М., 1985.
4. Исаченко А. Г. Развитие географических идей. М., 1979.
5. Желукин В.С. Лавров С.Б. География системе наук. Л., 1987.
6. Марков К.К. и др. Введение в физическую географию М., 1978.
7. Забелин И. М. Мудрости географии. М., 1986.
8. Баттимер А. Путь в географию. М., 1990.
9. Рябчиков А. М. Окружающая среда. М., 1983.

<b>3-мавзу.</b>	<b>Асосий таксономик бирликлар</b>	
<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>		
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Табиий географик районлаштириш принципи</li> <li>2. Географиядаги асосий таксономик бирликлар</li> <li>3. Ўзбекистон худудини табиий географик районлаштиришдаги асосий таксономик бирликлар тизими</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга асосий таксономик бирликлар ҳақида маълумот ва тушунчалар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Асосий таксономик бирликлар ни аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Асосий таксономик бирликларининг тамойилларини тушунтириш</li> <li>• Асосий таксономик бирликларига тавсиф бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Асосий таксономик бирликларининг география фанлар ўртасида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Асосий таксономик бирликларининг тармоқларини изоҳлайди.</li> <li>• Асосий таксономик бирликларига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<b>Босқичлар,</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>
-------------------	------------------------

вақти	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Асосий таксономик бирликлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)	2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.
3-босқич Яқуний (10 мин)	3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Асосий таксономик бирликлар “ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.

### Блиц савол


1. Табиий географик раёнлаштириш
2. Раёнлаштириш тамойили
3. О`збекистонни табиий географик раёнлаштирилиши
4. Асосий таксономик бирликлар

### Комплекс табиий географик районлаштириш

Районлаштириш-Табиий географиянинг энг муҳим биринчи даражали муаммоларидан бири ҳисобланади. Табиий географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган принципи, услуби ва таксономик бирлиги (схемаси) фақат илмий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ҳам амалий аҳамиятга эга.

Чунки табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиб ўзгартириш, халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, халқ хўжалиги тармоқларини ихтисослаштириш энг аввало ҳудуд табиати ичидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳатдан пухта билишни тақозо этади.

Табиий география районлаштириш бу ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган ва табиатга обьектив мавжуд бўлган, бир-биридан табиий хусусиятлари жиҳатдан фарқланадиган ҳар хил табиий ҳудудий комплексларни аниқлаш



### Табиий географик районлаштириш тамойили

Бу табиий географик бўлинишнинг объектив ҳолда мавжудлигига қатий риоя қилишдир. Табиий географик районлаштиришнинг ҳудудий бирлик принципи, комплекслик принципи, объективлик принципи, нисбий бир хиллик принципи, генетик принципи ва бошқа принциплари мавжуд.

Маълум ҳудудни табиий географик жиҳатдан районлаштиришда тадқиқотчилар ҳар хил услублардан фойдаланишлари мумкин. Уларнинг энг муҳимлари: турли хил хариталарни бир-бирига таққослаш услуби:

- ландшафт ва типологик комплекслар хариталаридан регионал бирликларни аниқлаш услуби;

- характерли ландшафт комплексларнинг устунли услублари ;

- картографик услуб;

- табиий географик бирликларни бевосита далада аниқлаш услуби;

- табиий географик районлаштиришнинг яна бир томони бу районлаштиришнинг таксономик бирликлар чизмасидир. Масалан, шу вақтгача Ўзбекистон ҳудудини районлаштиришнинг ҳамма қабул қилган ягона таксономик бирлиги йўқ.

## Ўзбекистон ҳудудини ТГР да қўлланилган асосий таксономик бирликлар

Л.Н. Бабушкин ва Н.А. Когай бўйича:  
 мамлакат - (ўлка) Туркистон ёки Ўрта Осиё  
 провинция - Ўзбекистон ҳудуди (тўласича)  
 провинцияча - 1-текислик қисми, 2-тоғлик қисми  
 округ - масалан, Фарғона округи ёки Қашқадарё округи  
 район масалан, Марказий Фарғона райони, Адирлар табиий географик райони.

Ландшафт - масалан, Марказий Фарғона табиий географик районининг марказий қисмида жойлашган оқ саксовул ва бошқа қумда ўсадиган псаммофит ўсимликлар мавжуд бўлган дельта текисликларда жойлашган зол қумли ландшафти.

Булардан ташқари, яна ландшафт таркибида бирор хил кўриниши билан алоҳида ажралиб турадиган таксономик бирликларни ажратиш мумкин. Масалан, Урочишча, подурочишча, фация.

урочишча - бу ландшафт таркибидаги алоҳида кўриниш, масалан, ботқоқлик, ўрмон, даланинг ўрта қисми.

Подурочишча - бу ландшафт таркибидаги урочишчадан ҳам кичикроқ кўриниш, яъни масалан, ўрмон ичидаги ялангликни ўзига хос кўриниши.

Фация - бу ландшафт таркибидаги энг кичик табиий ҳудудий комплекс бўлиб, унда ҳамма вақт давомида литологик таркиби бир хил, бир хил характердаги рельеф кўриниши, микроиклим кўриниши бир хил, бир хил тупроқ қоплами, бир биоценоз мавжуд бўлади. Масалан, ҳар қандай табиий объектнинг 1 кв метри ва бошқалар.

Л. Н. Бабушкин, Н. А. Когайларнинг районлаштириш тизимига кўра Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми Турон провинциясига киради. Улар Турон провинциясини текислик ва тоғ олди - тоғлик деб 2 провинциячага ажратади. Текислик провинциячасига - Устюрт, Қуйи Амударё, Қизилқум, Зарафшон округларини, тоғ олди ва тоғ провинциячасига эса - Ўрта Сирдарё, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё округларини киритадилар.

Ҳар бир округ ўз навбатида районларга, районлар эса ландшафтларга бўлинади. Умуман Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштиришда қулайлик туғдириш мақсадида куйидаги районлаштириш тизими қўлланилган. Провинция - провинцияча - округ - район - ландшафт кўринишида.

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Табиий географик районлаштириш принциплари нималардан иборат?
2. Асосий таксономик бирликларни санаб беринг?
3. Табиий географик районлаштиришлар билан кимлар шуғулланганлар?
4. Ўзбекистонни табиий географик районлаштириш тизими қандай?
5. Ўзбекистон табиий географик районлаштиришда қўлланилган таксономик бирликлар тизимини санаб беринг?
6. Ўзбекистонда нечта табиий географик район бор?
7. Табиий географик районлаштириш принципи нималардан иборат?
8. Ҳар бир таксономик бирлик бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?
9. Турон провинцияси деганда нимани тушунаси?
10. Марказий Қозоғистон провинцияси ҳақида гапириб беринг.

### 3-МАВЗУНИНГ МАТНИ

#### РЕЖА:

1. Табиий географик районлаштириш принципи.
2. Табиий географиядаги асосий таксономик бирликлар
3. Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштиришдаги асосий таксономик бирликлар тизими.

Комплекс табиий географик районлаштириш - табиий географиянинг энг муҳим биринчи даражали муаммоларидан бири ҳисобланади. Табиий географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган принципи, методи ва таксономик бирлиги (схемаси) фақат илмий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ҳам амалий аҳамиятга эга. Чунки табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиб ўзгартириш, халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, халқ хўжалиги тармоқларини ихтисослаштириш энг аввало ҳудуд табиати ичидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳатдан пухта билишни тақозо этади. Табиий географик районлаштириш бу ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган ва табиатда объектив мавжуд бўлган, бир-биридан табиий хусусиятлари жиҳатдан фарқланадиган ҳар хил табиий ҳудудий комплексларни аниқлашдир.

Табиий географик районлаштиришнинг принципи бу табиий географик бўлинишнинг объектив ҳолда мавжудлигига қатий риоя қилишдир. Табиий географик районлаштиришнинг ҳудудий бирлик принципи, комплекслик

принципи, объективлик принципи, нисбий бир хиллик принципи, генетик принципи ва бошқа принциплари мавжуд.

Маълум ҳудудни табиий географик жиҳатдан районлаштиришда тадқиқотчилар ҳар хил методлардан фойдаланишлари мумкин. Уларнинг энг муҳимлари: турли хил хариталарни бир-бирига таққослаш методи:

- ландшафт ва типологик комплекслар хариталаридан регионал бирликларни аниқлаш методи;

- характерли ландшафт комплексларнинг устунли методлари;

- картографик метод;

- табиий географи бирликларни бевосита далада аниқлаш методи;

- табиий географик районлаштиришнинг яна бир томони бу районлаштиришнинг таксономик бирликлар чизмасидир. Масалан, шу вақтгача Ўзбекистон ҳудудини районлаштиришнинг ҳамма қабул қилган ягона таксономик бирлиги йўқ.

Ваҳолангки, Туркистон, жумладан Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириш билан Л.С.Берг (1913), С. И. Аболин (1929), В. М. Четиркин (1944), М. Мурзаев, (1953, 1958), П. С. Макеев (1956), Л. Н. Бабушкин, Н. А. Когай (1964) шуғулланганлар ва ўзларини таксономик бирликларни тавсия этганлар. Булар ичида Бабушкин, Когайларнинг районлаштириш тизими диққатга сазовордир. Чунки уларнинг табиий географик районлаштириш тизими Ўзбекистон ҳудудини ҳамма қисмини тўлиғича қамраб олган.

Улар Туркистонинг бир қисми ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштиришда қуйидаги таксономик бирликлар тизимини қўллаганлар: мамлакат (ўлка) - провинция - провинцияча - округ - район - ландшафт.

Бу ерда:

мамлакат - (ўлка) Туркистон ёки Ўрта Осиё

провинция - Ўзбекистон ҳудуди (тўласича)

провинцияча - 1-текислик қисми, 2-тоғлик қисми

округ - масалан, Фарғона округи ёки Қашқадарё округи

район масалан, Марказий Фарғона райони, Адирлар табиий географик райони.

Ландшафт - масалан, Марказий Фарғона табиий географик районининг марказий қисмида жойлашган оқ саксовул ва бошқа кумда ўсадиган псаммофит ўсимликлар мавжуд бўлган делта текисликларда жойлашган зол кумли ландшафти.

Булардан ташқари, яна ландшафт таркибида бирор хил кўриниши билан алоҳида ажралиб турадиган таксономик бирликларни ажратиш мумкин. Масалан, Урочишча, подурочишча, фация.

урочишча - бу ландшафт таркибидаги алоҳида кўриниш, масалан, ботқоқлик, ўрмон, даланинг ўрта қисми.

Подурочишча - бу ландшафт таркибидаги урочишчадан ҳам кичикрок кўриниш, яъни масалан, ўрмон ичидаги ялангликни ўзига хос кўриниши.

Фация - бу ландшафт таркибидаги энг кичик табиий худудий комплекс бўлиб, унда ҳамма вақт давомида литологик таркиби бир хил, бир хио характердаги рельеф кўриниши, микроиклим кўриниши бир хил, бир хил тупроқ қоплами, бир биоценоз мавжуд бўлади. Масалан, ҳар қандай табиий объектнинг 1 кв м ва бошқалар.

Л. Н. Бабушкин, Н. А. Когайларнинг районлаштириш тизимида кўра Ўзбекистон худудининг асосий қисми Турон провинциясига киради. Улар Турон провинциясини текислик ва тоғ олди - тоғлик деб 2 провинциячага ажратади. Текислик провинциячасига - Устюрт, Қцуйи Амударё, Қизилқум, Зарафшон округларини, тоғ олди ва тоғ провинциячасига эса - Ўрта Сирдарё, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё округларини киритадилар.

Ҳар бир округ ўз навбатида районларга, районлар эса ландшафтларга бўлинади. Умуман Ўзбекистон худудини табиий географик районлаштиришда қулайлик туғдириш мақсадида қуйидаги районлаштириш тизими қўлланилган. Провинция - провинцияча - округ - район - ландшафт кўринишида.

Маълумки, Ўзбекистон худудининг асосий қисми Турон табиий географик провинциясига, фақат Устюрт платоси эса Мраказий Қозоғистон провинциясига киради. Демак, Ўзбекистон худуди турон провинциясининг бир қисми ҳисобланиб, табиий комплекслари унсурларининг фарқи унинг теслик қисми билан тоғ олди ва тоғларида яққол кўзга ташланади.

Умуман олганда ҳар бир таксономик бирликлар бир биридан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади.

### **Мавзу буйича янгиликлар:**

Ханузгача районлаштириш тизимида ягона таксономик бирликлар тизими ишлаб чиқилмаган.

**Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Табиий географик районлаштириш
2. Мамлакат - (ўлка)
3. Провинция, провинцияча
4. Округ, район, ландшафт
5. Урочишча, фация, продурочишча
6. Табиий- худудий комплекслар
7. Текислик қисм, тоғ олди ва тоғлик қисмлар

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Султонов Ю. Ландшафтлар географияси. Т., 1974.
2. География сегодня. М., 1984.
3. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
4. Колесник С. В. Проблемы физической географии. Л., 1984.
5. Жекулин В. С. Введение в географию. Л., 1989.
6. Жекулин В.С. Лавров С.Б. География системе наук. Л., 1987.
7. Пославская О. Ю. Учебные пособие по методике полевых физико-географических исследования. Т., 1976.
8. Исаченко В. А. и др. Полевые практики по географическим дисциплинам. М., 1980.
9. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. Т., 1996.
10. Рябчиков А.М. Структура и динамика геосфере. М., 1972.

<b>4-мавзу.</b>	<b>Географик тадқиқот методлари ва методлари</b>	
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Табиий географик тадқиқот методлари</li> <li>2. Диалектик метод</li> <li>3. Қиёслаш методи</li> <li>4. Стационар ва экспедицион методлар</li> <li>5. Картографик ва аерокосмик методлар</li> <li>6. Математик ва моделлаштириш методлари</li> <li>7. Лаборатория-аналитик метод</li> <li>8. Палеогеографик метод</li> <li>9. Районлаштириш методи</li> <li>10. Тасвирлаш ва комплекс методлар</li> <li>11. Табиий географиядаги геофизик ва геокимёвий ёъналишлар</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида умумий тушунчалар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Географик тадқиқот методлари ва методларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Географик тадқиқот методлари ва методларини тушунтириш</li> <li>• Географик тадқиқот методлари ва методларига тавсиф бериш.</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Географик тадқиқот методлари ва методларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Географик тадқиқот методлари ва методларининг тармоқларини изоҳлайди.</li> <li>• Географик тадқиқот методлари ва методларига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	

Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.
Ўқитиш шакли	Фронтал, гуруҳли
Ўқитиш шароитлари	Маъруза хонаси

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
<b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> <b>(10 мин)</b>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
<b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>(60 мин)</b>	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд) 2.5. Яна мавзуга оид 7 та слайд талабаларга берилади.	2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.

<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Географик тадқиқот методлари ва методлари “ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.  3.2. Топширикни ёзиб олади.</p>
---	--	--

1-слайд

### Блиц савол


1. Тадқиқот ишлари
2. Усуллар ва услублар
3. Географик ҳодиса ва жараёнларни англаш
4. Картографик услуб
5. Аерокосмик услуб

2-слайд

### Табиий географик тадқиқот усуллари ва услублари

Бошқа фундаментал ва амалий фанлар сингари табиий географияда ҳам жуда кўп хил тадқиқот ишлари учун қўлланиладиган усул ва услублар мавжуд. Бу усул ва услублар ёрдамида табиий географияда оддий воқеа ходисаларнинг туб моҳияти очиқ берилди ва шу билан бирга уларда вужудга келган ҳар хил муаммоларни бартараф қилиш ва уларни келажакдаги ҳолатини башорат қилиши масалалари аниқланади.

Фалсафий нуқтаи назардан табиий географик тадқиқот усул ва услублари ёрдамида географик ҳодиса ва жараёнларни англаш ва намоён қилишга эрилшилади.



Фан ҳамеша бирон тарзда ҳодисаларнинг алоқаларини очиб беришга интилиб келди. Лекин илгари ҳеч қачон айрим ҳодисаларни алоқадор бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш фанда ҳозирги вақтдагидек ўрин тутган эмас. Ҳодисалар ва жараёнларни тизимлар сифатида, яъни элементлари ва қисмлари муайян алоқадорликда бўлган, буларнинг ўзлари ҳам кенгроқ тизимларнинг томонлари ва қисмларидан иборат бўлган яхлит бутунликлар сифатида таҳлил қилиш - ҳозирги замон фанининг характерил хусусиятларидан бидир.

Фаннинг вазифаси ва мақсади аввало табиат ва жамиятни ҳаракат ва тарақиётнинг қонуниятли жараёни сифатида, объектив қонунлар тақозоси билан юзага келадиган ва шу қонунлар йўллаб турган жараён сифатида тушунишдан иборатдир.

Табиат тўғрисидаги унинг тараққиёти тўғрисидаги энг мукамал ҳар томонлама чуқур таълимот бўлган диалектика табиатнинг туб моҳиятини ўрганишда назарий негиз сифатида майдонга чиқади.

Табиий географиядаги тадқиқот услубларидан бири бу диалектик услуб бўлиб, фалсафий нуқтаи назардан табиадаги барча ҳодиса ва жараёнларни тўлиқ англаш учун диалектик услубдан фойдаланилади. Фақат диалектик услуб ёрламида талқикотнинг моҳияти тўлиқ англанади.

### Қиёслаш методи

Табиий географиядаги тадқиқотлар жараёнида қиёслаш услубига ҳам жуда катта ўрин берилган. Бу усул орқали ҳар қандай иккита табиий географик объектни бир бирига қиёслаш ёрдамида тадқиқот ишларини натижасини кузатиш мумкин. Масалан, Африкадаги Саҳрои Кабир чўли билан Осиё қитъасидаги Такламакон чўли ёки Қалахаре чўли билан Қизилқум ёки Қорақумни қиёслаб улар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда қарама қаршиликни билиб олиш мумкин. Қиёслаш услубида тадқиқотларга комплекс ёндошиш мумкин.


Яъни ўрганилаётган объектдаги барча учрайдиган табиий унсурларни тизимли равишда мажмуали қиёслаш ва хулоса чиқариш мумкин.

### Стационар ва экспедицион методлар

Стационар ва экспедицион услублар: яқин вақтларгача илмий-тадқиқот ишларида экспедицион услубдан кенг фойдаланиб келинган ва бундан ҳам кейин бу усул ўзининг илмий-тадқиқотнинг мукамал қисми сифатида дала тадқиқотларининг гултожи бўлиб қолаверади.

Экспедицион услубда барча воқеа ва ходисалар бевосита ўрнида кўриб чиқилади, ўзимизга маълумки, тадқиқ қилинаётган ҳудуддаги барча объект ва жараёнларнинг бевосита ўрнида кўрилиши мукамал натижаларни беришга кафолат беради. Яъни минг марта эшитган ўқигандан кўра бир марта кўрган афзалроқдир деган нақл айнан мана шу экспедицион услубга тааллуқлидир.

Эндиликда барча шу кунларгача тўпланган маълумотлар асосида (харита, расм, аэросурат, ёзма маълумотлар) стационар услубда ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотларда ўрганилаётган объект ва ходисалар бир жойда туриб маълумот ва манбалар асосида ўрганилади.



Картографик ва аэрокосмик услублар. Айниқса табиий географик, экологик тадқиқотларда хариталарнинг ўрни жуда каттадир. Шунинг учун Н. Н. Баранский бекорга: “география харита билан бошланиб харита билан тугайди” деб айтмаган.

Табиий географик тадқиқотларда ўрганилган ҳудудлардаги барча воқеа ва ҳодисалар албатта харитага туширилиши шарт. Ана шунда бу ҳудуддаги табиатнинг ўзгаришларини даражлари қандай ҳолатда эканлиги ҳақида аниқ хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Аэрокосмик услублар анчагина ёш тармоқ ҳисобланиб у асосан халқ хўжалигида XX асрларнинг 70-йилларидан бошлаб илмий-тадқиқотларда кенг кўламда қўлланила бошлади. аэрокосмик услубларда ернинг сунъий йўлдошлари, космик ракеталар, самолётлар ва бошқа учувчи аппаратлар ёрдамида олинган фотосуратлар дешифровка қилиниб, ўша ҳудудлар учун чора тадбирлар тизими илаб чиқилади. Ҳозирги кунда бу усулдан халқ хўжалигини барча жабхаларида кенг кўлам фойдаланилади.

### Матеметик ёки статистик моделлаштириш методлари

Математик ёки статистик моделлаштириш услублари. Бу усуллардан табиий географик ва иқтисодий-ижтимоий географиянинг тармоқ тадқиқотларида кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда. Айниқса геодезия ва хариташуносликда, саноат, қишлоқ хўжалиги, аҳолишунослик, гидрология, иқлимшунослик ва бошқа сохаларда бу тадқиқот услубларидан атрофлича фойдаланиб келинмоқда.

### Лаборатория-аналитик метод

Лаборатория аналитик услуб. Бу услуб ўзига хослиги билан тадқиқот услублари ичида ажралиб туради десак муболаға бўлмайди, Лаборатория аналитик услубда тадқиқот ишлари олиб боришнинг технологияси шундан иборатки, бунда масалан, даладан олиб келинган намуналар (тупроқ, сув, ўсимлик, ҳайвонлар ва бошқалар) лаборатория шароитида намуналарни аналогига қараб таҳлил қилинади ва хулоса чиқарилади.

9-слайд


### Палеогеографик метод

Палеогеографик услуб. Бу услубда ўрганилаётган ҳудудни тарихий тараққиёти динамикаси, маълумотлар ва манбалар асосида ўрганиб чиқилади. Яъни ҳудудни қадимги ўрни қандай кўринишга эга бўлгани ҳозирги кўриниши қандай бўлди, у ердаги тадрижий ўзагришларнинг моҳиятини очиб беришда бу услубнинг роли жуда каттадир.

10-слайд

### Районлаштириш методи

. Районлаштириш услуби. Ҳудудни атрофилича ўрганиш ва маълум бир хулосалар чиқариш учун қисмларга бўлиб олинади ва чуқур тадқиқ қилинади. Тадқиқотлар натижаларига қараб маълум таксономик бирликларга бўйсунадиган табиий, иқтисодий, ижтимоий, саноат, қишлоқ хўжалик районларига ажратилади.



Тасвирлаш ва комплекс (мажмуали) услублар. Бу усулларда ўрганилаётган ҳудуддаги барча объект воқеа ва ҳодисалар атрофлича тасвирланади. Бундай тадқиқотлар одатда мажмуали кўринишда бўлади.



Табиий географик тадқиқотларда яна геофизик ва геокимёвий йўналишлар ҳам мавжудки, бу тадқиқотларда моддаларнинг масса ва энергия алмашинуви, моддаларнинг кимёвий таркиблари ва бошқалар атрофлича кўриб чиқилади.

#### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Табиий географик тадқиқот методларини санаб беринг
2. Диалектик метод билан қиёслаш методини моҳиятини тшунтининг
3. Стационар ва экспедицион методларнинг бир биридан фарқи?
4. Лаборатория- аналитик метод билан тасвирлаш ва мажмуали методларнинг бир биридан фарқи нимада?
5. Палеогеографик методнинг ўзига хос томонлари нимада?
6. Математик ва моделлаштириш методларини фарқини айтиб беринг?
7. Лаборатория - аналитик методда нималар аниқланади?
8. Геофизик ва геокимёвий йўналишлар ҳақида нима дейсиз?
9. Палеогеографик методни моҳиятини тушунтириб беринг?
10. Районлаштириш, тасвирлаш ва комплекс методлар орқали нималар аниқланади?

#### 4-МАВЗУНИНГ МАТНИ

##### РЕЖА:

1. Табиий географик тадқиқот методлари
2. Диалектик метод
3. Қиёслаш методи
4. Стационар ва экспедицион методлар
5. Картографик ва аэрокосмик методлар
6. Математик ёки моделлаштириш методлари
7. Лаборатория аналитик метод
8. Палеогеографик метод
9. Районлаштириш методи
10. Тасвирлаш ва комплекс (мажмуали) методлар
11. Табиий географиядаги геофизик ва геохимёвий йўналишлар

Бошқа фундаментал ва амалий фанлар сингари табиий географияда ҳам жуда кўп хил тадқиқот ишлари учун қўлланиладиган методлар мавжуд. Бу методлар ёрдамида табиий географияда оддий воқеа ҳодисаларнинг туб моҳияти очиқ берилди ва шу билан бирга уларда вужудга келган ҳар хил муаммолани бартараф қилиш ва уларни келажакдаги ҳолатини башорат қилиши масалалари аниқланади.

Фалсафий нуқтаи назардан табиий географик тадқиқот методлари ёрдамида географик ходиса ва жараёнларни англаш ва намоён қилишга эришилади.

1. Фан ҳамisha бирон тарзда ҳодисаларнинг алоқаларини очиқ беришга интилиб келди. Лекин илгари ҳеч қачон айрим ҳодисаларни алоқадор бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш фанда ҳозирги вақтдагидек ўрин тутган эмас. Ҳодисалар ва жараёнларни тизимлар сифатида, яъни элементлар ва қисмлар муаян алоқадорликда бўлган, буларнинг ўзлари ҳам кенгроқ тизимларнинг томонлари ва қисмларидан иборат бўлган яхлит бутунликлар сифатида таҳлил қилиш - ҳозирги замон фанининг характерил хусусиятларидан бидир.

Фаннинг вазифаси ва мақсади аввало табиат ва жамиятни ҳаракат ва тарақиётнинг қонуниятли жараёни сифатида, объектив қонунлар тақозоси билан юзага келадиган ва шу қонунлар йўллаб турган жараён сифатида тушунишдан иборатдир.

Табиат тўғрисидаги унинг тараққиёти тўғрисидаги энг мукамал ҳар томонлама чуқур таълимот бўлган диалектика табиатнинг туб моҳиятини ўрганишда назарий негиз сифатида майдонга чиқади.

Табиий географиядаги тадқиқот методларидан бири бу диалектик метод бўлиб, фалсафий нуқтаи назардан табиадаги барча ҳодиса ва жараёнларни тўлиқ англаш учун диалектик методдан фойдаланилади. Фақат диалектик метод ёрдамида тадқиқотнинг моҳияти тўлиқ анланади.

2. Табиий географиядаги тадқиқотлар жараёнида қиёслаш методига ҳам жуда катта ўрин берилган. Бу метод орқали ҳар қандай иккита табиий географик объектни бир бирига қиёслаш ёрдамида тадқиқот ишларини натижасини кузатиш мумкин. Масалан, Африкадаги Сахрои Кабир чўли билан Осиё қитъасидаги Такламакон чўли ёки Калахаре чўли билан Қизилқум ёки Қорақумни қиёслаб улар ўртасидаги ўхшашлик ҳамда қарама қаршилиқни билиб олиш мумкин. Қиёслаш методида тадқиқотларга комплекс ёндошиш мумкин. Яъни ўрганилаётган объектдаги барча учрайдиган табиий унсурларни тизимли равишда мажмуали қиёслаш ва хулоса чиқариш мумкин.

3. Стационар ва экспедицион методлар: яқин вақтларгача илмий-тадқиқот ишларида экспедицион методдан кенг фойдаланиб келинган ва бундан ҳам кейин бу метод ўзининг илмий-тадқиқотнинг мукамал қисми сифатида дала тадқиқотларининг гултожи бўлиб қолаверади.

Экспедицион методда барча воқеа ва ҳодисалар бевосита ўрнида кўриб чиқилади, ўзимизга маълумки, тадқиқ қилинаётган ҳудуддаги барча объект ва жараёнларнинг бевосита ўрнида кўрилиши мукамал натижаларни беришга кафолат беради. Яъни минг марта эшитган, ўқигандан кўра бир марта кўрган афзалроқдир деган нақл айнан мана шу экспедицион методга тааллуқлидир.

Эндиликда барча шу кунларгача тўпланган маълумотлар асосида (харита, расм, аэросурат, ёзма маълумотлар) стационар методда ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотларда ўрганилаётган объект ва ҳодисалар бир жойда туриб маълумот ва манбалар асосида ўрганилади.

4. Картографик ва аэрокосмик методлар. Айниқса табиий географик, экологик тадқиқотларда хариталарнинг ўрни жуда каттадир. Шунинг учун Н. Н. Баранский бекорга: “география харита билан бошланиб харита билан тугайди” деб айтмаган.

Табиий географик тадқиқотларда ўрганилган ҳудудлардаги барча воқеа ва ҳодисалар албатта харитага туширилиши шарт. Ана шунда бу ҳудуддаги табиатнинг ўзгаришларини даражлари қандай ҳолатда эканлиги ҳақида аниқ хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Аэрокосмик методлар анчагина ёш тармоқ ҳисобланиб у асосан халқ хўжалигида XX асрларнинг 70-йилларидан бошлаб илмий-тадқиқотларда кенг қўламда қўлланила бошлади. аэрокосмик методларда ернинг сунъий йўлдошлари, космик ракеталар, самолётлар ва бошқа учувчи аппаратлар ёрдамида олинган фотосуратлар дешифровка қилиниб, ўша ҳудудлар учун чора тадбирлар тизими ишлаб чиқилади. Ҳозирги кунда бу методдан халқ хўжалигини барча жабҳаларида кенг қўламда фойдаланилади.

5. Математик ёки статистик моделлаштириш методлари. Бу методлардан табиий географик ва иқтисодий-ижтимоий географиянинг тармоқ тадқиқотларида кенг қўламда фойдаланиб келинмоқда. Айниқса геодезия ва хариташуносликда, саноат, қишлоқ хўжалиги, аҳолишунослик,

гидрология, иқлимшунослик ва бошқа соҳаларда бу тадқиқот методларидан атрофлича фойдаланиб келинмоқда.

6. Лаборатория- аналитик метод. Бу метод ўзига хослиги билан тадқиқот методлари ичида ажралиб туради десак муболаға бўлмайди, ҳурматли талабалар. Лаборатория аналитик методда тадқиқот ишлари олиб боришнинг технологияси шундан иборатки, бунда масалан, даладан олиб келинган намуналар (тупроқ, сув, ўсимлик, ҳайвонлар ва бошқалар) лаборатория шароитида намуналарни аналогига қараб таҳлил қилинади ва хулоса чиқарилади.

7. Палеогеографик метод. Бу методда ўрганилаётган ҳудудни тарихий тараққиёти динамикаси, маълумотлар ва манбалар асосида ўрганиб чиқилади. Яъни ҳудудни қадимги ўрни қандай кўринишга эга бўлгани ҳозирги кўриниши қандай бўлди, у ердаги тадрижий ўзагришларнинг моҳиятини очиб беришда бу методнинг ролди жуда каттадир.

8. Районлаштириш методи. Ҳудудни атрофлича ўрганиш ва маълум бир хулосалар чиқариш учун қисмларга бўлиб олинади ва чуқур тадқиқ қилинади. Тадқиқотлар натижаларига қараб маълум таксономик бирликларга бўйсунадиган табиий, иқтисодий, ижтимоий, саноат, қишлоқ хўжалиги районларига ажратилади.

9. Тасвирлаш ва комплекс (мажмуали) методлар. Бу методларда ўрганилаётган ҳудуддаги барча объект воқеа ва ҳодисалар атрофлича тасвирланади. Бундай тадқиқотлар одатда мажмуали кўринишда бўлади.

10. Табиий географик тадқиқотларда яна геофизик ва геокимёвий йўналишлар ҳам мавжудки, бу тадқиқотларда моддаларнинг масса ва энергия алмашинуви, моддаларнинг кимёвий таркиблари ва бошқалар атрофлича кўриб чиқилади.

Умуман олганда табиий географик тадқиқотларда қўлланиладиган тадқиқот методлари ўзининг моҳияти объект ва жараёнларини ўрганишда маълум бир хулосалар чиқаришга ёки чора тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга ёрдам берибгина қолмасдан, географик фундаментал йўналишларини истикболли ривожланишига ҳам ўзининг хиссасини қўшади.

### **Мавзу буйича янгиликлар:**

Аэрокосмик тадқиқот методларидан нафакат табиий географик тадқиқотларда балки халқ хўжалигининг бошқа таромокларида ҳам кенг куламда фойдаланилмоқда.

**Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

- |                       |                    |
|-----------------------|--------------------|
| 1. Тадқиқот методлари | 8. Картография     |
| 2. Диалектика         | 9. Аэрокоинот      |
| 3. Қиёслаш            | 10. Лаборатория    |
| 4. Дешифровка         | 11. Аналитика      |
| 5. Стационар          | 12. Палеогеография |
| 6. Экспедиция         | 13. Мажмуалилик    |
| 7. Статистика         | 14. Геофизика      |
|                       | 15. Геохимё        |

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аковецкий В. И. Дешифрирование аэрокосмических снимков. М., 1983.
2. Исаченко В. А. и др. Полевые практики по географическим дисциплинам. М., 1980.
3. Жукова В. К., Раковская Э. М. Природная среда методы исследования. М., 1982.
4. Арманд. Д. Л. Наука о ландшафте. М., 1975.
5. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. Т., 1997.
6. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
7. Исаченко А. Г. Методы прекладных ландшафтных исследований. М., 1980.
8. Исаченко А. Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. М., 1991.
9. Николаев В. А. Региональные агроландшафтные исследования. М., 1984.
10. Архангельский А.М. Методика полевых физико-географических исслед. М., 1972.
11. Пословская О.Ю. Учеб. пос. по метод. пол. физико-географич. исслед. Т., ТашГУ. 1976.

<b>5-мавзу.</b>	<b>Географик тадқиқотларнинг асосий босқичлари</b>	
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Гўянинг таркиб топиш босқичи</li> <li>2. Тайёрлов босқичи</li> <li>3. Дала босқичи</li> <li>4. Камерал босқич</li> <li>5. Ҳисобот босқичи</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга Географик тадқиқотларнинг асосий босқичлари ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Географик тадқиқотларнинг асосий босқичларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Географик тадқиқотларнинг асосий босқичларини тушунтириш</li> <li>• Географик тадқиқотларнинг асосий босқичларига тавсиф бериш.</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Географик тадқиқотларнинг асосий босқичларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Географик тадқиқотларнинг асосий босқичларини изоҳлайди.</li> <li>• Географик тадқиқотларнинг асосий босқичларига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	


### Маъруза машғулотининг технологик харитаси


Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба

<p>1-босқич. Кириш (10 мин)</p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд) 2.5. Яна мавзуга оид 2 та слайд талабаларга берилади.</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Географик тадқиқотларнинг асосий босқичлари“ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>




### Блиц савол

- 
5. Географик тадқиқотлар
  6. Тадқиқотнинг г`ояси
  7. Илмий кенгаш хулосаси
  8. Дала тадқиқотларида ишлатилган асбоблар ва материаллар




### Ғоянинг таркиб топиш босқичи



Табиий географик тадқиқот ишларини олиб бориш учун биринчи навбатда ғояни шаклланишига эътибор берилади. Ғояга асосланган ҳолда тадқиқотнинг мақсади белгиланади. Бу ерда энг асосий масала тадқиқот ғоясида бўлиб, бу ғоя ўзида нималарни мужассамлаштиради, агар бу ғоя амалга оширилса натижаси қандай бўлади деган саволларга тўлиқ жавоб берилганидан сўнг ғояни амалга оширишга киришилади.

Бу тадқиқот ғоялари бўлиши мумкин.: табиатни ифлосланишини олдини олиш, чиқиндисиз технологияга бағишланган ишлар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни ўзгартириш ишлари, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа йўналишлар.



Албатта тадқиқот ғоясини амалга ошириш учун махсус тайёрлов босқичи амалга оширишлади. Тайёрлов босқичида тадқиқотнинг вазифаси аниқланади, режа ва дастурлари тузилади. (Режа ва дастур тузиш амалий машғулот дарсларида ўрганилади). Энг асосийси тадқиқот олиб бориладиган ҳудуднинг ва унинг атрофиларига тегишли бўлган жойларни илмий адабиётлар ҳамда харитографик маълумотлар асосида атрофлича ўрганиб чиқилади, таҳлил қилинади. Сўнгра тўпланган маълумотларни тавсифи умумлаштирилиб, хомаки хисобот ёзилади.

Агар тадқиқотлар бевосита дала шароитида амалга ошириладиган бўлса, транспорт турини танлаш керак бўлади. Зарур нарсалар ва жиҳозлар олиш керак бўлади.

Тадқиқот ишлари юксак даражада ўтказилиши учун экспедиция азоларини танлашга жуда катта эътибор берилади. Чунки экспедиция давомида ҳеч қандай қўнғилсизлар бўлмаслиги учун аъзоликка қабул қилинаётган номзод мутахассис билан индивидуал суҳбатлашилади. Кейин эса ҳаммани бир тўплаб гаплашилади. Экспедиция аъзолари тўлиқ бўлганидан сўнг уларни албатта тиббиёт кўригидан ўтказилиб саломатлиги аниқланади.

### Дала босқичи

Бевосита 3-босқич дала босқичи бўлиб, у ерда тадқиқот ишлари олиб борилади. Дала тадқиқотлари жараёнлари ўзимизга маълумки, ҳар қандай мутахассис учун малакасини ошириш, олинган назарий билимларни синаш ва амалиётга тадбиқ этишда муҳим мактаб вазифасини бажаради. Дала шароитида қуйидаги ишлар албатта кетма- кетликда бажарилиши лозим.

1. Район билан танишув маршрути (рекогноцировка).

2. Лагерь, яъни яшаш учун жой танлаш (яшаш учун жой танлашда албатта қулай ва шу билан бирга хавфиз бўлиши керак, лагерь сурилма, тошқинларни йўлида, қор кўчкларни йўлида, жуда тик қияликларнинг ён бағридан узоқда бўлишига эришилиш керак.).

3. Экспедиция аъзоларига ўрганилажак майдонларни тақсимлаш ва бажариладиган иш турлари билан уларни таништириш.

4. Бажариладиган иш кўлами, тадқиқотлар жараёнида қўлланиладиган тадқиқот услублари ва уларни бажариш жадвали (графики).

5. Маршрут давридаги ишлар: маршрут даврида қуйидаги ишлар амалга оширишлари, кундалик дафтар тутилади, очик кесмалар опис қилинади, кундалик кузатув ишлари олиб борилади, тадқиқот йўналишидан келиб чиқилгани ҳолда тупроқ, сув, ўсимлик ва бошқа нарсалардан намуналар олинади.

6. Далада тўпланган далилий маълумотларни тартибга солиш ва бошқалар.

### Камерал босқич

Камерал босқич - бу босқичда тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифаларигат кўра маълумотларни гуруҳлаштириш ва таҳлил қилиш лозим бўлади.

Дастлаб кундаликларни тартибга келтириш, намуналар ва фотоплёнкаларни лабораторияларга топшириш, картографик маълумотларни тайёрлаш ва тадқиқот ишлари мақсад ва вазифаларидан келиб чиқилгани ҳолда картографик маълумотларни тадқиқот мавзусига яқинлаштириб уларни режасини тузиш ва амалга ошириш.

Ана ундан кейин экспедиция шароитларида амалга оширилган барча ишларни матн қисмини ёзишга ўтириш керак. Бунда асосан биринчи навбатда матн қисмини ёзишда махсус режа асосида амалга оширилади ва иложи борича қисқа, лўнда, маъноли, донатор ёзишга ҳаракат қилинади.

Хисоботнинг тахминий структураси қуйидагича бўлиши мумкин: режа, кириш, ўрганилган объектнинг жойлашган географик ўрни, табиатига, бойликларига умумий таъриф, асосий қисм, тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган хулосалар ҳамда тадқиқот ғоясидан келиб чиқилган хулоса, уларнинг бир-бирига яқинлиги, узоқлиги ва бошқа кутилган ҳада кутилмаган натижалар, уларнинг илмий изохлари, картографик материаллар, диаграммалар, кесмалар ва бошқалар.



Ҳисобот босқичи - ундан тайёрланган ҳисоботни тақризга бериб мутахассисларни маслаҳатларини олинади. Тўлиқ маълумотлар асосида ёзилган ҳисоботни кафедрада ёки илмий кенгашда ҳимоя қилинади. Ҳисобот ҳимоясидан сўнг уни баҳоланади. Бу баҳога ва қилинган барча ишларга қараб ҳисобот тўғрисида илмий кенгаш хулоса чиқаради.

Илмий кенгаш хулосаси анча нуфузли бўлиб, экспедиция шароитларида қилинган барча ишлар провард натижага асосланиб қилинган бўлиши керак. Яъни дала шароитларида тўпланган барча маълумот, намуналар ва картографик маълумотлар ҳақиқатга анча яқин бўлишини таъминлаш керак.

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Тадқиқот ғоялари қандай таркиб топади?
2. Тадқиқотни режа ва дастурлари нимага асосланиб тузилади?
3. Экспедиция шароитларида қандай ишлар амалга оширилади?
4. Ғояни таркиб топиши деганда нимани тушунасиз?
5. Камерал босқичда қандай ишлар амалга оширилади?
6. Дала босқичида қандай ишлар амалга оширилади?
7. Илмий кенгаш хулосаси зарурми?
8. Дала шароитида ишлатиладиган асбоблар ва материалларни санаб беринг.
9. Рекогонцировка деганда нимани тушунасиз?
10. Ҳисобот структураси қандай бўлиши керак?

## 5-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Ғоянинг таркиб топиши босқичи.
2. Тайёрлов босқичи
3. Дала босқичи
4. Камерал босқич
5. Ҳисобот босқичи

Табиий географик тадқиқот ишларини олиб бориш учун биринчи навбатда ғояни шаклланишига эътибор берилади. Ғояга асосланган ҳолда тадқиқотнинг мақсади белгиланади. Бу ерда энг асосий масала тадқиқот ғоясида бўлиб, бу ғоя ўзида нималарни мужассамлаштиради, агар бу ғоя амалга оширилса натижасида қандай бўлади деган саволларга тўлиқ жавоб берилганидан сўнг ғоя амалга оширишга киришилади. Бу тадқиқот ғоялари бўлиши мумкин.: табиатни ифлосланишини олдини олиш, чиқиндисиз технологияга бағишланган ишлар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни ўзгартириш ишлари, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа йўналишлар.

Албатта тадқиқот ғоясини амалга ошириш учун махсус тайёрлов босқичи амалга оширишлади. Тайёрлов босқичида тадқиқотнинг вазифаси аниқланади, режа ва дастурлари тузилади. (Режа ва дастур тузиш амалий машғулот дарсларида ўрганилади). Энг асосийси тадқиқот олиб бориладиган ҳудуднинг ва унинг атрофиларига тегишли бўлган жойларни илмий адабиётлар ҳамда харитографик маълумотлар асосида атрофлича ўрганиб чиқилади, таҳлил қилинади. Сўнгра тпланган маълумотларни тавсифи умумлаштирилиб, хомаки хисобот ёзилади.

Агар тадқиқотлар бевосита дала шароитида амалга ошириладиган бўлса, транспорт турини танлаш керак бўлади. Зарур нарсалар ва жиҳозлар олиш керак бўлади.

Тадқиқот ишлари юксак даражада ўтказилиши учун экспедиция аъзоларини танлашга жуда катта эътибор берилади. Чунки экспедиция давомида ҳеч қандай кўнгилсизлар бўлмаслиги учун аъзоликка қабул қилинаётган номзод мутахассис билан индивидуал суҳбатлашилади. Кейин эса ҳаммани бир тўплаб гаплашилади. Экспедиция аъзолари тўлиқ бўлганидан сўнг уларни албатта тиббиёт кўригидан ўтказилиб саломатлиги аниқланади.

Бевосита 3-босқич дала босқичи бўлиб, у ерда тадқиқот ишлари олиб борилади. Дала тадқиқотлари жараёнлари ўзимизга маълумки, ҳар қандай мутахассис учун малакасини ошириш, олинган назарий билимларни синаш ва

амалиётга тадбиқ этишда муҳим мактаб вазифасини бажаради. Дала шароитида қуйидаги ишлар албатта кетма кетликда бажарилиши лозим.

1. Район билан танишув маршрути (рекогноцировка).

2. Лагерь, яъни яшаш учун жой танлаш (яшаш учу жой танлашда албатта қулай ва шу билан бирга хавфиз бўлиши керак, лагерь сурилма, тошқинларни йўлида, қор кўчкилари йўлида, жуда тик қияликларнинг ён бағридан узоқда бўлишига эришилиш керак.).

3. Экспедиция аъзоларига ўранилажак майдонларни тақсимлаш ва бажариладиган иш турлари билан уларни таништириш.

4. Бажариладиган иш кўлами, тадқиқотлар жараёнида қўлланиладиган тадқиқот методлари ва уларни бажариш жадвали (графики).

5. Маршрут давридаги ишлар: маршрут даврида қуйидаги ишлар амалга оширишлади, кундалик дафтар тутилади, очик кесмалар опис қилинади, кундалик кузатув ишлари олиб борилади, тадқиқот йўналишидан келиб чиқилгани ҳолда тупроқ, сув, ўсимлик ва бошқа нарсалардан намуналар олинади.

6. Далада тўпланган далилий маълумотларни тартибга солиш ва бошқалар.

4-Босқич камерал босқич ҳисобаниб, бу босқичда тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифаларига кўра маълумотларни гуруҳлаштириш ва таҳлил қилиш лозим бўлади.

Дастлаб кундаликларни тартибга келтириш, намуналар ва фотоплёнкаларни лабораторияларга топшириш, картографик маълумотларни тайёрлаш ва тадқиқот ишлари мақсад ва вазифаларидан келиб чиқилгани ҳолда картографик маълумотларни тадқиқот мавзусига яқинлаштириб илашни режасини тузиш ва амалга ошириш.

Ана ундан кейин экспедиция шароитларида амалга оширилган барча ишларни матн қисмини ёзишга ўтириш керак. Бунда асосан биринчи навбатда матн қисмини ёзишда махсус режа асосида амалга оширилади ва иложи борица қисқа, лўнда, маъноли, дондор ёзишга ҳаракат қилинади.

Ҳисоботнинг тахминий структураси қуйидагича бўлиши мумкин: режа, кириш, ўрганилган объектнинг жойлашган географик ўрни, табиати, бойликларига умумий таъриф, асосий қисм, тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган хулосалар ҳамда тадқиқот ғоясидан келиб чиқилган хулоса, уларнинг бир-бирига яқинлиги, узоқлиги ва бошқа кутилган ҳада кутилмаган натижалар, уларнинг илмий изохлари, картографик материаллар, диаграммалар, кесмалар ва бошқалар.

Ва ниҳоят 5-босқич ҳисобот босқичи бўлиб, ундан тайёрланган ҳисоботни тақризга бериб мутахассисларни маслаҳатларини олинади. Тўлиқ маълумотлар асосида ёзилган ҳисоботни кафедрада ёки илмий кенгашда ҳимоя қилинади. Ҳисобот ҳимоясидан сўнг уни баҳоланади. Бу баҳога ва қилинган барча ишларга қараб ҳисобот тўғрисида илмий кенгаш хулоса чиқаради.

Илмий кенгаш хулосаси анча нуфузли бўлиб, экспедиция шароитларида қилинган барча ишлар провард натижага асосланиб қилинган бўлиши керак. Яъни дала шароитларида тўпланган барча маълумот, намуналар ва картографик маълумотлар ҳақиқатга анча яқин бўлишини таъминлаш керак.

## ДАЛА ТАДҚИҚОТЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСБОБЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

- |   |   |
|---|---|
| 1. Лопатка                                  | 32. Анемометр                                   |
| 2. Кирка                                    | 33. Психрометр ассмана                          |
| 3. Эговлар                                  | 34. Теодолит                                    |
| 4. Тупроқ пичоқлари                         | 35. Мензула ва кипрегел                         |
| 5. Рулетка                                  | 36. Кўз билан чамалаб сьемка қилиш учун планшет |
| 6. См ли лента                              | 37. Гидрометрик вертушка                        |
| 7. Тупроқ халталари                         | 38. Картон, чизма қоғозлари                     |
| 8. Компас                                   | 39. Миллиметровка, калка                        |
| 9. Геологик болға                           | 40. Ёзув қоғози                                 |
| 10. Барометр анероид                        | 41. Ўраш учун қоғоз, дафтар                     |
| 11. Тоғ компаси                             | 42. Қоғозлар учун папка                         |
| 12. Эклиметр                                | 43. Хар хил рангли тушлар                       |
| 13. Тупроқ журналлари                       | 44. Фломастерлар                                |
| 14. % туз кислотаси                         | 45. Рангли ва қора қаламлар                     |
| 15. Кислота учун бутулка                    | 46. Чизма ручкалари, мактаб ручкаси,            |
| 16. Пипеткалар                              | 47. Мактаб, чизма, плакат, “ридис” пероси       |
| 17. Фотоаппарат                             | 48. Канцелярия қистирғичлари                    |
| 18. Рюгзак                                  | 49. Клей  |
| 19. Дала сумкаси                            | 50. Клей учун четкалар                          |
| 20. Тупроқ монолитларини солиш учун яшиклар | 51. Канцелярия кнопкалари                       |
| 21. Бланкалар                               | 52. Юмшоқ ўчирғичлар                            |
| 22. Дала дафтарлари                         | 53. Катта конвертлар                            |
| 23. Ковлагичлар                             | 54. Скоросшивател                               |
| 24. Ботаник папкалар                        | 55. Чизғич, бурчаклар                           |
| 25. Ботаник босмалар                        | 56. Транспортер, готовальник                    |
| 26. Лупалар                                 | 57. Ресфедерлар, циркул, ўлчагич                |
| 27. Техник тарозилар                        | 58. Зобитлар чизғичи                            |
| 28. Ботаник пичоқлар                        | 59. Чизиш доскаси                               |
| 29. Болға, болта, отвёрка                   | 60. Сейф, дурбинлар                             |
| 30. Максимал, минимал термометр             |   |
| 31. Тупроқ термометрлари                    |   |

**Мавзу буйича янгиликлар:**

Табиий географик тадқиқотлар жараёнида иштиладиган асбоб ва материаллар ҳозирги кунда анча мукаммаллашган чунки куп ишларни эндиликда техника орқали амалга оширилмоқда.

**Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Ғоя	11. Камерал босқич
2. Босқич	12. Фотоплёнка
3. Тадқиқот вазифаси	13. Ҳисобот структураси
4. Картографик маълумот	14. Дала кундалиги
5. Илмий адабиёт	15. Маълумотларни гурухлаштириш
6. Жихозлар	16. Матн қисми
7. Регностировка	17. Ҳисоботни тақриз қилиш
8. Лагер	18. Ҳисоботни Ҳимоя қилиш
9. Маршрут	19. Ҳисоботни баҳолаш
10. Далилий маълумот	20. Ҳисобот бўйича нуфузли ташкилот уласаси .

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Пашканг К. В. и др. Комплексная полевая практика по физической географии. М., 1986.
2. Зокиров Ш. Табиий географиядан ўқув дала практикаси. Т., 1989.
3. Исаченко В. А. и др. Полевые практики по географическим дисциплинам. М., 1980.
4. Куракова Л. И. Современная ландшафты и хозяйственная деятельность. М., 1983.
5. Гурский Б. Н. Полевые практики по географическим дисциплинам. М., 1989.
6. Муравлёв Г. Методики полевых физико-географических исследований и картирование природных комплексов. Алма-Ата 1974.
7. Черниковская Е. Учебное экскурсии по географии. М., 1980.

<b>6-мавзу.</b>	<b>Тармоқли табиий географик тадқиқот ишлари</b>	
<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>		
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари, турлари</li> <li>2. Мазмуни ва аҳамияти</li> <li>3. Махсус тадқиқотлар</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга тармоқли табиий географик тадқиқот ишлари ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларини тушунтириш</li> <li>• Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларига тавсиф бериш.</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларини изоҳлайди.</li> <li>• Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>талаба</b>
<b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> <b>(10 мин)</b>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

<p><b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>(60 мин)</b></p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд)</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд)</p> <p>2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд)</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради.</p> <p>2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p><b>3-босқич</b> <b>Яқуний</b> <b>(10 мин)</b></p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Тармоқли табиий географик тадқиқот ишлари“ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

1-слайд

Блиц савол

1. Тармоқли табиий географик тадқиқотлар
2. Фанлар синтези
3. Фаннинг мустақиллиги
4. Махсус тадқиқотлар

## Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари, турлари


Кейинги ўн йилликларда фанларни дифференцияланиш жараёни айниқса тез бормоқда. Табиат ҳақидаги фундаментал фанлар тобора кўпроқ билимларнинг хилма хил тармоқлари мажмуасига айланиб бормоқдаки, бу тармоқларнинг ҳар бири аста-секин фан бўлиб, етишмоқда. Билимларнинг туташ соҳалари вужудга келиб улар тобора муҳим роль ўйнамоқдалар. Масалан, географиядан ажралиб чиққан тармоқла: геоморфология, геоэкология, тиббиёт географияси, мелиоратив география, картография, биогеография, зоогеография ва бошқалар ҳозирги кунда алоҳида фан сифатида ривожланиб бормоқда.

Аmmo айни вақтда биринчи тенденция билан боғлиқ бўлган бошқа бир тенденция илмий билимлар интеграциясига амал қилинмоқда. Табиатшуносликда бу нарса математика ва унинг методлари, шунингдек назарий физикани аҳамиятини ошиб бораётганлигида намоён бўлмоқда. Жамиятшуносликда ҳудди шу тенденция синтетик ҳарактерга эга бўлган назарияларнинг беистисно барча ижтимоий фанларни тобора қамраб олаётганлигида шунингдек ижтимоий фанларга математика методларини сингиб бораётганлигида ўз аксини топмоқда.

Фанлар синтези, бирлашуви томон бораётган тенденция, шу жумладан билимларнинг 2 та асосий тармоғи табиат ҳақидаги фанлар билан жамият ҳақидаги фанларнинг синтези ва бирлашуви томон бўлган тенденция бизнинг давримизда тобора зўр куч билан намоён бўлмоқда. Илмий фанлар бирлиги сари бўлаётган бу тенденция шубҳасиз, дастлабки нуқтага қадим замонлардаги фанларнинг янги диалектик бирлигини - ўсиб бораётган хилма-хилликдаги бирликни кўрсатади.

Фаннинг нисбатан мустақиллиги ошиб бораётганлиги ҳам фан тараққиётининг умуми қонунлари жумласига киради. Фан ўз ичидан бундан буёнги ривожланишининг тобора қудратли стимуллари шунинг учун ҳам топмоқдаки, тўпланган билим миқдори қанчалик кўп бўлса, янги вазифаларни қуйишда унинг “тазйиқ” шунчалик сезиларли бўлмоқда. Аниқроғи бир фундаментал фан ичидан ажралиб чиққан тармоқ ўша фаннинг ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Мана эндиликда табиий география ичидан ажралиб чиққан тамоқлар геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик, гидрология ва бошқа фанлар ўзларининг тадқиқот услубларига эга бўлиб мустқил ривожланишда давом этмоқда ва бир вақтнинг ўзида бир-бирларини тадқиқот натижалари ва тадқиқот услубларидан фойдаланадилар.



Тармоқли табиий географик тадқиқотларнинг мазмуни ва аҳамияти: тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг мазмуни шунда иборатки, унда табиий географик тармоқлари ва унга яқин фанлар яони геология, геоморфология, метереология ва иқлимшунослик, гидрология, туроқлар географияси, биогеография, зоогеография ва бошқа фан йўналишлари ўзларининг тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот ишларини олиб борадилар ва бу тадқиқотлар натижаларини умумлаштирилиб ягона хулосага келинади.

Бу ерда олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг илмий натижаларининг ягона тизими тадқиқотларнинг мазмунини ташкил этади. Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг аҳамияти биринчи навбатда назарий масалаларни ҳал қилишда кўринса, иккинчи навбатда конструктив йўналишлар масалаларини атрофлича ҳал қилинишида кўринади.

### Тармоқли табиий географик тадқиқотларда махсус тадқиқотлар

Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларида махсус кўринишдаги тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Масалан, бундай тадқиқотларга махсус ландшафт тадқиқотлари ҳамда хариталарини тузишни киритиш мумкин. Чунки бундай тадқиқотларга жуда катта тайёргарлик ва шу билан бирга ҳудудни ўзгаришларини атрофлича таҳлил қилган ҳолда бу ерлардаги табиатнинг ўзгариши ва бу ўзгаришларнинг сабабларини чуқур ўрганиб харитага туширилади. Ландшафт хариталари қайси вақтда тузилган бўлса ўша вақтдаги ўша жойнинг ландшафт кўринишани аниқ тасвирлаш керак.

1. Дифференцияга таъриф беринг.
2. Интеграция нима?
3. Тенденция ҳақида тушунча беринг.
4. Синтез нима?
5. Умумий қонунлар ҳақида маълумот беринг.
6. Фундаментал фанлар деганда нимани тушунасиз?
7. Геоморфология нимани ўрганади?
8. Гляциологияга таъриф беринг.
9. Специология нима?
10. Методология ҳақида тушунча беринг.
11. Биогеография нимани ўрганади?
12. Зоогеография ҳақида маълумот беринг.

## 6-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари, турлари.

2. Мазмуни ва аҳамияти

3. Махсус тадқиқотлар

Кейинги ўн йилликларда фанларни дифференцияланиш жараёни айниқса тез бормоқда. Табиат ҳақидаги фундаментал фанлар тобора кўпроқ билимларнинг хилма хил тармоқлари мажмуасига айланиб бормоқдаки, бу тармоқларнинг ҳар бири аста-секин фан бўлиб, етишмоқда. Билимларнинг туташ соҳалари вужудга келиб улар тобора муҳим рол ўйнамоқдалар. Масалан, географиядан ажралиб чиққан тармоқла: геоморфология, геоэкология, тиббиёт географияси, мелиоратив география, картография, биогеография, зоогеография ва бошқалар ҳозирги кунда алоҳида фан сифатида ривожланиб бормоқда.

Аммо айни вақтда биринчи тенденция билан боғлиқ бўлган бошқа бир тенденция илмий билимлар интеграцияси амал қилинмоқда. Табиатшуносликда бу нарса математика ва унинг методлари, шунингдек назарий физикани аҳамиятини ошиб бораётганлигида намоён бўлмоқда. Жамиятшуносликда худди шу тенденция синтетик ҳарактерга эга бўлган назарияларнинг беистисно барча ижтимоий фанларни тобора қамраб олаётганлигида шунингдек ижтимоий фанларга математика методларини сингиб бораётганлигида ўз аксини топмоқда.

Фанлар синтези, бирлашуви томон бораётган тенденция, шу жумладан билимларнинг 2 та асосий тармоғи табиат ҳақидаги фанлар билан жамият ҳақидаги фанларнинг синтези ва бирлашуви томон бўлган тенденция бизнинг давримизда

тобора зўр куч билан намоён бўлмоқда. Илмий фанлар бирлиги сари бўлаётган бу тенденция шубҳасиз, дастлабки нуқтага қадим замонлардаги фанларнинг янги диалектик бирлигини - ўсиб бораётган хилма-хилликдаги бирликни кўрсатади.

Фаннинг нисбатан мустақиллиги ошиб бораётганлиги ҳам фан тараққиётининг умуми қонунлари жумласига киради. Фан ўз ичида бундан буёнги ривожланишининг тобора қудратли стимуллари шунинг учун ҳам топмоқдаки, тўпланган билим миқдори қанчалик кўп бўлса, янги вазифаларни қуйида унинг “тазйик” шунчалик сезиларли бўлмоқда. Аниқроғи бир фундаментал фан ичидан ажралиб чиққан тармоқ ўша фаннинг ривожланишида муҳим омил бўлмоқда.

Мана эндиликда табиий география ичидан ажралиб чиққан тамоқлар геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик, гидрология ва бошқа фанлар ўзларининг тадқиқот методларига эга бўлиб мустақил ривожланишда давом этмоқда ва бир вақтнинг ўзида бир-бирларини тадқиқот натижалари ва тадқиқот методларидан фойдаланадилар.

Тармоқли табиий географик тадқиқотларнинг мазмуни ва аҳамияти: тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг мазмуни шунда иборатки, унда табиий географик тармоқлари ва унга яқин фанлар яъни геология, геоморфология, метеорология ва иқлимшунослик, гидрология, туроқлар географияси, биогеография, зоогеография ва бошқа фан йўналишлари ўзларининг тадқиқот методларидан фойдаланган ҳолда тадқиқот ишларини олиб борадилар ва бу тадқиқотлар натижаларини умумлаштирилиб ягона хулосага келинади. Бу ерда олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг илмий натижаларининг ягона тизими тадқиқотларнинг мазмунини ташкил этади. Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларининг аҳамияти биринчи навбатда назарий масалаларни ҳал қилишда кўринча, иккинчи навбатда конструктив йўналишлар масалаларини атрофлича ҳал қилинишида кўринади.

Тармоқли табиий географик тадқиқот ишларида махсус кўринишдаги тадқиқотлар ҳам олиб борилади. Масалан, бундай тадқиқотларга махсус ландшафт тадқиқотлари ҳамда ариталарини тузишни киритиш мумкин. Чунки бундай тадқиқотларга жуда катта тайёргарлик ва шу билан бирга ҳудудни ўзгаришларини атрофлича таҳлил қилган ҳолда бу ерлардаги табиатнинг ўзгариши ва бу ўзгаришларнинг сабабларини чуқур ўрганиб харитага туширилади. Ландшафт хариталари қайси вақтда тузилган бўлса ўша вақтдаги ўша жойнинг ландшафт кўринишни аниқ тасвирлаш керак.

### **Мавзу буйича янгиликлар:**

Бошқа фанлар сингари табиий географиядан ҳам узига хос тушунча ва атамалар криб келди. Масалан синтез, интеграция, дифференциация, конструкция, тазйик ва бошқалар.

**Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Синтез тушунчаси
2. Фанлар интеграцияси
3. Фанлар дифференциацияси
4. Конструктив география
5. Тазйиқ тушунчаси
6. Палеогеография тушунчаси

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Пославская О. Ю. Учебные пособие по методике полевых физико-географических исследования. Т., 1976.
2. Исаченко В. А. и др. Полевые практики по географическим дисциплинам. М., 1980.
3. Рафиқов А. А. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик . Т., 1998.
4. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
5. Пашканг К. В. и др. Комплексная полевая практика по физической географии. М., 1986.
6. Науки о земле. М., 1989. № 9.
7. Горизонты экологического знания. М., Наука. 1986.
8. Арман Д. Л. Наука о ландшафте. М., 1975.
9. Герасимов И. П. Преобразование природы и развитие географической науки. М., 1967.
10. Емелғянов А. Г. Комплексное физико-географическое прогнозирование изменение природы. Калинин. 1980.


<b>7-мавзу.</b>	<b>Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишлари</b>	
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Геологик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари</li> <li>2. Релеф геоморфологик тадқиқот ишларининг текшириш объекти</li> <li>3. Табиий ва антропоген жараёнларни релефга таъсири</li> <li>4. Геоморфологик карталар тузиш</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишлари ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишларининг асосий босқичларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишларини моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишларига тавсиф бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишларини изоҳлайди.</li> <li>• Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишлари га таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд)</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд)</p> <p>2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд)</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p> <p>2.5. Яна мавзуга оид 1 та слайд талабаларга берилади.</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради.</p> <p>2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>

<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Геологик ва геоморфолофик тадқиқот ишлари “ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.  3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>
---	--	--

1-слайд



Блиц савол

1. Геологик тадқиқот ишлари
2. Геоморфологик тадқиқот ишлари
3. Релеф ҳақида тушунча
4. Геоморфологик карталар

Геологик ва геоморфологик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари

Табиий географияда геология фанлар тизимининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, фойдали қазилмалар ва уларнинг тарқалиши, ер устидаги бошқа хил бойликларнинг тарқалиши уларнинг таркибий тузилиши, ривожланиши тарихи, вужудга келиш тарихи, динамикаси ва бошқа ўзига хос кўринишларига тўлиқ геологик тадқиқотлар жавоб беради. Мана шуларни ҳисобга олиб геологик тадқиқотларнинг асосий мақсади шундан иборат дейиш мумкинки, биринчи навбатда ҳаракат табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган, яъни уларни пайдо бўлиш, ривожланиш динамикаси, таркибий тузилиши, маъданларнинг бой, камбағаллигини ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлса, иккинчи навбатда сайёрамизнинг геологик тарихи билан боғлиқ бўлган барча масалаларни оидинлаштиришга ҳаракат қилади. Геологик тадқиқот ишларининг асосий вазифаси ернинг геологик тарихини, маъданларнинг ва бошқа ресурсларни келиб чиқишини ва бошқаларни илмий асосда ўрганишдан, англашдан иборат.

Геоморфологик тадқиқот ишларида атласлардаги геологик хариталардан фойдаланиб тадқиқ этилаётган ҳудуднинг рельеф шаклларининг геологик тузилишини ва жойнинг нисбий ёшини аниқлаб кетилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳудуддаги ҳар бир рельеф шаклини шундай режада тадқиқ этилса ҳамма рельефнинг умумий тавсифини ва унинг келиб чиқишини аниқлашга ёрдам беради.



Рельеф ҳудуд табиатининг муҳим компонентиدير. У шу жой табиатининг бошқа ҳамма компонентларига ҳароратнинг шаклланиши ва қайтадан тақсимланишига, ёғин-сочиннинг тақалишига, тупроқ -гурунтнинг намланиш режимига, маҳаллий шамолларнинг характериға, ер ости сув оқимиға ва улар орқали тупроқ ўсимлик қопламининг тарқалишиға тўхтовсиз ва кучли таосир этиб туради.

Иккинчи томондан рельеф шу жойдаги фаолиятға таъсир этиб қолмасдан одамнинг у билан ҳисоблашишиға мажбур қилади. Шунинг учун ҳам рельефни тасвирлаганда унинг ҳамма икр-чикрларини ҳисобға олиб тадқиқот ишларида тўлиқ тавсиф беришға интилиш керак.

Географик атласлардаги ва деворий гипсометрик карталардан фойдаланиб, жойнинг орографик тузилишиға тавсиф беришдан бошлаш керак. Бунда ҳудуд ер юзаси тузилишининг умумий кўриниши, гипсометрик юзасидаги тафовутлар, энг баланд ва энг паст нуқталарининг ўрни, уларнинг мутлақо ва нисбий баландликлари, ер юзасининг титилганлиги, унинг сабаблари тушунтирилиши керак.

Айни жойда ер юзасининг асосий геоморфологик шакллари ҳосил бўлишида етакчи роль ўйнаган ички ва ташқи кучларнинг роли батафсил баён этилганидан сўнг, ҳудуд ҳақида у қандай геоморфологик районға мансуб эканлигини ва келиб чиқишини аниқланади. Шундай умумий хусусиятлари белгилаб олинагидан сўнг ҳудуд рельефиға бирма бир характеристика берилиб тадқиқот ишлари давомида бунга тўлиқ амал қилинади.

### Табиий ва антропоген жараёнларни рельефга таъсири

Табиий ва антропоген омилларнинг рельефга таъсири: бу саволга жавоб бериш учун биринчидан рельеф ҳосил қилувчи омилларни билиб олишимиз даркор, шундай қилиб рельеф ҳосил қилувчи омилларга - иқлим, оқар сувлар, шамол умуман ернинг устки ва ернинг ички кучлари киради.

Рельефнинг табиий комплекснинг асосий компоненти сифатида майдонга чиқиши билан бир вақтда рельефнинг бошқа компонентлари билан узвий алоқада бўлади ва уларнинг бир-бири билан акс таъсири мавжуд. Рельеф хусусиятларидан келиб чиқилган ҳолда террасалар ва ландшафт кўринишлари вертикал зоналар ҳосил қилиб тарқалади. Яна геоморфологик тадқиқотларда аллювиал рельеф шаклларига ҳамда эрозион аккумулятив циклларга ҳам катта эътибор берилиши лозим.

## Геоморфологик хариталар тузиш

Геоморфологик тадқиқот ишларида энг мураккаб қилинадиган ишлардан бири бу геоморфологик хариталарни тузишдир. Айниса 20-асрнинг охирига келиб ер юзида инсон яшайдиган хуудларда рельеф ва уни ҳосил қилган жинслар жуда ўзгариб кетди. Рельефга антропоген таъсир жуда кучайди. Буни биринчи навбатда масалан адир зоналарини ўзлаштириш кўплаб гидроиншоотларни қурилиши, бошқа геоморфологик жараёнларга инсонлар томонидан имкониятлар яратилаётганлигида кўришимиз мумкин. Лекин ҳар хил ҳодисалар рўй бермаслиги учун рельеф кўринишларини доимо муҳофаза қилиш лозим бўлади. Инсон ва табиий жараёнлар натижасида рельефни ўзгагриши тоғ жинсларини бир бири билан аралашиб кетиши мавзули геоморфологик хариталарни мукамал тузилишига тўсқинлик қилади.

Геоморфологик хариталар тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалапридан келиб чиқилгани ҳолда ҳар хил турларда бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги масалаларини ечишга бағишланган, гидроиншоотлар қуриш билан боғлиқ масалаларга бағишланган ва бошқалар. Бу мавзули геоморфологик хариталарнинг масштаблари ҳам масалани ечимига боғлиқ ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун геоморфологик хариталарнинг ўзига хос масштаби ва шартли белгилари мавжудки, хариталар тузишда улардан фойдаланилади.

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Рельеф геоморфологик тадқиқот ишларининг асоси эканлиги
2. Рельефнинг морфологияси ва морфометрияси
3. Дала шароитида рельеф кўринишлари ўрганилаётганда нималарга эътибор берилади
4. Геоморфологик хариталар тузиш ва уларни шартли белгилари
5. Тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар қандай қайта ишланади?
6. Геоморфологик хариталар нималарни аниқлашга ёрдам беради?
7. Табиий ва антропоген жараёнларни рельефга таъсири борми?
8. Шартли белги, масштаб, терраса тушнчаларига изоҳ беринг?
9. Геологик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
10. Геологик тадқиқот ишлари қандай ташкил этилади?
11. Тоғ жинсларини ёши ва генетик типлари қандай аниқланади?

12. Фойдали қазилмалар ва улардан хўжаликда фойдаланишни ахволи қандай?
13. Жойнинг палеогеографик таракқиёти қандай аниқланади?
14. Тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар қандай қайта ишланади?
15. Фойдали қазилма конларини разведка қилиш қандай амалга оширилади?
16. Геологик съёмка қандай амалга оширилади?
17. Жойнинг палеогеографик таракқиёти деганда нимага тушунаси?
18. Палеонтология нимани ўрганади?

## 7-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Геологик тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари
2. Рельеф - геоморфологик тадқиқот ишларининг текшириш объекти
3. Табиий ва антропоген жараёнларни рельефга таъсири
4. Геоморфологик хариталар тузиш.

Табиий географияда геология фанлар тизимининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, фойдали қазилмалар ва уларнинг тарқалиши, ер устидаги бошқа хил бойликларнинг тарқалиши уларнинг таркибий тузилиши, ривожланиши тарихи, вужудга келиш тарихи, динамикаси ва бошқа ўзига хос кўринишларига тўлиқ геологик тадқиқотлар жавоб беради. Мана шуларни ҳисобга олиб геологик тадқиқотларнинг асосий мақсади шундан иборат дейиш мумкинки, биринчи навбатда ҳаракат табиий ресурслар билан боғлиқ бўлган, яъни уларни пайдо бўлиш, ривожланиш динамикаси, таркибий тузилиши, маданларнинг бой, камбағаллигини ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлса, иккинчи навбатда сайёрамизнинг геологик тарихи билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилади. Геологик тадқиқот ишларининг асосий вазифаси ернинг геологик тарихини, маданларнинг ва бошқа ресурсларни келиб чиқишини ва бошқаларни илмий асосда ўрганишдан, англашдан иборат.

Геологик тадқиқот ишларини ташкил этиш: геологик тадқиқот ишлари асосан экспедиция ҳамда геофизик йўналишларда олиб борилади ва ташкил этилади. Чунки кўпгина бошқа фундаментал фанлардан фарқли ўлароқ геологик тадқиқотларнинг асосий объекти бевосита табиатда бўлиб кўпроқ дала ишлари билан шуғулланадилар.

Юқоридаги маърузаларимизда айтиб ўтганимиздек, геологик тадқиқот ишлари олиб боришда 5 босқичдан иборат бўлган босқичлар тўлиқ амалга оширилишини талаб қилади. Бунинг учун албатта керакли асбоб-ускуналар зарур жиҳозлар олинади.

Геологик тадқиқотларда энг асосий ишлардан бири геологик очиликларни топиб, , ёзиб тасвирлашдир. Геологик очиклар - ер пўстининг “дарчаси” ҳисобланади. Уни ёзиб тасвирлаш орқали ер юзасидан бошлаб геологик очик қанча чуқур тушган бўлса, ўша ерга тоғ жинсларини ётишини, ёшини ва бу тоғ жинсларини таркибини., бу қатламлар орасида қолиб кетган ҳайвон ва ўсимлик

қолдиқларига қараб бу тоғ жинсларини ёшини аниқлаш мумкин ва бошқалар. Бундан ташқари ҳозирги кунда тоғ жинсларини ёшини аниқлашда геофизик ҳада геохимёвий йўлларида ҳам фойдаланилади. Дала шароитида геологик тадқиқот ишлари олиб борилганда албатта маданларни қидириш жараёнида тоғ жинсларидан намуналар олинади. Бу намуналар кейинчалик лаборатория шароитида спектрал таҳлил қилиниб, у тоғ жинсини таркибидаги мадан миқдори аниқланади. Булардан ташқари геологик тадқиқотлар давомида геологик семка билан бир вақтда тоғ жинсларини ётишини тасвирловчи кесмалар ва чизмалар ҳам қилинади. Булар орқали маълум бир худуддаги ер юзасининг кўриниши аниқланади ва топографик хариталарга ўзгартиришлар киритилади. Бундан ташқари тоғ жинсларининг қатламлар бўйича ётишига яъни геоморфологик ҳолатига ҳам ўзгаришлар киритилади.

Геологик тадқиқот ишлари яна асосий ишлардан қилиниши мумкин бўлганларидан бири бу геологик компас ёрдамидла тоғ жинслари қатламларини, қалинлигини, геологик структураларини аниқлашни амалга оширишдир.

Тоғ жинсларини ёши ва н генетик турлари: ер пўстини ташкил этган табиий минерал бирликлар - тоғ жинслари дейилади. Тоғ жинсларининг ёши одатда ҳар хил бўлади. Масалан, энг аввал пайдо бўлган тоғ жинсларига магматик тоғ жинсларини, , ундан кейин пайдо бўлган тоғ жинсларига метаморфик тоғ жинсларини, энг кейин пайдо бўлган тоғ жинсларига чўкинди тоғ жинсларини айтиб ўтиш мумкин.

Тоғ жинсларини бир хил минералли, бир неча минералли, ҳар хил тоғ жинслари аралашмасидан иборат бўлиши мумкин.

Геологик тоғ жинслари генетик турига кўра: отқинди ёки магматик, чўкинди ва метаморфик тоғ жинсларига бўлинади.

Геологик тоғ жинслари ёши, тури ва тузилишига кўра бир хил бўлмаганидек, уларнинг тарқалиш географияси ҳам жуда хххилма хилдир. Масалан, тоғли ўлкаларда асосан магматик тоғ жинслари тарқалган бўлса, ер юзасининг текислик қисмида эса оқар сувлар олиб келган магматик жинсларам, метаморфик жинсларни ҳам чўкинди жинсларни ҳам учратиш мумкин.

Юқорда айтиб ўтганимиздек, геологик тадқиқот ишларини асосини ташкил қиладиган тадқиқотлардан бири бу фойдали қазилмалардан қадим замонлардан буён фойдаланиб келинмоқда, шунинг учун тарихда темир даври, бронўза джаври деб номланган. Айниқса фойдали қазилма конларини қидирилиши ва разведка қилиш XX асрда жуда катта миқёсларда амалга оширилдики, бунинг оқибатида ер шаридаги асосий конлари аниқланиб фойдаланишга жалб қилинди. Лекин фойдали қазилмалардан фойдаланиш жараёни стихияли амалга оширилиб охир оқибат нест-нобудгарчиликка йўл кўйилди. XX асрнинг охирларига келиб бундай фойдаланиш оқибатида шу нарса маълум бўлдики, эндиликда ҳеч қайси заминда қазиб олинган қазилма конлари 100-150 йилга етмайди.

Фойдали қазилма конларининг ер шарида захираларини камайиб кетишига яна бир сабаб фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши қудратли техникаларни кўплаб ишлаб чиқарилиши ва улар ёрдамида заминда керагидан ортик

маданларни қазиб олиниши ҳам сабаб бўлди. Эндиги асосий масала агар қазилма бойликлари кўпроққа етии мақсад қилиб оиданиган бўлса улардан тежаб тергаб фойдаланиб халқ хўжалигини ривожлантиришда интенсив йўлга ўтилиши лозим, акс ҳолда баъзи бир маъдан конларини ўзи тугаб бормоқда. Уларни ўрнини босадиган бошқа янги материалларни ахтаришимизга тўғри келади.

Жойнинг палеогеографик тараққиёти аниқлаш: ҳар қандай ҳудуднинг палеогеографик тараққиётини аниқлаш орқали биз ер юзида яшаган организмлар ни қачон яшаганлигини билиб олишимиз мумкин. Масалан, тоғ жинсларини қатлам-қатлам бўлиб ётишида унинг таркибида кўпгина организмларларини тошқотган жисмларини кўришимиз мумкин. Мана шу тоғ жинслари қатламларини таркибидаги ҳавон қолдиқлари, ўсимлик қолдиқларига қараб бу тоғ жинслари қатламлари қачон пайдо бўлганлиги ёки тоғ жинсларини таркиби аниқ бўлса организмларни қачон яшаганлигини билиб олишимиз мумкин.

Умуман жойнинг палеогеографик тараққиётига боғлиқ бўлган маълумотларни тўплаш ер тараққиёти ҳамда унда яшаган барча организмларнинг яшаган вақти ва эволюцион ривожланиши босқичларини англаб олишга, илмий хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Геологик тадқиқотлар ишлари натижасида далада тўпланган барча маълумот ва материаллар камерал босқичда қайта иланади. Олиб келинган намуналар лабораторияларга топширилади. Ҳудуднинг йирик масштабдаги хариталари тузилади. Олиб келинган маълумотлар, материал ва намуналарнинг барчаси қайта ишланиб бўлинганидан сўнг ҳисобот ёзилади ва нуфузли ташкилот ва муассасаларнинг илмий хулосалари чиқарилиб ҳисобот баҳоланади.

Ҳисоботнинг тўлиқ ва мукамал бўлиши учун бу ерда биринчи навбатдаги юритилган дала кундаликлари, олинган намуналар вакартографик маълумотларни тахлилига жуда катта зеб беирилиши лозим, акс ҳолда қилинган барча ишлар саёз узик-юлик бўлиб, қолиши мумкин. Шунинг учун дала шароитида ишларни яхши ташкил этиш керак бўлади.

Рельеф ҳудуд табиатининг муҳим компонентиدير. У шу жой табиатининг бошқа ҳамма компонентларига ҳароратнинг шаклланиши ва қайтадан тақсимланишига, ёғин-сочиннинг тақалишига, тупроқ -гурунтнинг намланиш режимига, маҳаллий шамолларнинг характериға, ер ости сув оқимиға ва улар орқали тупроқ ўсимлик қопламининг тарқалишиға тўхтовсиз ва кучли таъсир этиб туради.

Иккинчи томондан рельеф шу жойдаги фаолиятга таъсир этиб қолмасдан одамнинг у билан ҳисоблашишиға мажбур қилади. Шунинг учун ҳам рельефни тасвирлаганда унинг ҳамма икр-чикрларини ҳисобга олиб тадқиқот ишларида тўлиқ тавсиф беришға интилиш керак.

Географик атласлардаги ва деворий гипсометрик карталардан фойдаланиб, жойнинг орографик тузилишиға тасвир беришдан бошлаш керак. Бунда ҳудуд ер юзаси тузилишининг умумий кўриниши, гипсометрик юзасидаги тафовутлар, энг баланд ва энг паст нуқталарининг ўрни, уларнинг мутлақо ва нисбий баландликлари, ер юзасининг тутилганлиги, унинг сабаблари тушунтирилиши керак.

Айни жойда ер юзасининг асосий геоморфологик шаклларини ҳосил бўлишида етакчи рол ўйнаган ички ва ташқи кучларнинг роли батафсил баён этилганидан сўнг, ҳудуд ҳақида у қандай геоморфологик районга мансуб эканлигини ва келиб чиқишини аниқланади. Шундай умумий хусусиятлари белгилаб олинаганидан сўнг ҳудуд рельефига бирма бир характеристика берилиб тадқиқот ишлари давомида бунга тўлиқ амал қилинади.

Агар тавсифланаётган ҳудуд текислик бўлса унда дарёнинг ҳозирги замон водийлари, қадимги ўзанлари, дарёлар оралиғида маълум томонга нишаблиги бўлган текисликлар, паст текисликлар бўлади. Энг аввало тадқиқотлар жараёнида шулар тавсифланиши керак. Тасвир текисликларнинг қайси дарё оралиғида жойлашганлиги, унинг ўртача максимал мутлоқий баландлиги қандай, энг баланд ва энг паст нисбий баландликлари қаерда жойлашганлиги, рельефнинг қандай элементга мансубю эканлиги, умумий ҳолатига эътибор бериш керак. Текисликларнинг юзаси агар жарликлар, балкалар, дўнгликлар, қирлар ва тепаликлар билан банд бўлса, уларнинг энг характерлиларини тавсифлаш фойдадан ҳоли эмас.

Ҳудуднинг эрозион титилганлик даражасини ва характерини аниқлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Характерли рельеф шаклларини тадқиқ қилганда тасвирланган уларнинг ташқи тузилиши, горизонт томонларига нисбатан туриши, у ёки бу морфологик элементининг чўзилганлиги ҳақидаги ўлчов маълумотлари яъни морфометрияси: нисбий баландлиги, ёнбағирларининг нишаблиги, экспозицияси, ҳажми, майдони каби миқдорий кўрсаткичлари албатта аниқланиши керак.

Геоморфологик тадқиқот ишларида атласлардаги геологик хариталардан фойдаланиб тадқиқ этилаётган ҳудуднинг рельеф шаклларининг геологик тузилишини ва жойнинг нисбий ёшини аниқлаб кетилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳудуддаги ҳар бир рельеф шаклини шундай режада тадқиқ этилса ҳамма рельефнинг умумий тавсифини ва унинг келиб чиқишини аниқлашга ёрдам беради.

Тадқиқ этилаётган ҳудудда дарёлар оқиб ўтган бўлса, уларнинг водийсини умумий йўналишини, кенлигини, чуқурлигини, водийнинг шаклини, қайири ва қайир усти террасаларини, улар дарёнинг ҳар иккала соҳилида акс этганми ёки йўқми, қайирнинг ва унинг устидаги террасаларнинг баландлиги, кенлиги, юзасининг характери, геологик қиёфаси тадқиқот ишида ифода этилган бўлиши керак. Аслий соҳиллар, қайир ва террасалар, эрозия, сурилма, карст, зол яратмалари билан тузилган бўлса уларнинг сабабларини аниқлаш ва ҳосил бўлган шаклларни тасвирлашда географик ва геоморфологик манбалардан атрофлича фойдаланиш лозим.

Ҳозирги замон рельефини шаклланишида катта рол ўйновчи эрозия ва денудация, сурилма, карст, зол, суффозион-чўкиш, солифлюкация ва бошқа геоморфологик жараёнлар ҳақида тадқиқотлар давомида хўжалик нуқтаи назардан ҳам баҳо бериш лозим. Яъни эрозия натижасида тупроқнинг тузилиши, сурилма ва карст натижасида экин экиладиган майдонларнинг ишдан чиқиши, солифлюкация туфайли тупроқни бевақт шароит босиши каби ҳолатлар ва бошқалар. Ниҳоят

шундай хўжалик учун зарар келтираётган жараёнларга қарши қуриладиган чоратadbирлар ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилиши керак.

Жойинг рельефига берилган тавсиф картографик, график чизмалар билан тўлдирилиши лозим. Айниқса ҳисобот қисмида атлас ва адабиётлардаги геоморфологик хариталарни бир-бирига таққослаб, соддалаштирилган нухасини чизиб ҳисоботга кўшиш мумкин. Яна ҳудудни ер юзаси тузилишининг мураккаблик даражасини ҳисобга либ типик йўналиш танлаб, бир геоморфологик кесма тузиш, шу жойга хос фотосуратлар слайд қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳисоботни қийматини оширади.

Мана юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, рельеф - геоморфологик тадқиқот ишларининг текшириш объекти сифатида майдонга чиқар экан албатта тадқиқот иларида геоморфологик жараёнлар билан боғлиқ барча ишларни атрофлича кўриб чиқишга тшўғри келади.

Геоморфологик тадқиқот ишлари олиб борилганда албатта рельефнинг морфологияси, морфометрияси, генезиси, ёши, аниқланади.

Рельеф ландшафтнинг етакчи компоненти бўлиши билан бир вақтда, геологик ривожланиш босқичлари, геологик структуралар билан ҳам узвий боғлиқдир. Геоморфологик тадқиқотларда буларга катта эътибор берилиши керак бўлади.

Табиий ва антропоген омилларнинг рельефга таъсири: бу саволга жавоб бериш учун биринчидан рельеф ҳосил қилувчи омилларни билиб олишимиз даркор, шундай қилиб рельеф ҳосил қилувчи омилларга - иқлим, оқар сувлар, шамол умуман ернинг устки ва ернинг ички кучлари киради.

Рельефнинг табиий комплекснинг асосий компоненти сифатида майдонга чиқиши билан бир вақтда рельефнинг бошқа компонентлари билан узвий алоқада бўлади ва уларнинг бир-бири билан акс таъсири мавжуд. Рельеф хусусиятларидан келиб чиқилган ҳолда террасалар ва ландшафт кўринишлари вертикал зоналар ҳосил қилиб тарқалади. Яна геоморфологик тадқиқотларда аллювиал рельеф шаклларига ҳамда эрозион аккумулятив циклларга ҳам катта эътибор берилиши лозим.

Геоморфологик тадқиқот ишларида энг мураккаб қилинадиган ишлардан бири бу геоморфологик хариталарни тузишдир. Айниқса 20-асрнинг охирига келиб ер юзида инсон яшайдиган ҳудудларда рельеф ва уни ҳосил қилган жинслар жуда ўзгариб кетди. Рельефга антропоген таъсир жуда кучайди. Буни биринчи навбатда масалан адир зоналарини ўзлаштириш кўплаб гидроиншоотларни қурилиши, бошқа геоморфологик жараёнларга инсонлар томонидан имкониятлар яратилаётганлигида кўришимиз мумкин. Лекин ҳар хил ҳодисалар рўй бермаслиги учун рельеф кўринишларини доимо муҳофаза қилиш лозим бўлади. Инсон ва табиий жараёнлар натижасида рельефни ўзагриши тоғ жинсларини бир бири билан аралашиб кетиши мавзули геоморфологик хариталарни мукамал тузилишига тўсқинлик қилади.

Геоморфологик хариталар тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалапридан келиб чиқилгани ҳолда ҳар хил турларда бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги масалаларини ечишга бағишланган, гидроиншоотлар қуриш билан боғлиқ масалаларга бағишланган ва бошқалар. Бу мавзули геоморфологик хариталарнинг масштаблари ҳам масалани ечиминга боғлиқ ҳар хил бўлиши мумкин. Шунинг учун

геоморфологик хариталарнинг ўзига хос масштаби ва шартли белгилари мавжудки, хариталар тузишда улардан фойдаланилади.

### **Мавзу буйича янгиликлар:**

Эндиликда геологик тадқиқот ишларида ҳам космик суратлардан кенг куламда фойдаланилмоқда. Бундан ташқари тоғ геологияси, океан геологияси сохалари ҳам ривожланиш стадиясига утди.

Геоморфологик тадқиқот ишлари билан келиб чиқилгани холда биринчи навбатда кишлоқ хужалигида ерлар планировкасига эътибор берилиши лозим ва бу орқали эрозия, дефляция ва бошқа кунглисиз ходисаларни олдини олиниши мумкинлиги купрок эптироф этилмоқда.

### **Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Геоморфология
2. Морфография
3. Морфометрия
4. Солифлюкция
5. Эрозия
6. Аккумуляция
7. Флювиал рельеф шакллари
8. Масштаб
9. Шартли белги
10. Тераса
11. Табиат комплекси
12. Табиат компонентлари
13. Фундаментал фанлар
14. Геологик очикликлар
15. Палеогеография
16. Археология,
17. Палеонтология
18. Магматик жинслар
19. Метаморфик жинслар
20. Чўкинди жинслар
21. Маъдан тушунчаси
22. Картографик маълумот

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Султонов Ю. Табиий географиядан курс ишлари тематикаси. Т., 1977.
2. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
3. Мильков Ф. Н. Рукотворные ландшафты. М., 1978.
4. Мильков Ф. Н. Человек и ландшафты. М., 1973.
5. Исаченко А. Г. Оптимизация природной среды. М., 1980.
6. Арман Д. Л. Наука о ландшафте. М., 1975.
7. Сваричевская З. А. Геоморфология Казахстана и Средней Азии. М., 1970.
8. Мещряков Ю. А. Рельеф СССР. М., 1972.
9. Лазьков Е. М. Региональная геология. М., 1975.
10. Воскресенский С. С. Геоморфология Сибири. М., 1962.
12. Пославская О. Ю. Учебные пособие по методике полевых физико-географических исследований. Т., 1976.
13. Зокиров Ш. Табиий географиядан ўқув дала практикаси. Т., 1989.
14. Ғуломов Ш. С. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли лғати. Т., 1994.
15. Турсунов Х. Экология асослари ва ТМҚ. Т., 1997.
16. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. Т., 1997.
17. Тўхтаев А. Экология. Т., 1998.
18. География сегодня. М., 1984.
19. Науки о земле. М., 1989. № 9.
20. Пашканг К. В. и др. Комплексная полевая практика по физической географии. М., 1986.
21. Исаченко А. Г. Оптимизация природной средк. М., 1980.
22. Солнцев Н. А. Морфологическая структура географического ландшафта. М., 1963.

8-мавзу.	Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишлари	
Маърузани ўқитиш технологияси		
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Метеорологик кузатишлар</li> <li>2. Микроиклимий кузатишлар</li> <li>3. Ер усти ва ер ости сувларини ўрганиш</li> <li>4. Гидрологик тадқиқот ишларининг иккинчи босқичи</li> <li>5. Ер усти ва ер ости сувларидан намуналар олиш</li> <li>6. Дарёларнинг тўйинишига кўра турлари</li> <li>7. Гидрографик хариталар</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишлари ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишларини моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишларига тавсиф бериш.</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишларини изоҳлайди.</li> <li>• Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишларига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба

<p>1-босқич. Кириш (10 мин)</p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд) 2.5. Яна мавзуга оид 4 та слайд талабаларга берилади.</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Яқуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Метеорологик ва гидрологик тадқиқотлар ишлари “ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

## Блиц савол

1. Метеорологик тадқиқотлар
2. Микроиқлимий тадқиқотлар
3. Гидрологик тадқиқотлар
4. Дарёларнинг тўйиниши
5. Дарё оқимининг ўртача тезлиги

2-слайд

## Метеорологик кузатишлар

Жойнинг мезоиклимий хусусиятларини характерловчи фактик маълумотларни шу жойдаги ва қўшни районлардаги метеорологик станциялар ва қишлоқ хўжалик муассасалари ҳамда мактаблардаги географик майдончаларда об-ҳаво устида тизимли олиб борилган кузатиш натижаларидан олинади.

Бу муассасалардаги маълумотлар метеорологик станцияларнинг “бюллетенларида”ёки “ежегодник”ларида умумлаштириб берилган. Тадқиқотчи - талаба ўз обоекти худудини мезоиклимини тавсифлашда ана шу манбалардан, иқлимий шароитларни ёритишда эса географик ва иқлимий адабиётлардан фойдаланиши керак.

Энг аввало жойнинг ўзига хос шамоллар режими ва булутлилиги, уларнинг фаслларга кўра такрорланиб туриши, ҳаво намлигининг сутка ва ил давомидаги ўзгариши, ҳавонинг ўртача суткалик, йиллик, максимал ва минимал ҳарорати, фойдали ҳароратни йиллик йиғиндиси, ёғин турлари ва миқдори тадқиқ қилинади.

Бундай метеорологик маълумотларни таҳлил қилиб ва умумлаштириб, тадқиқот обоектининг бирликлар ёки бир нечта бўлаги учун хос бўлган микроиқлим характерланади.

Сўнгра худуднинг ҳамма қисми учун характерли бўлган иқлимий маълумотлар метеорологик станциялардан олиниб ўрганиб чиқилади.

Бунда ўлка учун характерли бўлган ҳаво оқимларининг шу жойни иқлимини осил бўлишидаги роли, йиллик радиация миқдори, ўртача ҳароратлар уларнинг жойдан-жойга боргандаги тафовутлари, максимум ва минимум ҳароратлар, фойдли ҳарорат йиғиндиси, вегетация даврининг узунлиги, йиллик ёғин ва унинг фаслларга кўра тақсимланиши, серёғин даврининг қанча давом этиши каби асосий иқлимий кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим.



## Микроиқлимий кузатишлар

Метереологик ва микроиқлимий кузатишларда аввалам бор метереологик станциядаги жиҳозлар билан асбоб-ускуналар танишиш даркор. Бевосита далада экспедиция шароитида иқлимий кузатишлар учун махсус ўлчагич, намликни ўлчаш учун махсус асбоб, ёғин миқдорини ўлчаш учун махсус идиш, қуёш ҳаракатини ўлчаш учун махсус таёқ, маълумотларни ёзиб бориш учун албатта қалам, дафтар, чизғич, ўчирғич ва бошқалар керак бўлади.

Дала шароитида тадқиқотлар ўтказилаётган вақтда кузатув вақтлари белгиланади булар бўлиши керак: 1,7,13,19 соатларда, бу вақтда иқлимий кузатишлар билан бир қаторда маҳаллий вақт даврида ёғин миқдори, тупроқ юза қисмининг ҳарорати соат 7 ва 19 д ўлчанади. Шу пайтларда қуёш радиацияси, ҳаво босими ва ҳарорати, тупроқ ҳарорати, шамолнинг тезлиги ва йўналиши, ҳавонинг намлиги ва булутлилиги, тупроқнинг ҳарорати ва атмосферада содир бўлаётган ҳодисаларни кузатилади.

Метереологик ва микроиқлимий кузатишлар олиб бориш учун вақтинчалик махсус метереологик майдончани ташкил этиш мумкин. Бунинг учун кузатиш билан боғлиқ бўлган барча асбоб-ускуналар яхшилаб ўрнатилиб улар қуёш нури, ёмғир, шамол, кўчки таъсиридан муҳофаза қилиш масалаларини ечиш ва бу вақтинчалик метереологик станцияда аниқ ўлчов ишларини ташкил этиш лозим.

### Ер усти ва ер ости сувларини ўрганиш

Ер усти сув манбалари асосан иқлимнинг маҳсулоти бўлганлиги сабабли, бу ер намланишига кўра қандай типда эканлигини яна бир эслатиб ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Гидрологик тадқиқот ишларида гидрографик тармоқларга дарёлар, кўллар, суний сув хавзалари, ботқоқликларга умумий тавсифнома берилади, сув манбаларининг ҳудуд табиатдаги роли кўрсатиб ўтилади.

Ер ости сулари табиий жараёнларда иштирок этиб у сурилма, карст, суффозия жараёнларига сабабчи бўлади. Шу билан бирга дарёлар ва кўлларнинг тўйинишида асосий манбалардан ҳисобланади. Аҳоли ва хўжалик эҳтиёжларини сув билан таоминлайди, тупроқ ва ўсимлик қопламанинг ҳаётида катта аҳамиятга эга.

### Гидрологик тадқиқот ишларининг босқичлари

Гидрологик тадқиқотлар икки босқичдан иборат бўлади. Биринчисида дарё, ирмоқ, кўл, булоқларнинг морфологик тузилиши атрофлича тадқиқ қилинади. Иккинчи босқичда эса гидрометрик ишларни бажариши лозим. Гидропостларда сув сарфи, сув оқими тезлиги, сув сиғими калби ўлчов ишларини олиб бориши керак бўлади. Бундай тадқиқотларни олиб бориш учун гидрологик асбоб ва ускуналар керак, яъни масалан гидрологик вертушка, тиниқликни аниқлайдиган диск, сувни лойқалигини аниқлайдиган шкала ва бошқалар.



Ер усти ва ер ости сувларидан намуналар олиш

Гидрологик тадқиқот ишларидан яна бири бу сув манбаларидан намуналар олиш ва лаборатория шароитида уларни текширишдир. Булардан ташқари сувнинг физик ва кимёвий хусусиятларини аниқлаш ишларини олиб бориш керак.



## Дарёларнинг тўйинишига кўра турлари

Катта ва кичик дарёлар, қаердан ва қандай бошланади, юқори оқимининг характери, оқимнинг йўналиши ва унинг жойнинг геологик тузилиши ҳамда рельефига боғлиқлиги, дарё турининг қалинлиги, дарё водийларининг ҳолати, чуқурлиги албатта кўриб чиқилиши лозим.

И. Н. Бабушкиннинг “ комплексна полевая практика по физической география” деган кўлланмасида сув объектларини тавсифлашни қуйидаги усулини тавсия этади.

1. Дарёнинг номи, унинг оқимини йўналиши, ирмоқлари қандай ирмоқ?
2. Агар дарё ўргнилаётган худуддан бошланса, манбаи (булоқми, ботқоқми, кўлми?).
3. Дарё қайси йирикроқ дарё хавзасига қарайди?
4. Ўзаннинг характери: эгрилиги, тармоқларга бўлиниши, ороллари, саёзликлари, пляж борми, улар доимийми ёки алмашилиб турадими? Ўзаннинг кенглиги, дарё туби ва сохилларидаги грунтнинг характери.
5. Сохилда янги ювилган, сурилган участкалар борми? Улар ўзининг қандай масофасида?
6. Дарёнинг сохил ёки ва ўртасидаги чуқурлиги
7. Дарё оқимининг ўртача тезлиги
8. Кам сувлик ва тўла сувлик даврида дарёнинг сув сарфи
9. Кўп ва кам сувлик даврида дарё сувининг лойқалиги
10. Дарё тўйинадиган манбалар, қандай тип устунлик қилади?
11. Дарёларнинг режими, дарё сув юзасининг фаслларга кўра ўзгариши, музлаб ётиши ва муздан ҳоли даври, тўла ва кам сувлик даври.
12. Дарёлардан кемачиликда, ёғоч оқизишда, электэнергия олишда тегирмон, сув омбори сифатида, сув спорти ва бошқа хўжалик эҳтиёжларида фойдаланиш.

Гидрологик тадқиқотда дарёларнинг тўйинишига кўра турларига ҳам катта эҳтибор берилиб ўрганилаётган дарёлар тўйинишига кўра классификация қилинади. Яъни дарё қор-музлик-қор, қор, ёмғир, ёмғир-қор, ер ости-ёмғир ёки аралаш ва бошқа манба сувларидан тўйинадиган дарёларга ажратилади.

## Гидрографик карталар

Гидрографик карталар бошқа мавзули хариталардан шартли белгилари билан фарқ қилади. Гидрологик шартли белгиларни сизлар топография фани бўйича ўтказилган амалий машғулотларда албатта кўрансиз. Гидрологик хариталарнинг шартли белгилари асосан ранглар бериш, оқим йўналишлари кўрсаткичлари билан, сув сарфи, сув тезлиги, сувнинг чуқурлиги, гидроиншоотларнинг кенглиги, кемалар қатнайдиغان қисми ва бошқалар мукамалликда кўрсатилади. Булардан ташқари булоклар, қудуқлар, сув кечувлар (брод) ва бошқалар ҳам айниқса топографик хариталарда доимо қўлланиладиган гидрологик хариталарни мазмуни барча сувликлар ҳақида мукамал маълумот беради. Шунинг учун гидрографик карталарнинг аҳамияти халқ хўжалигида муҳим роль ўйнайди.

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Мезоиклим ва микроиклимни тавсифи нимадан иборат?
2. Метеорологик станциядаги ўлчов вақтларини айтиб беринг?
3. Метеорологик станциядаги ўлчов асбоб-ускуналарини санаб беринг?
4. Вақтинчалик махсус метеорологик майдончалардаги ишларни ташкил қилишни айтиб беринг?
5. Иқлим ва синоптик хариталар қандай бўлади?
6. Иқлим ва синоптик хариталарни шартли белгиларини айтиб беринг?
7. Метеорологик майдончани ҳажми дала шароитида қанча бўлиши керак?
8. Иқлим ва синоптик хариталарни қандай ўқилади?
9. Маҳаллий об-ҳаво деганда нимани тушунаси?
10. Метостанцияда қандай асбоб ва ускуналар бўлади?
11. Ер усти сувларига нималар киради?
12. Ер ости сувларига нималар киради?
13. Гидрологик тадқиқот ишларини босқичларини айтиб беринг?
14. Дарёларнинг тўйинишига кўра турларини санаб беринг?
15. Гидрографик хариталарда нималар тасвирланади?
16. Сувларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини айтиб беринг?
17. Ер ости сувларини табиий жараёнларда иштирок этиши натижасида нималар вужудга келади?
18. Гидрологик тадқиқотларда нима учун сувлардан намуналар олинади?
19. Гидрологик хариталарнинг шартли белгилари бошқа шартли белгилардан нимаси билан фарқ қилади?

## 8-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Метеорологик кузатишлар
2. Микроклимий кузатишлар
3. Ер усти ва ер ости сувларини ўрганиш
4. Гидрологик тадқиқот ишларининг иккинчи босқичи
5. Ер усти ва ер ости сувларидан намуналар олиш
6. Дарёларнинг тўйинишига кўра турлари
7. Гидрографик хариталар

1. Ўқув тадқиқот ишлари жихатдан бирор-бир табиий географик ўлка, провинция жуда кичик бўлганда табиий географик округ ёки област ҳудудини ишғол қилади. Шунинг учун бундай ҳудуд доирасида фақат “иқлим” ва “мезоиклим” бирлигига мос тушунчалар тўғри келади. Бу ҳудудда “микроиклим” тушунчаси ўз-ўзидан тушиб қолади. Шундай экан талабанинг вазифаси ҳудуднинг турли қисмларидаги микроклимий тавофутларни умумлаштириб мезоиклим ёки иқлимга тавсиф бериши ёки тадқиқот ўтказиши зарур.

Жойнинг мезоиклимий хусусиятларини характерловчи фактик маълумотларни шу жойдаги ва қўшни районлардаги метеорологик станциялар ва қишлоқ хўжалик муассасалари ҳамда мактаблардаги географик майдончаларда об-ҳаво устида тизимли олиб борилган кузатиш натижаларидан олинади.

Бу муассасалардаги маълумотлар метеорологик станцияларнинг “бюллетенларида” ёки “ежегодник”ларида умумлаштириб берилган. Тадқиқотчи - талаба ўз объекти ҳудудини мезоиклимини тавсифлашда ана шу манбалардан, иқлимий шароитларни ёритишда эса географик ва иқлимий адабиётлардан фойдаланиши керак.

Энг аввало жойнинг ўзига хос шамоллар режими ва булутлилиги, уларнинг фаслларга кўра такрорланиб туриши, ҳаво намлигининг сутка ва ил давомидаги ўзгариши, ҳавонинг ўртача суткалик, йиллик, максимал ва минимал ҳарорати, фойдали ҳароратни йиллик йиғиндиси, ёғин турлари ва миқдори тадқиқ қилинади.

Бундай метеорологик маълумотларни таҳлил қилиб ва умумлаштириб, тадқиқот объектининг бирликлар ёки бир нечта бўлаги учун хос бўлган микроиклим характерланади.

Сўнгра ҳудуднинг ҳамма қисми учун характерли бўлган иқлимий маълумотлар метеорологик станциялардан олиниб ўрганиб чиқилади.

Бунда ўлка учун характерли бўлган ҳаво оқимларининг шу жойни иқлимини осил бўлишидаги роли, йиллик радиация миқдори, ўртача ҳароратлар уларнинг жойдан-жойга боргандаги тафовутлари, максимум ва минимум ҳароратлар, фойдли ҳарорат йиғиндиси, вегетация даврининг узунлиги, йиллик ёғин ва унинг фаслларга

кўра тақсимланиши, серёғин даврнинг қанча давом этиши каби асосий иқлимий кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим.

Ўлка иқлимини характерлашда асосий агроиқлимий кўрсаткичлар ўртача суткалик ҳарорат  $-0,5,10$  бўлган кунлар миқдориЮ, шу кунлардаги ҳароратнинг йиғиндиси, вегетацион қиш % ҳисобида, ҳақиқий қишнинг узунлиги, мусбат ҳароратлар йиғиндиси, июл ойида соат 13 даражасиги нисбий намлик ва ҳоқаъзолар тўлиқ тайёрлов босқичида ўрганилиб чиқилади.

Ёзма ҳисобот ёки тавсифнома асосий метеорологик ва иқлимий кўрсаткичлар жадвали билан солиштирма диаграммалар, изотермалар ва ёғин сочиннинг тақсимланишини характерловчи карта-чизмалар билан тўлдирилиши лозим.

Тадқиқ қилинаётган худуднинг мезоиқлим ва иқлим хўжалик нуқтаи назаридан етарли баҳоланиб хулосаланиши керак.

Метеорологик ва микроиқлимий кузатишларда аввалам бор метеорологик станциядаги жиҳозлар билан асбоб-ускуналар танишиш даркор. Бевосита далада экспедиция шароитида иқлимий кузатишлар учун махсус ўлчагич, намликни ўлчаш учун махсус асбоб, ёғин миқдорини ўлчаш учун махсус идиш, қуёш ҳаракатини ўлчаш учун махсус таёк, маълумотларни ёзиб бориш учун албатта қалам, дафтар, чизғич, ўчирғич ва бошқалар керак бўлади.

Дала шароитида тадқиқотлар ўтказилаётган вақтда кузатув вақтлари белгиланади булар бўлиши керак: 1,7,13,19 соатларда, бу вақтда иқлимий кузатишлар билан бир қаторда маҳаллий вақт даврида ёғин миқдори, тупроқ юза қисмининг ҳарорати соат 7 ва 19 д ўлчанади. Шу пайтларда қуёш радиацияси, ҳаво босими ва ҳарорати, тупроқ ҳарорати, шамолнинг тезлиги ва йўналиши, ҳавонинг намлиги ва булутлилиги, тупроқнинг ҳарорати ва атмосферада содир бўлаётган ҳодисаларни кузатилади.

Метеорологик ва микроиқлимий кузатишлар олиб бориш учун вақтинчалик махсус метеорологик майдончани ташкил этиш мумкин. Бунинг учун кузатиш билан боғлиқ бўлган барча асбоб-ускуналар яхшилаб ўрнатилиб улар қуёш нури, ёмғир, шамол, кўчки таъсирдан муҳофаза қилиш масалаларини ечиш ва бу вақтинчалик метеорологик станцияда аниқ ўлчов ишларини ташкил этиш лозим.

Экспедиция ёки дала шароитида метемайдончада кузатиш ишларини тартиби билан олиб боришни ташкил этиш керак бўлади, дастлаб ҳавонинг булут билан қопланганлик даражасини ва турларини аниқлаш керак бўлади, сўнгра кузатиш ишларини асбоб-ускуналар ёрдамида бажариш керак. Бунда ҳисоб китобларнинг тўғрилигига катта аҳамият берилади. Албатта микроиқлим маълумотларини психометр, барограф, анероид ва бошқа асбоблар билан ўлчаш ва улардан олинган маълумотлар асосида синоптик хариталар тузиш ишларини амалга ошириш керак бўлади.

Синоптик, иқлим хариталарини мазмуни асосан қуйидагича бўлади, у хариталарда: ҳаво массивларининг ҳаракати, ўша жойидаги ҳароратлар, бу хариталардаги барча воқеа ҳамда ҳодисалар, маълумотлар ўша жойидаги бир кунлик ёки бир неча кунлик об ҳавосини аниқлаб беради ва қиман бу маълумотларга таянган ҳолда иқлимни ёки об-ҳавони башоратлаш мумкин.

Иқлим ва синоптик хариталарнинг шартли белгилари бошқа мавзули хариталарнинг шартли белгиларидан тубдан фарқ қилади. Чунки иқлим ва синоптик даражаси хҳаракат асосан ер юзасида ёки осмонда бўлганлиги учун бу хариталарда шартли белгилар кўпроқ йўналишли чизиқлар, ранглар, рақамлар ва бошқалар билан берилди.

Иқлимий ва синоптик хариталарни таҳлил қилиш натижасида иқлим ва об-ҳаво билан боғлиқ кўплаб маълумотларни билиб олиш ва унга қараб ҳаракат қилиш мумкин. Яна бу хариталарнинг таҳлили айниқса қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, саноатнинг баъзи бир тармоқлари, транспорт учун жуда катта фалокатларни олдини олиш маълумотларини беради ва бошқалар.

Метеорологик ва микроиқлимий кузатишларда албатта яна махсус метеорологик луғатлардан ҳам фойдаланилади. Масалан, бу луғатларда булутларни номлари, турлари, ҳаво массаларининг турлари, ҳарорат ва босим билан боғлиа маълумотлар ва бошқалар бўлади.

Микроиқлимий кузатишлар жараёнида маҳаллий об-ҳавони билиш учун ўша ерда яшайдиган кекса кишилардан ҳам кўп иқлимий маълумотларни олиш мумкин. Иқлимнинг даврий ўзгаришлари билан боғлиқ маълумотларни кекса кишилардан билиб ўн йилликлар, ўн беш йилликлар ва йигирма йиллик олдинги иқлимни кейинги ўн йилликлар иқлими билан таққослаб ўзига хос бир маълумотларни олиш мумкин.

Умуман метеорологик ва микроиқлим кузатишлари анчагина мураккаб жараёнларни ўз ичига олиб метеорологик кузатиш олиб бориш учун махсус тайёргарликларни талаб қилади. Бунда бир неча хил ўлчов асбобларини ва бу асбоблар кўрсатган маълумотларни жадваллар ёрдамида қайта ишлаш ҳамда тўлиқ хатосиз таҳлил қилишни ўрганишга тўғри келади. Шунинг учун метеорологик станцияларда ва бошқа об ҳавони кузатиш марказларида махсус билимга эга бўлган мутахассислар доимий иш олиб борадилар. Метеорологик тадқиқотлар бошқа мавзули тадқиқотлардан фарқ қилиб маълум белгиланган вақтда албатта кузатув ишларини амлага ошириш зарур бўлади.

Ўзимизга маълумки, ҳурматли талабалар сув бу табиатнинг жуда ҳам нодир унсури ҳисобланади. Сувсиз ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас!

Ер усти сув манбалари асосан иқлимнинг маҳсулоти бўлганлиги сабабли, бу ер намланишига кўра қандай типда эканлигини яна бир эслатиб ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Гидрологик тадқиқот ишларида гидрографик тармоқларга дарёлар, кўллар, суний сув хавзалари, ботқоқликларга умумий тавсифнома берилди, сув манбаларининг ҳудуд табиатдаги роли кўрсатиб ўтилади.

Катта ва кичик дарёлар, қаердан ва қандай бошланади, юқори оқимининг характери, оқимнинг йўналиши ва унинг жойнинг геологик тузилиши ҳамда рельефига боғлиқлиги, дарё турининг қалинлиги, дарё водийларининг ҳолати, чуқурлиги албатта кўриб чиқилиши лозим.

И. Н. Бабушкиннинг “Комплексная полевая практика по физической географии” деган қўлланмасида сув объектларини тавсифлашни қуйидаги методини тавсия этади.

1. Дарёнинг номи, унинг оқимини йўналиши, ирмоқлари қандай ирмоқ?
2. Агар дарё ўргнилаётган худуддан бошланса, манбаи (булоқми, ботқоқми, кўлми?).
3. Дарё қайси йирикроқ дарё хавзасига қарайди?
4. Ўзанининг характери: эгрилиги, тармоқларга бўлиниши, ороллари, саёзликлари, пляж борми, улар доимийми ёки алмашилиб турадими? Ўзанининг кенглиги, дарё туби ва сохилларидаги грунтнинг характери.
5. Сохилда янги ювилган, сурилган участкалар борми? Улар ўзининг қандай масофасида?

6. Дарёнинг сохил ёки ва ўртасидаги чуқурлиги
7. Дарё оқимининг ўртача тезлиги
8. Кам сувлик ва тўла сувлик даврида дарёнинг сув сарфи
9. Кўп ва кам сувлик даврида дарё сувининг лойқалиги
10. Дарё тўйинадиган манбалар, қандай тип устунлик қилади?
11. Дарёларнинг режими, дарё сув юзасининг фаслларга кўра ўзгариши, музлаб ётиши ва муздан ҳоли даври, тўла ва кам сувлик даври.
12. Дарёлардан кемачиликда, ёғоч оқизишда, электэнергия олишда тегирмон, сув омбори сифатида, сув спорти ва бошқа хўжалик эҳтиёжларида фойдаланиш.

Бу юқоридаги методлардан 1,2,3,4 пунктларга талабалар атласдаги ва бошқа картографик асарлардан ўзи ўлчаш йўли билан маълумот топиши мумкин.

Қолган бўлимларни характерлашда фақат географик адабиётлар, гидрологик ежегодниклар ва бевосита дала шароитида тпланган маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотнинг бу бўлимлари дарёларнинг сув режимларини характерловчи график, диаграмма ва карта-чизмалар билан тўлдириш улар билан ишлаш талаб қилинади.

Агар тадқиқ қилинаётган худудда кўллар бўлса, кўлнинг энг асосий табиий хусусиятини характерлаш кифоя, яъни кўлнинг кенглиги, узунлиги, сув юзасининг энг баланд ва энг паст бўлган вақтдаги ҳолати, ўртача чуқурлиги, энг чуқур жойи, сувининг шўрлиги, тиниқлиги, ёз ва қиш ойларидаги ҳарорат, ҳайвонот дунёси, кўлнинг хўжаликдаги аъзо. Ботқоқликларнинг майлдони (агар ботқоқлик бўлса) типи, ўсимликлари ва улардан фойдаланишни баён этиш менимча етарли бўлади.

Ер ости сулари табиий жараёнларда иштирок этиб у сурилма, карст, суффозия жараёнларига сабабчи бўлади. Шу билан бирга дарёлар ва кўлларнинг тўйинишида асосий манбалардан ҳисобланади. Аҳоли ва хўжалик эҳтиёжларини сув билан таоминлайди, тупроқ ва ўсимлик қопламнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга.

Адабиёт манбалари асосида тадқиқотга тайёргарлик даврида талаба энг аввало худуднинг гидрологик шароитларини тўлиқ характерлаши керак. Сўнг сувли қатламлар ва уларнинг ҳолати, қатламларни ташкил этувчи тоғ жинсларининг литологик таркиби, сув ости қатлами ва сув ўтказувчи қатламнинг ёши, сув айиргичлар ва улар ёнбағирларнинг нишаблиги, сув йиғувчи горизонтлар, дарёлар, жарликар, балкалар шахобчалари билан дренаж қилинганми, бу сувли қатламларни

дарё, кўл ва ботқоқликларни сув билан таминлашда иштироки қандай каби масалаларга эътиборни қаратиши лозим бўлади.

Жой гидрогеологик хусусиятларидан бири рельеф элементлари, яъни қаерларда босим остида ва қаерларда сизиб чиқишини, турли горизонтлардаги сувнинг сифати мукамал ёритишини талаб қилинади. Тадқиқ қилинаётган ўлканинг қаеридан қандай чуқурликда қудуқ ва артезиан қудуқлари қазилган, уларнинг ўртасча сув сарфи ва йил фасллари бўйича ўзгаришини тадқиқ қилиш, ер ости суидан халқ хўжалигида тежамли ва унумли фойдаланиляптими йўқми кўрсатиш лозим бўлади.

Гидрологик районларнинг бирини ўзига хос хусусиятлари ва артезиан хавзаларини характерлаш билан бу тадқиқот ишларига хулоса яшаш мумкин.

Мана кўриниб турибдики, талаба гидрологик тадқиқотлар олиб бориш жараёнида ер ости сувларини характерлашда кўпроқ адабиёт манбаларига асосланиши чунки у кузатиш ва текшириш йўли билан маълумот тўплаш олмаслиги мумкин.

Гидрологик тадқиқотлар икки босқичдан иборат бўлади. Биринчисида дарё, ирмоқ, кўл, булоқларнинг морфологик тузилиши атрофлича тадқиқ қилинади. Иккинчи босқичда эса гидрометрик ишларни бажариши лозим. Гидропостларда сув сарфи, сув оқими тезлиги, сув сифими калби ўлчов ишларини олиб бориши керак бўлади. Бундай тадқиқотларни олиб бориш учун гидрологик асбоб ва ускуналар керак, яъни масалан гидрологик вертушка, тиниқликни аниқлайдиган дск, сувни лойқалигини аниқлайдиган шкала ва бошқалар.

Гидрологик тадқиқот ишларидан яна бири бу сув манбаларидан намуналар олиш ва лаборатория шароитида уларни текширишдир. Булардан ташқари сувнинг физик ва кимёвий хусусиятларини аниқлаш ишларини олиб бориш керак.

Гидрологик тадқиқотда дарёларнинг тўйинишига кўра турларига ҳам катта эътибор берилиб ўрганилаётган дарёлар тўйинишига кўрат классицикация қилинади. Яъни дарё қор-музлик-қор, қор, ёмғир, ёмғир-қор, ер ости-ёмғир ёки аралаш ва бошқа манба сувларидан тўйинадиган дарёларга ажратилади.

Тадқиқотлар жараёнида кекса кишилардан сув тошқинлари, музлаш ҳолати, музнинг эриши пайти, кам сувли йиллар ҳақидаги маълумотлар олинса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Абатта хариталар бошқа мавзули хариталардан шартли белгилари билан фарқ қилади. Гидрологик шартли белгиларни сизлар топография фани бўйича ўтказилган амалий машғулотларда албатта кўрансиз. Гидрологик хариталарнинг шартли белгилари асосан ранглар бериш, оқим йўналишлари кўрсаткичлари билан, сув сарфи, сув тезлиги, сувнинг чуқурлигин, гидроиншоотларнинг кенглиги, кемалар қатнайидиган қисми ва бошқалар мукамалликда кўрсатилади. Булардан ташқари булоқлар, қудуқлар, сув кечувлар (брод) ва бошқалар ҳам айниқса топографик хариталарда доимо кўлланиладиган умуман гидрологик хариталарни мазмуни барча сувликлар ҳақида мукамал маълумот беради. Шунинг учун гидрографик катраларнинг аҳамияти халқ хўжалигида муҳим рол ўйнайди.

### **Мавзу буйича янгиликлар:**

Эндиликда метеостанция ҳамда халк хужалиги тармоклари айниқса авиация ва кишлок хужалигини ўзаро алоқаси борасида куп ишлар килинмоқда.

1. Жануби-ғарбий ва Жануби-шаркий Осиёдаги айрим мамалакатлар Антактидаги муз айсбергларни олиб келиб чучуклаштириш режаларини тузмокдалар.(Филлипин, Саудия Арабистони ва бошқалар)
2. Фаргона водийси худудидаги купгина дарёларни сувлари текисликка етиб келганидан сунг ичишга умуман ярамайди.чунки улар ҳаддан ташқари ифлосланиб кетган. Уларни физик, кимёвий таркиби ҳам ўзгарган.

### **Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Гидрография
2. Гидрометрия
3. Гидрогеология
4. Ер ости сувлари
5. Ер усти сувлари
6. Тўйиниш манбалари
7. Гидрологик тадқиқотларнинг икки боқичи
8. Сув намуналари
9. Гидрологик вертушка
10. Сув тошқинлари
11. Сувнинг физик хусусиятлари
12. Сувларнинг кимёвий хусусиятлари
13. Мезоиклим
14. Микроиклим
15. Метеостанция
16. Синоптик маълумотлар
17. Метеорологик майдонча
18. Қуёш радиацияси
19. Ҳароратлар йиғиндиси
20. Маҳаллий вақт
21. Психометр
22. Барограф
23. Анероид
24. Анемометр

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Султонов Ю. Табиий географиядан курс ишлари тематикаси. Т., 1977.
2. Бабушкин И. Н. Комплексная полевая практика по физической географии. Учпедгиз. 1963.
3. Гурский Б. Н. Полевые практики по географическим дисциплинам и геологии. М., 1989.
4. Системные исследования в науках о Земле. М., 1980.
5. Саушкин Г. Ю. Географическая наука в прошлом, настоящем и будущем. М., 1980.
6. Баранский Н. Н. Научные принципы географии. М., 1980.
7. Преображенский В. С. Беседы о современной физической географии. М. Наука, 1972.
8. Науки о земле. М., 1989. № 9.
9. Пашканг К. В. и др. Комплексная полевая практика по физической географии. М., 1986.
10. Шульц В. Л., Машрапов Ўрта Осиё гидрографияси. Т., 1969.
11. Шульц В. Л. Реки Средней Азии. М., 1949.
12. Науки о земле. М., 1989. № 9.
13. Исаченко В. А. и др. Полевые практики по географическим дисциплинам. М., 1980.
14. Жучкова В. А. и др. Природная среда - методы исследования. М., 1982.
15. Бородавченко И. И. и др. Охрана водных ресурсов. М., 1979
16. География сегодня. М., 1984.
17. Куракова Л. И. Современная ландшафты и хозяйственная деятельность. М., 1983.
18. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. Т., 1997.
19. Вендров С. Л. Проблемы преобразования речных систем в СССР. Л., 1979.

<b>9-мавзу.</b>	<b>Тупроқ қопламини тадқиқ қилиш</b>	
<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>		
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	1. Тупроқ қопламини характерлаш (тавсифлаш) 2. Географик ландшафтни (мажмуани) шаклланишида тупроқнинг аҳамияти. 3. Тупроқ қопламини тадқиқ қилиш.	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга тупроқ қопламини тадқиқ қилиш ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тупроқ қопламини тадқиқ қилишни аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Тупроқ қопламини тадқиқ қилишни моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Тупроқ қопламини тадқиқ қилишга тавсиф бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Тупроқ қопламини тадқиқ қилишнинг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Тупроқ қопламини тадқиқ қилишни изоҳлайди.</li> <li>• Тупроқ қопламини тадқиқ қилишга таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (60 мин)	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топширикни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)	2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.
3-босқич Яқуний (10 мин)	3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Тупроқ қопламани тадқиқ қилиш “ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.	3.1. Эшитади, аниқлаштиради.  3.2. Топширикни ёзиб олади.

### Блиц савол

1. Тупроқ қоплами
2. Тупроқ типлари
3. Тупроқларни тадқиқ қилиш
4. Тупроқнинг механик таркиби
5. Тупроқнинг физик таркиби

### Тупроқ қопламини характерлаш

Тупроқ қопламини тадқиқ қилишда ўрганилаётган ҳудуднинг ғовак она жинслари, мезоиклимий, гидрологик, гидрогеологик шароитларига тупроқ ҳосил қиладиган омиллар сифатида баҳо берилиши керак. Шу комплекс омиллар таъсирида вужудга келган зонал тупроқнинг, айнан шу жойга хос хусусиятларини очиқ бериш, сўнг у ёки бу тупроқ ҳосил қилувчи омилнинг устунлик қилиш орқасида ҳосил бўлган тупроқ типлариинг географик тарқалишини тасвирлашга ўтиш лозим.

Ҳар бир тупроқ типи мутлақо ўзига хос шароитда ҳосил бўлади, шнинг учун у горизонтнинг қалинлиги, у ёки бу горизонтнинг яхши ёки хира ифодаланганлиги, ранги, структураси, намлиги ва чириндига бой ёки камбағаллиги каби белгилари билан бошқа тупроқ типларидан ажралиб туради.

Жойдан жойга борган сари характерланаётган ўлканинг рельефи, ўсимлик қопламида ва тупроқ ҳосил қилувчи жинсларда юз берган барча ўзгаришлар тупроқ қопламига ўз таъсирини кўрсатади. Тупроқ қопламини тадқиқ қилиш учун танланган ҳудудлар эса майдон жиҳатидан катта ва ўзига хос комплекс шароитлари бўлган қатор участкаларни ўз ичига олади.

### Географик ландшафтни (мажмуани) шаклланишида тупроқнинг аҳамияти

Географик комплекснинг шаклланишида тупроқнинг аҳамияти жуда ҳам каттадир. Шунинг учун ҳам тупроқ ҳақида гапирилганда албатта тупроқ ландшафтинг ойнаси, ноз-нематлар манбаи дейилади.

Дала шароитида тупроқ қопламини тадқиқ этиш жараёнида фойдаланиладиган асосий асбоб-ускуналар қуйидагилардир: лопата, тупроқ пичоғи, тупроқ бурғуси, намуна учун халта ва қоғозлар, ёрликлар, монолитлар учун яшиқлар, ип, рулетка, йиғма метр, дала лабораторияси, 10 % қотишмали туз кислотаси, Адрионов компаси, анероид ва бошқалар.

### Тупроқ қопламини тадқиқ қилиш

Тупроқ қопламини тадқиқ қилишда ҳар бир тупроқни тавсифлаш унга морфологик жиҳатдан тўлиқ тариф бериш, деҳқончиликнинг қандай соҳаси учун яроқли эканлигини асослаб берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Хеч бўлмаганда тадқиқ қилинаётган ҳудудда тарқалган зонал тупроқнинг асосий типларини географик тарқалишини тасвирлайдиган схематик тупроқ харитасини тадқиқот хисоботига слайд қилинса фойдадан холи бўлмайди.

Тупроқ қопламини тадқиқ қилишда энг асосий ишлардан бири бу тупроқ кесмаларини қилишдир. Тупроқ кесмаларини геологик очиқликларда ҳам, шурфлар ёрдамида ҳам тузиш мумкин. Шурфни қазитиш тартиб-қоидалари қуйидагича:

1. Тупроқ тадқиқ қилинадиган жой таналанади
2. У ер лопата билан кавланади
3. Маълум см дан сўнг ундан намуна ёки монолит олинади
4. Керакли горизонтлардан намуналар олиб бўлингандан сўнг шурф қазилган чуқурдан юқоридан чуқурга томон горизонтларни жойлашиши, тупроқнинг физик ва кимёвий таркиблари тартиб билан ёзиб чиқилади.
5. Тупроқ кесмасини ёзишда махсус саволномалардан фойдаланиш мумкин.

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Тупроқ қопламини характери айтиб беринг?
2. Тупроқнинг аҳамиятини сўзланг?
3. Тупроқ нима учун тадқиқ қилинади?
4. Тупроқ кесмаси қандай чизилади?
5. Асосий тупроқ горизонтларини санаб беринг?
6. Тупроқнинг мелиоратив ҳолати деганда нимани тушунаси?
7. Тупроқнинг механикавий таркиби дала шароитида қандай аниқланади?
8. Тупроқ қопламини деганда нимага тушунаси?

## 9-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Тупроқ қопламини характерлаш (тавсифлаш)
2. Географик ландшафтни (мажмуани) шаклланишида тупроқнинг аҳамияти.
3. Тупроқ қопламини тадқиқ қилиш.

Тупроқ қопламини тадқиқ қилишда ўрганилаётган ҳудуднинг ғовак она жинслари, мезоиклимий, гидрологик, гидрогеологик шароитларига тупроқ ҳосил қиладиган омиллар сифатида баҳо берилиши керак. Шу комплекс омиллар таъсирида вужудга келган зонал тупроқнинг, айнан шу жойга хос хусусиятларини очиқ бериш, сўнг у ёки бу тупроқ ҳосил вқилувчи омилнинг устунлик қилиш орқасида ҳосил бўлган тупроқ типларининг географик тарқалишини тасвирлашга ўтиш лозим. Ҳар бир тупроқ типи мутлақо ўзига хос шароитда ҳосил бўлади, шнинг учун у горизонтнинг қалинлиги, у ёки бу горизонтнинг яхши ёки хира ифодаланганлиги, ранги, структураси, намлиги ва чириндига бой ёки камбағаллиги каби белгилари билан бошқа тупроқ типларидан ажралиб туради.

Жойдан жойга борган сари характерланаётган ўлканинг рельефи, ўсимлик қопламини ва тупроқ ҳосил қилувчи инсларда юз берган барча ўзгаришлар тупроқ қопламига ўз таъсирини кўрсатади. Тупроқ қопламини тадқиқ қилиш учун танланган ҳудудлар эса майдон эҳатида катта ва ўзига хос комплекс шароитлари бўлган қатор участкаларни ўз ичига олади. Бундай хилма-хил шароитларида хилма хил тупроқларнинг тарқалиши табиийдир. Масалан, ўлка микрорелефи ясси пасттекислик бор, унда ер ости сувлари юзага тепиб туради, шу туфайли тупроқ -

гурунт ўта намланган, шўрланиш ҳодисаси бўлиб туради, баозан ботқоқлашиш даражасига бориб қолади, намсевар ўсимлик ўсади, иккинчи участка баландроқ текислик, нишаблиги бор, шунинг учун ер ости суви чуқурда ётади, тупроқ гурунтнинг намланиши етарли эмас, иссиқ фаслда эса намлик мутлақо етарлик бўлмайди, ўсимликлари ксерофитлашган, учинчи участка тепалик ёки кир, унинг тепаси бир ёки бир неча томонга нишаб, намлик узоқ сақланмайди, ёғин-сочин даврида нураган жинсларни ювиб, олиб кетиб турилади ўсимликлари ўзига хос, тўртинчи участка тепаликнинг турли экспозициясидаги ёнбарглар, қуёш нурунинг тушишида, нам ҳаво йўлига рўпара ва тескари туришида, ёғиннинг юза оқими ҳолида оқиб чиқиб кетишида ва тупроқ гурунтнинг наманишида, ниҳоят ўсимлик қопламида тафовутлар кўзга ташланади.

Ана шундай шароитларга мос тупроқ типлари вужудга келишини илмий адабиётлар, картографик маълумотлар ва бошқа манбалардан билиб олиб сўнгра тупроқ қопламини тадқиқ қилишга ўтиш керак.



Тупроқ қопламини тадқиқ қилишда ҳар бир тупроқни тавсифлаш унга морфологик жиҳатдан тўлиқ таъриф бериш, деҳқончиликнинг қандай соҳаси учун яроқли эканлигини асослаб берил мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳеч бўлмаганда тадқиқ қилинаётган ҳудудда тарқалган зонал тупроқнинг асосий типларини географик тарқалишини тасвирлайдиган схематик тупроқ харитасини тадқиқот хисоботига слайд қилинса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Географик комплекснинг шаклланишида тупроқнинг аҳамияти жуда ҳам каттадир. Шунинг учун ҳам тупроқ ҳақида гапирилганда албатта тупроқ ландшафтинг ойнаси, ноз-нематлар манбаи дейилади. Дала шароитида тупроқ қопламини тадқиқ этиш жараёнида фойдаланиладиган асосий асбоб-ускуналар қуйидагилардир: лопата, тупроқ пичоғи, тупроқ бурғуси, намуна учун халта ва қоғлзлар, ёрликлар, моноклитлар учун яшиқлар, ип, рулетка, йигма метр, дала лабораторияси, 10 % қотишмали туз кислотаси, Адрионов компаси, анероид ва бошқалар.

Тупроқ қопламини тадқиқ қилишда энг асосий ишлардан бири бу тупроқ кесмаларини қилишдир. Тупроқ кесмаларини геологик очиклиларда ҳам, шурфлар ёрдамида ҳам тузиш мумкин. Шурфни қазитиб тартиб-қоидалари қуйидагича:

1. Тупроқ тадқиқ қилинадиган жой таналанади
2. У ер лопата билан қавланади
3. Маълум см дан сўнг ундан намуна ёки моноклит олинади
4. Керакли горизонтлардан намуналар олиб бўлингандан сўнг шурф қазилган чуқурдан юқоридан чуқурга томон горизонтларни жойлашиши, тупроқнинг физик ва кимёвий таркиблари тартиб билан ёзиб чиқилади.
5. Тупроқ кесмасини ёзишда махсус саволномалардан фойдаланиш мумкин.

Тупроқ кесмасини ёзиш саволномаси қуйидагича бўлиши мумкин.

Шурфни расми	горизонт индекси	горизонт чуқурлиги ва қалинлиги, см да	Горизонтни ёзиш: намлиги, ранги, механик таркиби, структура, зичлиги, кўшилиши, янги яратилмалар, навбатдаги горизонтга ўтиш характери ва чуқурлиги, ер ости сувлари пайдо бўлиш чуқурлиги ва ботқоқлашиш белгилари, шўрланиш ва бошқа кўринишлари.	намуна олинган чуқурлик, см да
		100 см 200 см 300 см		50-55 см 95-100 см 145-150 см 195-200 см 245-250 см 295-300 см

кўшимча белгилар-----

ювилиш даражаси-----

ўта намланишнинг пайдо бўлиш белгиларини чуқурлиги:-----

вақтинчалик: ----- см

доимий: ----- см

Тупроқнинг механик таркибини далада аниқлаш методи: бунинг чун курук тупроқ олинади ва керакли микдорда намланади бунда унинг таркибида қанча кум ёки бошқа аралашмалар борлиги билинади ва бошқалар. Асосий тупроқ горизонтлари А - чиринди тўпланган қисми, В - чиринди ости қисми, С - тупроқнинг она жинси. Бу тупроқлар горизонтлари бир-биридан ранги, зичлиги, намлиги, ёт жинсларнинг учраши ва бошқалар билан фарқланадилар.

Тупроқнинг мелиоратив ҳолати ўзига хос бўлиб, тадқиқот натижаларидан келиб чиқилиб у тупроқларга қандай ишлов берилиши аниқланади. Умуман тупроқ қопламини тадқиқ қилишда тадқиқотнинг натижаси сифатида тупроқ харитаси чизилади. Тадқиқ қилинган районни тупроқ кесмалари иланади ва буларнинг барчаси шартли белгилар билан ифодаланади. Тупроқ хариталарини махмуни бу тадқиқ қилинган ҳудудни тупроқ қоплами мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш билан тавсифланади.

### Мавзу буйича янгиликлар:

Ўзбекистон республикасида тупроқларни структурасини яхшилаш учун уларни мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Чунки Ўзбекистон

халқининг 60% дан ортиқроқ қисми бевосита қишлоқ хужалиги билан боғлиқ яъни тупроқ билан боғлиқ ишларда фаолият юритади.

**Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Она жинс
2. Зонал тупроқ типлари
3. Микрорельеф
4. Ясси пасттекислик
5. Баландроқ текислик тушунчаси
6. Нураган жинслар
7. Тупроқнинг морфологик жихати
8. Тупроқ бурғуси
9. Монолит
10. Тупроқ кесмаси
11. Шурф
12. Мелиоратив ҳолат

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Султонов Ю. Табиий географиядан курс ишлари тематикаси. Т., 1977.
2. Кимберг Н. В. Почвы пустынной зоны Узбекской ССР. Т., 1955.
3. Горженин К. П. Почвы Южной Сибири. М. 1955.
4. Науки о Земле. М. 1989. № 9.
5. Пашканг К. В. и др. Комплексная полевая практика по физической географии. М., 1986.
6. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. Т., 1997.
7. Мақсудов А. Изменение почвенно-экологических условия Ферганской долины под антропогенным воздействием. Т., 1990.
8. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
9. География сегодня. М., 1984.
10. Куракова Л. И. Современный ландшафты и хозяйственная деятельность. М., 1983.
11. Почвы Узбекской ССР. Т., 1957.

<b>10-мавзу.</b>	<b>Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганиш</b>
<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	

<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	1. Ўсимликлар дунёсини характерлаш 2. Ҳайвонот дунёсини характерлаш 3. Дала шароитида ўсимликларни ўрганиш 4. Дала шароитида ҳайвон турларини ўрганиш
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганиш ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.	
<b>Педагогик вазифалар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганишни аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганилишини тушунтириш</li> <li>• Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганилишига тавсиф бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганилишининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганилишини изоҳлайди.</li> <li>• Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганилишига таъриф беради.</li> </ul>
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
<b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> <b>(10 мин)</b>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

<p><b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>(60 мин)</b></p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади. (1 слайд)</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд)</p> <p>2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд)</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p> <p>2.5. Яна мавзуга оид 1 та слайд талабаларга берилади.</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради.</p> <p>2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p><b>3-босқич</b> <b>Яқуний</b> <b>(10 мин)</b></p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганиш“ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>


### Блиц савол

1. О`симлик қоплами
2. Ҳайвонот дунёси
3. О`симликларни тадқиқ қилиш
4. Ҳайвонларни тадқиқ қилиш
5. Дала шароитида о`симлик ва ҳайвонларни о`рганиш

### Ўсимлик дунёсини ҳарактерлаш

Ўсимликлар дунёсини ўрганиш. Талаба ўсимликлар дунёсини ўрганишга киришидан олдин тадқиқ қилиниши мумкин бўлган ҳудудни ўсимлик қопламини тавсифловчи географик, геоботаник илмий адабиётларни ва атлас ва хариталарларни ўрганиб, зарурий маълумотларни белгилаб олиши лозим, бундай қилиш ҳудуд ўсимлик қоплами ҳақида дастлабки тасаввурларни беради.

Ўзи яшаётган ўлкадан ташқаридаги табиий географик районларни танлаган бўлса, ҳеч шубҳасиз тадқиқот ишлари илмий адабиёт ва атлас, хариталарни ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Умуман ўз ўлкаси ҳудудида тадқиқот ишлари олиб борган вақтда ҳам ўзининг кузатиши ва текшириши жараёнида тўплаган маълумотлар билан адабиёт ва харита материаллари қўшиб олиб борилади. Шунингдек талаба ўсимликлар бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнида қуйи курсларда ёзилган курс ишлари ёки назорат ишларига асосланиши керак.



Ҳайвонот дунёсини ўрганиш: бунда тадқиқотчи асосий эътиборни фауна комплексини тавсифлашга қаратиши, географик ва зоогеографик илмий адабиётлар ҳамда хариташунослик маълумотларига суяниб шу ҳудуднинг сут эмизувчилари, қуруқлик ва сувда яшовчилар, қушлар ва ҳашаротлари ҳақида мукамал маълумот тўплаши керак. Уларнинг географик тарқалишини тушунтириш учун жойнинг рельефи, иқлими, тупроқ, ўсимлик қоплами комплекслари биргаликда ҳосил қилган экологик шароитларни хилма-хиллигини тасвирлаб ўтилиши зарур. Ҳудуд ландшафтида айниқса ҳайвонот дунёси учун зарур ўсимлик қопламидир, шунинг учун ҳам маҳаллий ҳайвонларни тарқалиши ўсимликларнинг оз-кўплигига ва типига боғлиқ.

### Дала шароитида ўсимликларни ўрганиш

Ўсимлик қопламини ўрганишда яна ўсимлик қоплами барча табиат компонентларининг индикатори эканлигига эътибор берилиши лозим. Дала шароитида ўсимликларни ўрганиш пайтида зарур асбоб-ускуналардан фойдаланиш керак бўлади. Тадқиқот жараёнида ўсимликларни ривожланиш босқичлари: ўсиб чиқиш пайтида, ривожланиш хусусияти, гуллаш даври, ҳосилга кириш жараёни. Уйқуга кетиш даврларини, муайян жойда ўсимликларни энг кўп тарқалган турини, ярус бўлиб ўсишини, қопланганлик даражасини, ҳосилдорлигини ва қандай мақсадда ишлатилишини аниқ билиб олиш фойдадан холи бўлмайди.

Ўсимликларни тадқиқ қилиш жараёнида унинг географиясига ҳам эътибор берилиб: намликка, қияликка, экспозицияга, нисбий ва мутлақ баландликларга кўра тарқалишини ҳам ҳисобга олинади.

5-слайд

### Дала шароитида ҳайвон турларини ўрганиш

Ўсимлик ва ҳайвонлар табиатнинг энг ўзгарувчан компоненти ҳисобланади. Бу масала ҳайвонот (ўсимлик) дунёси тўғрисида маълумот тўплаш, тадқиқот ишлари мақсад ва вазифаларида албатта акс этиши керак. Тадқиқотчи ландшафт типиди, урочишчада, фацияда, қандай ҳайвонлар турлари учрашини билиши зарур.

Дала шароитида ҳайвон турларини ўрганишда маҳаллий миллат вакилларида савол-жавоб усулида маълумот тўплашнинг аҳамияти жуда каттадир.

Умуман тадқиқотчи ўрганилаётган ҳудуддаги барча ҳайвонот дунёси турларининг миграцияси, кўпайиш хусусиятлари, умр кўриши, ҳаёт тарзи, муайян экологик шароитда яшайдиган ҳар бир ҳайвонлар турининг хусусиятлари, уларнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги роли ва умуман ҳайвонлар экологияси, куриқхоналар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида мукамал маълумотлар тўплаши лозим ва улар илмий ҳисоботда акс этиши керак.

1. Ўсимлик қоплами қандай ўрганилади?
2. Ҳайвонот дунёси қандай ўрганилади?
3. Ҳайвонлар миграцияси нима?
4. Ўсимликларни яшаш шароити қандай бўлади?
5. Ўсимлик ва ҳайвонот оламини тавсифлашнинг аҳамияти нимада?
6. Ўт-ҳашакли ўтлоқ формацияси қандай тавсифланади?
7. Ўсимлик қоплами табиат комплексини индикатори бўлиши мумкинми?
8. Фауна комплекси қандай тавсифланади?
9. Ҳайвонот олами табиатга энг ўзгарувчан компоненти дейилишига асос борми?
10. Ҳайвонлар миграцияси деганда нимани тушунаси?

## 10-МАВЗУНИНГ МАТНИ

### РЕЖА:

1. Ўсимликлар дунёсини характерлаш
2. Ҳайвонот дунёсини характерлаш
3. Дала шароитида ўсимликларни ўрганиш
4. Дала шароитида ҳайвон турларини ўрганиш

1. Ўсимликлар дунёсини ўрганиш. Талаба ўсимликлар дунёсини ўрганишга киришидан олдин тадқиқ қилиниши мумкин бўлган ҳудудни ўсимлик қопламини тавсифловчи географик, геоботаник илмий адабиётларни ва атлас ва хариталарларни ўрганиб, зарурий маълумотларни белгилаб олиши лозим, бундай қилиш ҳудуд ўсимлик қоплами ҳақида дастлабки тасаввурларни беради.

Ўзи яшаётган ўлкадан ташқаридаги табиий географик районларни танлаган бўлса, ҳеч шубҳасиз тадқиқот илари илмий адабиёт ва атлас, хариталарни ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Умуман ўз ўлкасин ҳудудида тадқиқот ишлари олиб борган вақтда ҳам ўзининг кузатиши ва текшириши жараёнида тўплаган маълумотлар билан ада ва харита материаллари қўшилб олиб борилади. Шунингдек талаба ўсимликлар бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш жараёнида қуйи курсларда ёзилган курс ишлари ёки наъзорат ишларига асосланиши керак.

Дастлаб, у ёки бу зонанинг бир қисми бўлган тадқиқот объектига умумий геоботаник тавсифнома берилади. Бу тавсифномада ҳудуднинг ўсимлик формациясида акс этувчи ўсимликларнинг зоналик хусусиятлари очиқ берилади. Шу билан бирга, маҳаллий тупроқ қоплами тупроқ иқлим шароитлари ва рельеф хусусиятларини ҳисобга олиб, айти ҳудуд учун характерли бўлган ўсимликларнинг ўзига хос томонларини кўрсатиш ва илмий тушунтириб бериш талаб қилинади.

Ўсимликларнинг зонал тарқалишида бўладиган ўзгаришлар асосан одамларнинг хўжалик фаолияти таъсирида бўлади яъни масалан, ўрмон зонасида

дарахтларни кесиб ялангликлар барпо қилиш, дашт ва ўрмон-дашт худудларини экин экиш учун ҳайдаб ташлаш ва бошқалар. Шунинг учун тадқиқ қилинаётган худудда одамнинг хўжалик фаолияти туфайли табиий ўсимлик қоплами қанчалар ўзгариб кетганлигига эътиборни жалб қилмоқ керак.

Талаба ўсимликларни тадқиқ қилиш жараёнида худудда табиий ўсимликларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганиш ва тавсифлашга катта аҳамият бериши лозим. Ўсимлик қопламини тасвирлаш учун зарур бўлган материалларни талаба ўзи ўтказган геоботаник текширишлардан олади. И. Н. Бабушкиннинг “Комплексная полевая практика по физической географии” деган кўлланмасида ўсимлик қопламини тадқиқ қилиш ва ўрганишнинг қуйидаги схемаси таклиф этилади:

1. Тадқиқ қилинаётган участкани географик ўрни, , майдони
2. Юзадаги тоғ жинсларининг литологик таркибини кўрсатилганлиги ҳолда жойнинг рельефини тасвири.
3. Микрорелеф хусусиятлари
4. Намланиш шароитлари
5. Ўсимлик қопламининг умумий ҳолати
6. Тупроқ қопламининг тавсифи
7. Ўсимлик қопламининг яруслилиги
8. Ўсимлик турларини нисбатан кўрсатган ҳолда яруслар бўйича тасвир бериш ва бошқалар.

Ўрмон ўсимликларига тасвир берганда: рмон типи ва дарахт турларига ёш дарахтларнинг борлигига, ўрмон ости буталарининг борлигига, ўт-хашак қоплами ва унинг таркибига, дарахтларнинг узунлиги ва танасининг диаметрига аҳамият бериш керак.

Ўт-хашакли ўтлоқ формациясини тавсифлашда қуйидагиларни қад қилиш зарур: ўтлоқнинг типи, ўт-хашакларнинг баландлиги, тупроқнинг ўсимлик билан қопланганлик даражаси, ўтлоқ ўсимликларнинг турлари.

Ўсимлик типларининг ҳаммаси қанча фитомасса бериши, уларнинг хўжаликдаги аҳамияти, улар орасида доривор ва мевали ўсимликлар алоҳида қайд қилиниши, захираси аниқланиши ҳам аҳамиятлидир. Тадқиқот иши ўсимлик типларини тавфисловчи схематик геоботаник картани чизиш билан яқунланади.

Юқорида айтилганлардан ташқари хурматли талабалар ўсимлик қопламини ўрганишда яна ўсимлик қоплами барча табиат компонентларининг индикатори эканлигига эътибор ерилиши лоимз. Дала шароитида ўсимликларни ўрганиш пайтида зарур асбоб-ускуналардан фойдаланиш керак бўлади. Тадқиқот жараёнида ўсимликларни ривожланиш босқичлари: ўсиб чиқиш пайтида, ривожланиш хусусияти, гуллаш даври, ҳосилга кириш жараёниэ. Уйқуга кетиш даврларини, муайян жойда ўсимликларни энг кўп тарқалган турини, ярус бўлиб ўсишини, қопланганлик даражасини, ҳосилдорлигини ва қандай мақсадда ишлатилишини аниқ билиб олиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ўсимликларни тадқиқ қилиш жараёнида унинг географиясига ҳам эътибор берилиб: намликка, қияликка, экспозицияга, нисбий ва мутлақ баландликларга кўра тарқалишини ҳам ҳисобга олинади.

3. Ҳайвонот дунёсини ўрганиш: бунда тадқиқотчи асосий эътибор фауна комплексини тавсифлашга қаратиши, географик ва зоогеографик илмий адабиётлар ҳамда хариташунослик маълумотларига суяниб шу ҳудуднинг сут эмизувчилари, куруклик ва сувда яшовчилар, қушлар ва ҳашаротлари ҳақида мукамал маълумот тўплаши керак. Уларнинг географик тарқалишини тушунтириш учун жойнинг рельефи, иқлими, тупроқ, ўсимлик қоплами комплекслари биргаликда ҳосил қилган экологик шароитларни хилма-хиллигини тасвирлаб ўтилиши зарур. Ҳудуд ландшафтида айниқса ҳайвонот дунёси учун зарур ўсимлик қопламидир, шунинг учун ҳам маҳаллий ҳайвонларни тарқалиши ўсимликларнинг оз-кўплигига ва типига боғлиқ.

Ўсимлик ва ҳайвонлар табиатнинг энг ўзгарувчан компоненти ҳисобланади. Бу масала ҳайвонот (ўсимлик) дунёси тўғрисида маълумот тўплаш, тадқиқот ишлари мақсад ва вазифаларида албатта акс этиши керак. Тадқиқотчи ландшафт типига, урочишчада, фацияда, қандай ҳайвонлар турлари учрашини билиши зарур.

Дала шароитида ҳайвон турларини ўрганишда маҳаллий миллат вакилларида савол-жавоб методида маълумот тўплашнинг аҳамияти жуда каттадир.

Умуман тадқиқотчи ўрганилаётган ҳудуддаги барча ҳайвонот дунёси турларининг миграцияси, кўпайиш хусусиятлари, умр кўриши, ҳаёт тарзи, муайян экологик шароитда яшайдиган ҳар бир ҳайвонлар турининг хусусиятлари, уларнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги роли ва умуман ҳайвонлар экологияси, куриқхоналар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида мукамал маълумотлар тўплаши лозим ва улар илмий ҳисоботда акс этиши керак.

#### **Мавзу бўйича янгиликлар:**

Ўзбекистон шароитида кўпгина ўсимлик ва ҳайвон турлари интродукция қилинмоқда ва иқлимлаштирилмоқда. Дала шароитидаги тадқиқотларда уларни хусусиятлари атрофлича ўрганилиши лозим.

**Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Ўсимликлар дунёси
2. Ҳайвонот дунёси
3. Ўсимликларнинг зонал тарқалиши
4. Микрорелеф
5. Миграция
6. Ҳайвон турлари
7. Ўсимлик типлари
8. Ландшафт
9. Урочишча
10. Фация

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Университет таълими учун “География” мутахассислиги бўйича ўқув дастури. Т., 1997.
2. Султонов Ю. Табиий географиядан курс ишлари тематикаси. Т., 1977.
3. Арифханова М. М. Растительность Ферганской долины. Т., 1967.
4. Полезные дикорастущие растения Узбекистана. Т., 1968.
5. Пашканг К. В. и др. Комплексная полевая практика по физической географии. М., 1986.
6. Бабушкин И. Н., Когай Н. А. Физико-географическое районирование Узбекской ССР. Т., 1964.
7. Черниковская Е. Учебные экскурсии по географии. М., 1980.
8. Исаченко В. А. и др. Полевые практики по географическим дисциплинам. М., 1980.
9. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
10. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. Т., 1997.
11. Тўхтаев А. Экология. Т., 1998.
12. Ўзбекистон атласи. Т., 1999.

<b>11-мавзу.</b>	<b>Мажмуали табиий географик тақиқот ишлари</b>	
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўрганилаётган ҳудуд ландшафтларини тавсифлаш</li> <li>2. Тақиқот даврида қўлланиладиган асосий методлар</li> <li>3. Ландшафтларнинг морфологик тузилиши.</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга мажмуали табиий географик тақиқот ишлари ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мажмуали табиий географик тақиқот ишларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Мажмуали табиий географик тақиқот ишларини моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Мажмуали табиий географик тақиқот ишларига тавсиф бериш.</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Мажмуали табиий географик тақиқот ишларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Мажмуали табиий географик тақиқот ишларини изоҳлайди.</li> <li>• Мажмуали табиий географик тақиқот ишларига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>талаба</b>

<p>1-босқич. Кириш (10 мин)</p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Мажмуали табиий географик тақиқот ишлари “ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

1-слайд

1. Табиий географик тадқиқотлар
2. Ландшафт тадқиқотлари
3. Ландшафт карталари
4. Табиий худудий мажмуаларни ўрганиш
5. Ландшафт кесмаси

2-слайд


### Ўрганилаётган ҳудуд ландшафтларини тавсифлаш

Ландшафтларни ва ундан юқори бирликдаги табиий географик мажмуаларни регионал хариталар асосида юзага чиқарилганда, урочишча каби ландшафт морфологик структурасини тавсифловчи кичик бирликларга тўхталиб ўтиришга ҳожат қолмайди.

Ўзимизга маълумки, мажмуали табиий географик тадқиқот ишларини олдига қўйган мақсад ва вазифалари бўлади. Шунинг учун бундай йўналишдаги тадқиқотларни бошлашдан олдин тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий услублар ҳақида фикр юритилади. Тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий услубларидан ҳисобланган мажмуали кесмаларни тузиш ва нуқта ёзиш услубларининг моҳияти ўзига хослиги билан бошқа услублардан фарқ қилади.

Ландшафт кесмаси йўналишидаги нуқтани комплекс ёзиш тартиби куйидагича бўлади.

1. Нуқтани географик ўрни
2. Нуқтанинг тартиб рақами
3. Рельефи
4. Геологик тузилиши
5. Намланиш шароити
6. Тупроқ ва ўсимлик қоплами
7. Жойнинг хўжаликда фойдаланилиши ва бошқалар.



### Тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий услублар

Табиий географик тадқиқот услублари бевосита дала шароитида қўлланилади. Жумладан илмий экспедиция, ўқув дала амалиёти, стационар базалар, экскурсия шароитига боғлиқ ҳолда муайян тадқиқот услублари танланади. Дала шароитида алоҳида табиат унсурлари бўйича ва мажмуали ландшафтлар бўйича ҳам маълумотлар тўплаш мумкин.

Табиий географик тадқиқотлар даврида қўйидагиларга катта эътибор бериш лозим:

1. Талабаларга дала маълумотларини тўплаш услуб ва усулларини ўргатиш.

2. Табиий комплексдаги етакчи табиат унсурини аниқлаш ва ҳар бир табиат унсурининг ландшафт ҳолсил қилишдаги хиссасини намоён қилиш.

3. Табиий ҳудудий мажмуаларни ўрганиш жараёнида ландшафтларнинг морфологик қисмларини ажратиш уларга атрофлича таъриф бериш ва муайян ландшафт типларининг шаклланишидаги ролини аниқлаш.

4. Ҳозирги даврда табиий географик тадқиқотларни географик башорат, табиий шароитни баҳолаш, экологик ва табиатни муҳофазаси масалаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

5. Табиат унсурлари ва мажмуаларига табиий ва антропоген кучларнинг таъсирини аниқлаш ва унга қарши кўриладиган чора ва тадбирларни имконият даражасида ишлаб чиқиш.

6. Табиий географик тадқиқот ишларининг якунида муайян ишлар билан боғлиқ бўлган илмий, методик ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар чиқариш ва бошқалар.

### Ландшафтларнинг морфологик тузилиши.

Мажмуали табиий географик тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ландшафтларнинг морфологик тузилишини аниқлаш в уларни харитага утшириш, фация, урочишчаларни ажратиш ва уларга тавсиф бериш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Булардан ташқари тадқиқ қилинаётган ҳудудни экологик ҳолати ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ҳам амалга оширилишини назрадан қочирмаслик лозим бўлади

Мажмуали табиий географик тадқиқот ишларидаги энг асосий масалалардан бири бу ландшафт хариталарини тузишдир. Ўзимизга маълумки, ландшафт хариталарининг шартли белгилари ўзига хослиги билан бошқа шартли белгилардан ажралиб туради.

Махсус ландшафт харитаси қайси мавзуни ифодаляётган бўлса ўша мавзу бўйича белгилар аниқ ва бўрттириб кўрсатилади. Масалан, ўсимликларни тарқалиши бўйича бўлса унда ўсимлик турлари биринчи режага чиқарилади ва ҳоказо. Махсус ландшафт хариталарининг турлари ва уларда ландшафт типларини акс эттириш услублари ва мазмуни тубдан бир-биридан фарқ қилиб бир вақтнинг ўзида бир-бирини тўлдириб боради.

#### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Ландшафтлар қандай тавсифланади?
2. Ландшафтларни морфологик тузилиши қандай бўлади?
3. Ландшафт кесмаси қандай режа асосида ёзилади?
4. Табиий географик тадқиқотларда нималарга эътибор берилади?
5. Илмий экспедициялар методи нима бериши мумкин?

6. Ландшафт хариталари қандай тузилади?
7. Табиий географик тадқиқотларда нималарга эътибор берилиши лозим?
8. Табиий ҳудудий мажмуалар деганда нимани тушунасиш?
9. Мажмуали табиий географик тадқиқотларнинг натижаларидан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин?
10. Мажмуали табиий географик тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

### **13-МАВЗУНИНГ МАТНИ**

#### **РЕЖА:**

1. Ўрганилаётган ҳудуд ландшафтларини тавсифлаш
2. Тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий методлар
3. Ландшафтларнинг морфологик тузилиши.

Ҳар қандай ўрганилаётган ҳудуд доирасида табиат компонентлари бир-бири билан узвий боғланган ва бир-бирига тўхтовсиз таъсир этиб туради, ана шундай ўзаро муносабат жарёнида узок тарихий давр мобайнида комплекс хусусиятлари жихатидани алоҳида-алоҳида бўлган участкалар вужудга келади. Тадқиқотчи тадқиқот ишларини олиш боришдан олдин ўлкага доир монографик ҳарактердаги географик адабиётлар, харитографик асарларни кўриб чиқиши, улардан зарур маълумотларни олиши лозим.

Бундан ташқари ландшафтшунослик ва табиий географик районлаштиришнинг асосий тамойилари ва методлари билан танишган бўлиши керак. Шундай назарий билимларга суяниб тадқиқотчи айни ўлкаларда шаклланган ландшафтларни қайд қилиши, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериши ва ниҳоят шу жой учун мос келадиган районлаштириш схемасига мувофиқ йирикрок табиий-территориал мажмуаларни ажратиш кўрсатиши зарур. Бу ишни бажаришда тадқиқотчи катта қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Чунки, ўрганилиши лозим бўлган ҳудуд тадқиқотчи яшайдиган, билган жойдан узокда бўлиши мумкин. Шунда бўлганидан сўнг енгилрок методни қўллашга тўғри келади. Бу методнинг моҳияти фикримизча қуйидагича бўлади: ўрганилаётган ҳудуднинг геологик, тектоник, геоморфологик ва гипсометрик хариталарида акс эттирилган асосий контурларини калкага тушириш керак, сўнг уларни бир-бири устига қўйиб, мос келадиган контурларни энг устидаги бўш калкада чизиш керак.

Шундай қилинганда бўш калкада, табиат компонентларининг ҳар ҳолда тўрттасининг мос келадиган белгиларини акс эттирган қатор контурлар ва уларнинг чегаралари пайдо бўлади. Ана шу контурларнинг ҳар бири мустақил ландшафт ёки табиий географик район бирлигига мос келиши мумкин. Сўнг шу контурларнинг ҳар бирига мезо ёки микроқлик, ички сувлари, тупрок-ўсимлик қоплами ва ҳайонот днёсига доир маълумотлари сингдириб юборилса, контурдаги ҳудуд мажмуали тасвирга эга бўлади.

Ландшафтларни ва ундан юкори бирликдаги табиий географик мажмуаларни регионал хариталар асосида юзага чиқарилганда, урочишча каби ландшафт морфологик структурасини тавсифловчи кичик бирликларга тўхталиб ўтиришга ҳожат қолмайди.

Ўзимизга маълумки, мажмуали табиий географик тадқиқот ишларини олдига қўйган мақсад ва вазифалари бўлади. Шунинг учун бундай йўналишдаги тадқиқотларни бошлашдан олдин тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий методлар ҳақида фикр юритилади. Тадқиқот даврида қўлланиладиган асосий методларидан ҳисобланган мажмуали кесмаларни тузиш ва нуқта ёзиш методларининг моҳияти ўзига хослиги билан бошқа методлардан фарқ қилади.

Ландшафт кесмаси йўналишидаги нуқтани комплекс ёзиш тартиби қуйидагича бўлади.

1. Нуқтани географик ўрни
2. Нуқтанинг тартиб рақами
3. Рельефи
4. Геологик тузилиши
5. Намланиш шароити
6. Тупроқ ва ўсимлик қоплами
7. Жойнинг хўжаликда фойдаланилиши ва бошқалар.

Мажмуали табиий географик тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ландшафтларнинг морфологик тузилишини аниқлаш в уларни харитага утшириш, фация, урочишчаларни ажратиш ва уларга тавсиф бериш ў асосий масалалардан бири ҳисобланади. Булардан ташқари тадқиқ қилинаётган ҳудудни экологик ҳолати ва табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ҳам амалга оширилишини назрдан қочирмаслик лозим бўлади.

Мажмуали табиий географик тадқиқот ишларидаги энг асосий масалалардан бири бу ландшафт хариталарини тузишдир. Ўзимизга маълумки, ландшафт хариталарининг шартли белгилари ўзига хослиги билан бошқа шартли белгилардан ажралиб туради.

Махсус ландшафт харитаси қайси мавзун и фодалаётган бўлса ўша мавзу бўйича белгилар аниқ ва бўрттириб кўрсатилади. Масалан, ўсимликларни тарқалиши бўйича бўлса унда ўсимлик турлари биринчи режага чиқарилади ва ҳоқаъзо. Махсус андшафт хариталариинг турлари ва уларда ландшафт типларини акс эттириш методлари ва мазмуни тубдан бир-биридан фарқ қилиб бир вақтнинг ўзида бир-бирини тўлдириб боради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, табиий географик тадқиқот методлари бевосита дала шароитида қўлланилади. Жумладан илмий экспедиция, ўқув дала амалиёти, стационар базалар, экскурсия шароитига боғлиқ ҳолда муайян тадқиқот методлари танланади. Дала шароитида алоҳида табиат унсурлари бўйича ва мажмуали ландшафтлар бўйича ҳам маълумотлар тўплаш мумкин.

Табиий географик тадқиқотлар даврида қўйидагиларга катта эътибор бериш лозим:

1. Талабаларга дала маълумотларини тўплаш метод ва методларини ўргатиш.

2. Табиий комплексдаги етакчи табиат унсурини аниқлаш ва ҳар бир табиат унсурининг ландшафт ҳолсил қилишдаги хиссасини намоён қилиш.

3. Табиий ҳудудий мажмуаларни ўрганиш жараёнида ландшафтларнинг морфологик қисмларини ажратиб уларга атрофлича таъриф бериш ва муайян ландшафт типларининг шаклланишидаги ролини аниқлаш.

4. Ҳозирги даврда табиий географик тадқиқотларни географик башорат, табиий шароитни баҳолаш, экологик ва табиатни муҳофазаси масалаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

5. Табиат унсурлари ва мажмуаларига табиий ва антропоген кучларнинг таъсирини аниқлаш ва унга қарши кўриладиган чора ва тадбирларни имконият даражасида ишлаб чиқиш.

6. Табиий географик тадқиқот ишларининг якунида муайян ишлар билан боғлиқ бўлган илмий, методологик ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар яратиш ва бошқалар.

XX асрнинг охириги ўн йилликларига келиб табиатдан фойдаланишнинг барча жабҳаларида табиатга нисбатан жуда катта зарар етказилди. Бу зарарларни ҳисобга олиб уларни экологик ҳолатини яхшилаш учун чора-тадбирлар илаб чиқиш учун бевосита дала шароитида экспедицион тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилмоқда. Чунки чора-тадбирларни илмий асослаш учун бевосита дала шароитида тадқиқот ишлари олиб борилишини зудлик билан зарур қилиб қўймоқда.

#### **Мавзу бўйича янгиликлар:**

Мажмуали табиий географик тадқиқотларда энди табиатдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда жойнинг экологик, геоэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича қилинадиган ишларга катта эътибор берилмоқда.

**Бу мавзудан талаба билиши лозим бўлган таянч иборалар ва тушунчалар:**

1. Ландшафтларни тавсифлаш
2. Монография
3. Табiiй ҳудудий мажмуалар
4. Гипсометрия
5. Тектоник, геологик, геоморфологик тадқиқотлар
6. Морфологик структуралар
7. Регионал хариталар
8. Махсус ландшафт хариталари
9. Табиат унсурлари
- 10 урочишча, фация
12. Ландшафт тадқиқот методлари

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зокиров Ш. С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. Т., 1998.
2. Куракова Л. И. Современная ландшафты и хозяйственная деятельность. М., 1983.
3. Арман Д. Л. Наука о ландшафте. М., 1975.
4. Исаченко А. Г. Развитие географических идей. М., 1979.
5. Исаченко А. Г. Оптимизация природной среды. М., 1980.
6. Мильков Ф. Н. Рукотворные ландшафты. М., 1978.
7. Мильков Ф. Н. Человек и ландшафты. М., 1973.
8. География сегодня. М., 1984.
9. Рафиқов А. А. Геоэкологик муаммолар. Т., 1997.
10. Университет таълими учун “география” мутахассислиги бўйича ўқув дастури. Т., 1997.
11. Николаев В. А. Региональные агроландшафтные исследования. М., 1984.
12. Рябчиков А. М. Структура и динамика геосферы. М., 1972.

<b>12-мавзу.</b>	<b>Иқтисодий ва социал географик тадқиқотлар</b>
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар

<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	1. Умумий масалалар. 2. Умумгеографик методлар. 3. Иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методлар. 4. Бошқа методлар.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга иқтисодий ва социал географик тадқиқотлар ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.	
<b>Педагогик вазифалар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Иқтисодий ва социал географик тадқиқотларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Иқтисодий ва социал географик тадқиқотларини моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Иқтисодий ва социал географик тадқиқотларига тавсиф бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Иқтисодий ва социал географик тадқиқотларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Иқтисодий ва социал географик тадқиқотларни изоҳлайди.</li> <li>• Иқтисодий ва социал географик тадқиқотларига таъриф беради.</li> </ul>
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
<b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> <b>(10 мин)</b>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд)</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд)</p> <p>2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд)</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p> <p>2.5. Яна мавзуга оид 1 та слайд талабаларга берилади.</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради.</p> <p>2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Яқуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Иқтисодий ва социал географик тадқиқотлар“ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

### Блиц савол

1. Иқтисодий география
2. Ижтимоий география
3. Демография
4. Тадқиқот методлар

### Умумий масалалар.

1. Маълумки иқтисодий ва социал география, қолаверса, бутун география фанининг бирламчи тушунчаси райондир. У турли даражада ва йўналишдаги иқтисодий ва социал районлардан ёки мажмуалардан иборат.

2. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг ҳудудий жиҳатини акс эттирувчи бу тушунча фундаментал аҳамиятга эгадир. Зеро ҳудудий меҳнат тақсимоти хўжалик тармоқларининг турлича тарқалиши (тақсимланиши), жойларнинг маълум соҳага ва йўналишга ихтисослашуви, бир жойнинг бошқа жойдан иқтисодий тармоғига кўра фарқланишига олиб келадик, бусиз иқтисодий географиянинг ўзи ҳам бўлмайди.

3. Шунингдек, ижтимоий географияда ИГЎ, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизими каби тушунчалари борки, улар ҳам ушбу фаннинг мазмуни ва моҳиятини тўлароқ ифодалаб беради. Бироқ шуни айтиш ўринлики, ижтимоий географиянинг мавжуд асосий илмий ғоялари кўпроқ унинг анъанавий ва етакчи қисми иқтисодий ёки ишлаб чиқариш географияси доирасида яратилган социал-иқтисодий географияга эса қисман ХМТ, шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни дахлдордир.

4. Географияда айниқса икки ва ундан ортиқ объектларни, ҳодиса ва воқеликни диалектик бирлик, ўзаро алоқадорликда таҳлил этиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу йўсинда геожуфтликлар (геопаралар) тўғрисида сўз юритиш тўғрироқ бўлади. Масалан: тоғ ва текислик, қуруқлик билан сувлик, пастиллик ва баландлик, шаҳар ва қишлоқ қабилар бундай иккиликларга, геожуфтликларга киради.


 Умумгеографик методлар

3-слайд

Ўз навбатида методлар бевосита шу фанга хизмат қилувчи ёки барча фанларга тегишли бўлади. Масалан: география фанининг махсус методлари сифатида картографик, географик таққослаш, районлаштириш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Айни пайтда статистик, циклар усули, иқтисодий географик ўрин кабилар кўпроқ иқтисодий географиянинг ўзига хизмат қилса, қолганлари эса нафақат географияга балки бошқа фанларга ҳам қисман тегишлидир.

Картографик метод. География фанининг муқаддимаси ҳам, хотимаси ҳам карта билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда ўрганилаётган ҳодиса ва воқелик карталар асосида таҳлил қилинади ва тадқиқотнинг ўзи ҳам кўрилаётган муаммоларга таллуқли карталар яратади. Илмий ишнинг картадан бошланиб, карта билан тугаши ана шундан иборатдир. Чунки, ҳудуд объект сифатида кўрилмаса ва уни карта ёки карта-чизмаларда акс эттириш имкони бўлмаса, у ҳолда бундай тадқиқотнинг ўзи ҳам географияга тегишли эмас.

Географик таққослаш (қиёслаш) усули ҳам каттааҳамиятга эга. Умуман икки хил таққослаш мумкин: -тарихий ва географик: биринчисида ўтмишнинг турли даврлари “тик” қиёсланса, иккинчисида ҳудуднинг турли қисмлари таққосланади ва бу ҳамма вақт горизонтал йўналишда бўлади

Энг муҳими-таққослаш тарихда ҳам географияда ҳам асосий ролни бажаради, чунки унинг ёрдамида ўтмишнинг (тарихнинг) ва ҳозирги куннинг (географиянинг) замон ва маконнинг, замин ва замоннинг бетакрор ўзига хос хусусияти очиқ берилади.

Хусусиятсиз эса ушбу фанларнинг ўзи бўлмайди. Масалан: географияда бир жой иккинчи жойдан фарқ қилмаса, улар орасида ҳудудий тафовутлар кўринмаса, ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусияти (“башараси”) аниқланмаса у ҳолда бу ерда географияга ҳам ўрин йўқдир. Балким шу маънода, яъни жойнинг тасвири, ташқи кўринишини ифодалашда французлар “пейзаж”, немислар эса “ландшафт” атамасини қўллаган бўлсалар ажаб эмас. П.П. Семенов-Тяньшанский шунга яқин “жойнинг образи” (шакли, тасвири) тушунчасини ишлатган.

### Иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методлар.

Асосан иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методларга – статистика, ЭИЧЦ, ИГЎ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жумладан:

**Статистика усули\_кўп** учраб турадиган кўрсаткичлар: ўсиш, кўпайиш, процент (фойиз), промилле, индекс, коэффицент, гуруҳлаш ва бошқалар тўғрисида малака ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунингдек бу усул турли ҳил жадваллар, график ёки чизмалар, аҳоли зичлиги, демографик сиғим, ўртача масофа каби кўрсаткичларни аниқлашда кўл келади. Бу борада статистика математика фани билан биргаликда кўлланилади. Бинобарин бу усулни одатда статистика – математика методи ҳам дейишади

**Энергия ишлаб чиқариш цикллари\_**(бундан кейин ЭИЧЦ). Бу назария таниқли рус олими Н.Н.Колосовский (1947 й) томонидан яратилган.

Унинг асл моҳияти – ишлаб чиқаришни технологик жараёни билан биргаликда кўришдадир. Шу боис ушбу ғоянинг иқтисодий географияга тўғридан – тўғри алоқаси йўқ; чунки у ҳудудий борлиқ эмас, технологик жараён бирлигидир ва уни географик картада, ҳудди иқтисодий район ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасидек кўрсатиб бўлмайди. Шу боисдан ЭИЧЦ абстракт – мавҳум таркибий бирлик ёки тушунча ҳисобланади

Ҳудди шу мазмунда И.В.Комарнинг **ресурс цикллари** ҳам маълум аҳамиятга эга. Ушбу ғоя қазиб олинган минерал ёки бошқа ҳом ашёни тўла ва узлуксиз ишлов бериш занжири ва жараёнининг яна табиатга қай холда қайтаришини англатади.

Агрогеография соҳасида рус олими К.И.Ивановнинг **географик конвейр\_ёки циклар** ғоясини ҳам четлаб, ўтиб бўлмайди. Бунда к/х маҳсулот (айниқса сабзавот, қарам, помидор, бодринг, кўкатлар)нинг йил бўйи мамлакатнинг турли районларида навбатма-навбат етиштирилиши ва шу асосда аҳоли эҳтиёжини мунтазам, доимо қондирилиб борилиши назарда тутилади.

## Бошқа методлар.

**Моделлаштириш** – бунда ходиса ва воқелик умумлаштирилиб, маълум бир кўринишда акс эттирилади.

Қурилиш, архитектура ва лойиха – конструктор моделлардан фарқ қилиб **географик моделлар** воқеликнинг айнан ўзини қиёфасини кичирайтирилган кўринишда эмас, балки уни шартли белгилари орқали ифода этади. Масалан: географик карталарнинг барчаси, глобус ва бошқалар.

Иқтисодий ва социал географияда қўлланиладиган **графиклар**нинг тури ҳам ҳар хил.

Улар тўртбурчак, найсимон, варонкасимон, пирамидасимон, конус, ҳалқа, айлана, учбурчак, тик тўғри бурчак, кубик кўринишларда бўлиши мумкин.

Иқтисодий ва социал географияда яна **классификация ва типология усуллари**дан ҳам фойдаланилади. Улар гуруҳлаштиришнинг районлаштиришга ўхшаш айрим шакллари.

Мураккаб объектларни – тармоқ ёки ҳудудий бирликларни таҳлил ва ташҳис этишда, уларни башорат қилишда **тизим – таркиб усули** самарали натижа беради. Бу усул барча фан ва дунёқарашга тегишли бўлиб, у умумийлик билан хусусийлик, бирлик билан кўплик ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Фанимизда, хусусан, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш тарзи, унга турли хил хизмат кўрсатишнинг реал ҳолати, социал ва экологик муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда ҳаққоний баҳолашда **анкета усули**нинг аҳамияти беқиёсдир.

Қўйилган саволларга **респондентлар**нинг жавоблари реал вазиятни ҳолисона баҳолашлари ўзига хос эксперт усулига яқин туради. Бу усул муаммога мутахассис ва мутасадди киўиларнинг тақризчи, экспертларнинг беғараз муносабатларини билдиради. Шу нуқтаи назардан бажарилган курс ишлари ва битирув малакавий ишларнинг, диссертацияларнинг муҳокама этилиши ва ҳимоя қилинишида расмий ва норасмий тақризчилар (оппонентлар) эксперт сифатида қатнашадилар

1. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг умумий масалалари.
2. Умумгеографик методларни моҳиятини тушунтириш.
3. Айнан иқтисодий ва ижтимоий географияга хизмат қилувчи методларни санаб бериш.
4. Бошқа методлар деганда нималар назарда тутилади.

### 12 МАВЗУНИНГ МАТНИ

Режа:

1. Умумий масалалар.
2. Умумгеографик методлар.
3. Иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методлар.
4. Бошқа методлар.

1. Маълумки иқтисодий ва социал география, қолаверса, бутун география фанининг бирламчи тушунчаси райондир. У турли даражада ва йўналишдаги иқтисодий ва социал районлардан ёки мажмуалардан иборат. Бироқ, иқтисодий район ва унга мос келадиган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, кичик миқёсга эга бўлган социал районлардан анча кенгроқ бўлади. Чунки иқтисодий алоқалар кишиларнинг мунтазам ижтимоий муносабатларига нисбатан каттароқ ҳудудда амалга ошади. Бу ўринда социал район ёки муҳит ҳудудий мажмуа сифатида маҳалла, турли хил кишиларнинг жамоаси, муаян касб ёки ёшга мансуб аҳолининг ҳудудий бирлиги (социум) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий меҳнат тақсимотини ҳудудий жиҳатини акс эттирувчи бу тушунча фундаментал аҳамиятга эгадир. Зеро ҳудудий меҳнат тақсимоти (бундан кейин ХМТ) хўжалик тармоқларининг турлича тарқалиши (тақсимланиши), жойларнинг маълум соҳага ва йўналишга ихтисослашуви, бир жойнинг бошқа жойдан иқтисодий тармоғига кўра фарқланишига олиб келадигани, бусиз иқтисодий географиянинг ўзи ҳам бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда ХМТ-ни иқтисодий географик жараён, уни натижасида шаклландириш иқтисодий районлар, уларнинг ўзаро жойланиши ва ҳудудий муносабатларини иқтисодий географик вазият деб аташ мумкин. ХМТ айтиш пайтда социал-иқтисодий маънога ҳам эга. Сабаб- ишлаб чиқаришнинг субъекти, уни амалга оширувчи “эгаси” авваламбор аҳоли, кишилардир. Аҳоли эса том маънода сойиал-иқтисодий тушунчадир.

Шунингдек, ижтимоий географияда ИГЎ, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизими каби тушунчалари борки, улар ҳам ушбу фаннинг мазмуни ва моҳиятини тўлароқ ифодалаб беради. Бироқ шуни айтиш ўринлики, ижтимоий географиянинг мавжуд асосий илмий ғоялари кўпроқ унинг анъанавий ва етакчи қисми иқтисодий ёки ишлаб чиқариш географияси доирасида яратилган социал-иқтисодий географияга эса қисман ХМТ, шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни дахлдордир. Шу билан бирга социал географиянинг бевосита ўзига хизмат қилувчи илмий ғоя ёки қонуниятлар ҳозирча камроқ. Улар социология, психология, демография, этнография каби фанлар билан алоқадорликда

яратилади. Мисол тариқасида бунга швед олими Т.Хегерстранднинг (Лунд мактабининг) вақт, даврий ёки жорий географиясини киритиш мумкин. Албатта бошқа фанлар қатори ижтимоий географиянинг ривожланиши, энг аввало диалектик материализм қонун ва категориялари билан боғлиқ.

Бу ўринда карама-қаршиликлар бирлиги, миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига ўтиши, инкорни инкор қонуни, макон ва замон категорияси ва бошқалар шубҳасиз катта аҳамиятга эга. Аммо барча фанларга хизмат қилувчи бундай қонуниятлар географияда ўзларининг ҳудудий жиҳати билан намоён бўлади.

Географияда айниқса икки ва ундан ортиқ объектларни, ҳодиса ва воқеликни диалектик бирлик, ўзаро алоқадорликда таҳлил этиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу йўсинда геожуфтликлар (геопаралар) тўғрисида сўз юритиш тўғрироқ бўлади. Масалан: тоғ ва текислик, қуруқлик билан сувлик, пастлик ва баландлик, шаҳар ва қишлоқ қабилар бундай иккиликларга, геожуфтликларга киради. Бинобарин, уларни алоҳида-алоҳида ўрганиш маълум манода муқобил томондан ёндашувни тақозо этади. Чунончи тоғ нималигини текисликда “туриб” англаш мумкин ва аксинбча, шаҳарнинг фазилатларини унинг ўзига хос ижобий ва салбий томонларини чуқур ва тўғри англаш учун бир лаҳза бўлсада “қишлоқлик” бўлиб туриш ҳам керак. Ҳудди шундай, қишлоқнинг хусусияти, уларнинг бетакрор жиҳатлари шаҳар “деразасидан” яхши кўзга ташланади ва хокаъзо.

Шундай қилиб қонун ва категория, асосий илмий ғоя ва тушунчалар ҳар бир фан учун зарурдир. Уларни аниқлаш, ўрганиш, қўйилган туб мақсадларга эришиш энг аввало маълум восита ёки йўлларни турли хил методларни талаб этади. Бу ўринда агар тамойилларга (худудийлик, комплекслик, аниқлик (контрастлик) ёки худудийлик+комплекслик=аниқлик: тарихийлик, экологик ёндашув, демоцентризм ёки антропоцентризм) амал қилинса, методлар қўлланилади; тамойил ва метод биргаликда кўзланган мақсадга эришишга кўмак беради, фаннинг ички ривожланиш қонуниятларини унинг тактика ва стратегиясини таъминлайди, ифодалайди.

Ўз навбатида методлар бевосита шу фанга хизмат қилувчи ёки барча фанларга тегишли бўлади. Масалан: география фанининг махсус методлари сифатида картографик, географик таққослаш, районлаштириш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Айни пайтда статистик, цикллар методи, иқтисодий географик ўрин қабилар кўпроқ иқтисодий географиянинг ўзига хизмат қилса, қолганлари эса нафақат географияга балки бошқа фанларга ҳам қисман тегишлидир.

2. Умумгеографик методларга картографик, географик таққослаш, районлаштириш, кузатув ва бошқа методлар киради.

2.1. Карт ографик метод. География фанининг муқаддимаси ҳам, хотимаси ҳам карта билан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда ўрганилаётган ҳодиса ва воқелик карталар асосида таҳлил қилинади ва тадқиқотнинг ўзи ҳам кўрилаётган муаммоларга таллуқли карталар яратади. Илмий ишнинг картадан бошланиб, карта билан тугаши ана шундан иборатдир. Чунки, ҳудуд объект сифатида кўрилмаса ва уни карта ёки карта-чизмаларда акс эттириш имкони бўлмаса, у ҳолда бундай тадқиқотнинг ўзи ҳам географияга тегишли эмас.

2.2. Географик таққослаш (қиёслаш) методи ҳам каттааҳамиятга эга. Умуман икки хил таққослаш мумкин: -тарихий ва географик: биринчисида ўтмишнинг турли даврлари “тик” қиёсланса, иккинчисида ҳудуднинг турли қисмлари таққосланади ва бу ҳамма вақт горизонтал йўналишда бўлади.

Энг муҳими-таққослаш тарихда ҳам географияда ҳам асосий ролни бажаради, чунки унинг ёрдамида ўтмишнинг (тарихнинг) ва ҳозирги куннинг (географиянинг) замон ва маконнинг, замин ва замоннинг бетакрор ўзига хос хусусияти очиб берилади.

Хусусиятсиз эса ушбу фанларнинг ўзи бўлмайди. Масалан: географияда бир жой иккинчи жойдан фарқ қилмаса, улар орасида ҳудудий тафовутлар кўринмаса. ҳар бир жойнинг ўзига хос хусусияти (“башараси”) аниқланмаса у ҳолда бу ерда географияга ҳам ўрин йўқдир. Балким шу маънода, яъни жойнинг тасвири, ташқи кўринишини ифодалашда французлар “пейзаж”, немислар эса “ландшафт” атамасини қўллаган бўлсалар ажаб эмас. П.П. Семенов-Тяньшанский шунга яқин “жойнинг образи” (шакли, тасвири) тушунчасини ишлатган.

Географик таққослаш ҳамма вақт ҳудудий ва икки кўринишда бўлади: **ўхшаш** ва **ноўхшаш** таққослашлар.

Одатда биринчиси анъанавийроқ, яъни бу ерда умумий ҳолатлар, кўлами, вазифа ва моҳияти монанд бўлган объектлар солиштирилади. Иккинчи ҳолда эса таққослашувчи объектлар ўзларининг катта-кичиклиги, вазифаси, моҳияти ва бошқа жиҳатларига кўра бир-бирини тескараси (контрасти) бўлади.

**2.3.** Картографик ва таққослаш методларидан кейин ўз аҳамиятига кўра районлаштириш туради.

Географик район ҳам маълум маънода умумлаштириш, ҳудудий гуруҳлашни билдиради. Район ҳудуднинг маълум бир қисми бўлиб, у ўзининг умумий, ўхшаш белгилари билан қўшиш ёки туташ жойлардан ажралиб туради. Худди шу маънода географик район, маъмурий бошқарув районида (ноҳия, туман) тубдан фарқ қилади ва уларни асло чалкаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам иқтисодий географик районлаштиришни «иқтисодий ноҳиялаштириш» ёки «туманлаштириш» шаклида ўзбек тилига тўғридан-тўғри ўгириш кулгили ва айни пайтда фанни таҳқирлашдир.

Географияда ва шу жумладан ижтимоий географияда районлаштириш методи ҳам етакчи аҳамиятга эга. Зеро районсиз географияни тасаввур қилиб бўлмайди, география фанининг тарихи, сирасини айтганда районлар тарихидир.

Районлаштириш таҳлил этилаётган ҳудудни чуқур ўрганиш, унинг ички хусусиятларини аниқлаш, асл маънода географик билимнинг шаклланишида бош мезондир. Айни пайтда унинг конструктив (амалий) аҳамияти ҳам йўқ эмас; районлаштириш мамлакатнинг илмий асосланган минтақавий сиёсатини олиб бориш ва уни бошқариш учун зарур восита бўлиб хизмат қилади.

**2.4. Кузатув методи** ҳам география учун анъанавий аҳамиятга эга. Чунки географияни асосан бевосита кўриш, кузатиш, жонли мушоҳада юритиш орқали ўрганилса, тарихни кўпинча эшитиш билан ўзлаштирилади. Шунинг учун география факультетларининг ўқув жараёнида дала амалий машғулотларига катта ўрин ажратилиши керак. Бу борада, айниқса регионал ва халқаро сайёҳатлар самарали натижа беради.

3. Асосан иқтисодий ва социал географияга хизмат қилувчи методларга – статистика, ЭИЧЦ, ИГЎ ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жумладан:

**3.1. Статистика методи** кўп учраб турадиган кўрсаткичлар: ўсиш, кўпайиш, процент (фойиз), промилле, индекс, коэффицент, гуруҳлаш ва бошқалар тўғрисида малака ҳосил қилишга ёрдам беради. Шунингдек бу метод турли ҳил жадваллар, график ёки чизмалар, аҳоли зичлиги, демографик сиғим, ўртача масофа каби кўрсаткичларни аниқлашда қўл келади. Бу борада статистика математика фани билан биргаликда қўлланилади. Бинобарин бу методни одатда статистика – математика методи ҳам дейишади

**3.2. Энергия ишлаб чиқариш цикллари** (бундан кейин ЭИЧЦ). Бу назария таниқли рус олими Н.Н.Колосовский (1947 й) томонидан яратилган.

Унинг асл моҳияти – ишлаб чиқаришни технологик жараёни билан биргаликда кўришдадир. Шу боис ушбу ғоянинг иқтисодий географияга тўғридан – тўғри алоқаси йўқ; чунки у ҳудудий борлиқ эмас, технологик жараён бирлигидир ва уни географик картада, худди иқтисодий район ёки ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасидек кўрсатиб бўлмайди. Шу боисдан ЭИЧЦ абстракт – мавҳум таркибий бирлик ёки тушунча ҳисобланади

ЭИЧЦ – бу маълум бир хом ашё ва энергия негизида шаклланган ва асосий ишлаб чиқариш жараёни атрофида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг технологик жихатдан турғун алоқадорликда бўлган муштараклигидир

Мазкур ғоя (метод)нинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, у ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига, чиқиндисизлигига таянади. Бу эса атроф-муҳитни тозалигини сақлаш, экологик муаммоларни олдини олиш ва хом ашё ресурсларидан тўғри, самарали фойдаланишга олиб келади. Н.Н.Колосовский ЭИЧЦ-ни районлар хўжалигини таҳлил ва ташҳис этишда муҳим ва қулай метод сифатида тавсия қилган эди. Дарҳақиқат ушбу метод ҳудуд хўжалик тузилмасининг («занжирининг») нақадар тўлиқлиги, мукамаллигини кўрсатади.

**3.3.** Худди шу мазмунда И.В.Комарнинг **ресурс цикллари** ҳам маълум аҳамиятга эга. Ушбу ғоя қазиб олинган минерал ёки бошқа хом ашёни тўла ва узлуксиз ишлов бериш занжири ва жараёнининг яна табиатга қай холда қайтаришини англатади.

**3.4.** Агрогеография соҳасида рус олими К.И.Ивановнинг **географик конвейр ёки циклар** ғоясини ҳам четлаб, ўтиб бўлмайди. Бунда қ/х маҳсулоти (айниқса сабзавот, карам, помидор, бодринг, кўкатлар)нинг йил бўйи мамлакатнинг турли районларида навбатма-навбат етиштирилиши ва шу асосда аҳоли эҳтиёжини мунтазам, доимо қондирилиб борилиши назарда тутилади.

Географик конвейр ғояси (методи) мамлакат ёки районлар хўжалигини даврий, мавсумий ташкил этилганлиги ва қишлоқ хўжалигини агроиқлимий шароит билан боғлиқ эканлигини ўрганиш, тадқиқ этишда қўл келади.

**3.5.** Шаҳар, район, мамлакат ва бошқа ҳудудий бирликлар хўжалигининг таркиби ва жойлашиши, ривожланиш даражасини ўрганишда уларнинг ИГЎ-ни билиш, таҳлил қилиш ҳам жуда катта мазмунга эга.

ИГЎ – ни алоҳида метод сифатида қўллашда, энг аввало, унинг турли даражали, қисмли ҳам тарихийлигини, вақт давомида ўзгарувчанлигини унутмаслик лозим. Шу билан бирга бу тушунчани авваламбор объектнинг ташки, ўзидан сиртда ётган бошқа географик объектларга нисбатан ўрнашганлигини ва улар билан ўрганилаётган объектнинг ҳудудий иқтисодий алоқа ва муносабатларининг муҳимлигини яна бир бор ўқитиш лозим. Демак, бунда тадқиқ этилаётган объектнинг (шаҳар, вилоят, мамлакат ва ҳ.к) ички тузилиши айни чоғда ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бироқ ИГЎ-нинг хусусияти, унинг давр мобайнида ўзгариб туриши объектнинг ички ҳудудий таркиби, ихтисослашуви ва бошқа жиҳатларига таъсир этмай қолмайди.

Ҳар қандай катта кичик ҳудудий бирликнинг ИГЎ-ни атрофлича таҳлил қилиш, унинг ўтмиши, ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва баҳолашга, истиқболлини белгилашда асос бўлиб хизмат қилади. ИГЎ-ни ўзига хос ўрганиш ва тадқиқот методи сифатида қарашнинг асл, туб моҳияти ҳам ана шундадир.

#### **4. Бошқа методлар:**

**4.1. Моделлаштириш** – бунда ходиса ва воқелик умумлаштирилиб, маълум бир кўринишда акс этирилади.

Қурилиш, архитектура ва лойиҳа – конструктор моделлардан фарқ қилиб географик моделлар воқеликнинг айнан ўзини қиёфасини кичирайтирилган кўринишда эмас, балки уни шартли белгилари орқали ифода этади. Масалан: географик карталарнинг барчаси, глобус ва бошқалар.

**4.2. Иқтисодий ва социал географияда қўлланиладиган графикларнинг тури** ҳам ҳар хил.

Улар тўртбурчак, найсимон, варонкасимон, пирамидасимон, конус, ҳалқа, айлана, учбурчак, тик тўғри бурчак, кубик кўринишларда бўлиши мумкин.

**4.3. Иқтисодий ва социал географияда яна классификация ва типология методларидан ҳам фойдаланилади.** Улар гуруҳлаштиришнинг районлаштиришга ўхшаш айрим шакллари дир.

Масалан: Шаҳарлар классификацияси – йирик – ўрта – кичик типлари – бажарадиган функциясига қараб ажратилади

**4.4. Мураккаб объектларни – тармоқ ёки ҳудудий бирликларни** таҳлил ва ташҳис этишда, уларни башорат қилишда тизим – таркиб методи самарали натижа беради. Бу метод барча фан ва дунёқарашга тегишли бўлиб, у умумийлик билан хусусийлик, бирлик билан кўплик ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Ҳар қандай тизим – таркиб, энг аввало, икки ҳолда, яъни тармоқ ва ҳудудий кўринишда бўлади. Масалан Фарғона иқтисодий районини ўрганиш ҳудудий кўриниш, бу районни ички таффовутларини, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларини ўрганиш тармоқ кўринишини акс эттиради.

Тизим – таркиб таҳлили хўжалик ва уни тармоқларини ҳудудий ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис у мамлакатнинг ҳудудий сиёсатини ишлаб чиқишда ҳам зарур. Аммо тизим тушунчаси шунчки оддий сўз эмас, уни ҳамма вақт ва истаган жойда ишлатиш тўғри бўлавермайди, чунки унинг ўзига хос мезон ва меоёрлари бор.

**4.5.** Тизим таркиб методига мақсадга дастурли ёндашув ёки дастур – мақсад (программно – целевой подход) ёндашув моҳиятан яқин туради.

Илмий тадқиқотларда қўйилган бош мақсад ва уни турли даражада ҳамда мураккабликдаги вазифаларининг таркиб тизими ушбу методга асосланади.

Бунда энг паст, қуйи босқичда ўрин олган вазифани ҳал қилмасдан, ечмасдан туриб навбатдагига ўтиб бўлмайди. Шу боис вазифалар мажмуини бирин кетин пайдарпай ҳал этиш талаб этилади, биринчиснинг ечими иккинчисига иккинчисиники учинчи даражадаги вазифани бажаришга йўл беради ва ҳ.к

**4.6.** Фанимизда, хусусан, аҳолининг яшаш шароити ва турмуш тарзи, унга турли хил хизмат кўрсатишнинг реал ҳолати, социал ва экологик муаммоларни тадқиқ этиш ҳамда ҳаққоний баҳолашда анкета методининг аҳамияти бекиёсдир. Бунинг учун аввал ишнинг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланади ва сўнгра пухта ўйланган савол варақаси ёки саволнома тузилади. Саволлар туркуми ўта қисқа ёки жуда мураккаб ҳам эмаслиги, уларга жавоб берувчилар (респондентлар) учун тушунарли бўлмоғи керак.

**4.7.** Қўйилган саволларга респондентларнинг жавоблари реал вазиятни ҳолисона баҳолашлари ўзига хос эксперт методига яқин туради. Бу метод муаммога мутахассис ва мутасадди киўиларнинг тақризчи, экспертларнинг беғараз муносабатларини билдиради. Шу нуқтаи назардан бажарилган курс ишлари ва битирув малакавий ишларнинг, диссертацияларнинг муҳокама этилиши ва ҳимоя қилинишида расмий ва норасмий тақризчилар (оппонентлар) эксперт сифатида қатнашадилар

Аслида эксперт методи амалиёта фан ва техника ривожланишида, оламшумул ва умумбашарий, муҳим ва долзарб муаммоларни ўрганишда кенг қўлланилади.

**4.8.** Ҳодиса ва воқеликларни башорат қилишда нисбатан осон ва оддийроқ бўлган экстраполяция методи ишлатилади. Бу методда келажак (перспектива) ўтмиш (ретроспектира) ва ҳозирги вазиятдан келиб чиқади. Шу мазмунда уни генетик, тарихий метод деб ҳам юритилади. Экстраполяция методида келажакда ҳам, яқин ўтмишдаги ҳолат, жараён сақланиб қолиниши фараз қилинади.

Шундай қилиб иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларни бажаришда турли хил метод ва воситалардан фойдаланилади. Тадқиқотчидан эса ана шу методларни ўзининг олдига қўйган мақсад ва вазифалари доирасида тўғри ва самарали қўллаш талаб этилади. Фақат биргина методдан фойдаланиш кифоя қилмайди бинобарин, улар биргаликда катта самара беради.

#### **Мавзу бўйича янгиликлар:**

Иқтисодий ва ижтимоий географияда илмий тадқиқотларни савиясини ошириш мақсадида агроэкологик тадқиқотлардан ҳамда илмий ишланмалардан кенг қўламда фойдаланишни назарда тутлади.

#### **Таянч иборалар:**

1. Худудийлик

2. Комплекс

3. Экологик ёндашув
4. Демосентризм
5. Антропоцентризм
6. Иқтисодий географик жараён
7. Картография
8. Географик таққослаш
9. Районлаштириш

10. Кузатув методи
11. Промилле
12. Цикл
13. Агрогеография
14. Респондент
15. Эксперт

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Акрамов З.М. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий географияси ўқув дастури. Тошкент, 1992.
2. Ковальская Н.Я. Методика экономическо-географических исследований. М., 1963.
3. Солиев А.С. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. Т6. 1995.
4. Солиев А.С., Маллабоев т. Иқтисодий ва социал география курсида айрим қонуниятларни ўрганиш методикаси. Т., 1988.
5. Солиев А.С., Маҳмадалиев Р. Иқтисодий география асослари. Т.: 1996.
6. Солиев А.с., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва ақм алий масалалари. Т.: 1999.

<b>13-мавзу.</b>	<b>Аҳолини географик ўганиш. Геоурбанистика</b>	
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	1. Аҳолини географик ўганиш. 2. Геоурбанистика	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистика ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистикани аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистикани мониятини тушунтириш</li> <li>• Аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистикага тавсиф бериш.</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистиканинг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистикани изоҳлайди.</li> <li>• Аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистикага таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба

<p>1-босқич. Кириш (10 мин)</p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Аҳолини географик ўганиш ва геоурбанистика“ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

### Блиц савол

1. Аҳолини географик ўрганиш
2. Геоурбанистика
3. Геодемография
4. Аҳолини о`сиши

### Аҳолини географик ўрганиш.

Иқтисодий ва социал ёки умумжаҳон анъаналарига мос равишда ижтимоий география фани тизимида аҳоли ниҳоятда муҳим ва марказий ринни эгаллайди. У, баъзи олимлар таобири билан айтганда, ушбу фаннинг ички бўлаги, қаноти сифатида хизмат қилади. Шунинг учун иқтисодий ва ижтимоий географияда аҳолига эътибор доимо кучли бўлган ҳатто жаҳон географиясида ҳам вазият деярли шундай: маълумотларга қараганда географияда бажарилаётган жамики илмий ишларнинг чорагидан кўпроғи айнан ана шу аҳоли муаммоларига тўғри келади.

Аҳоли жуда қамрови кенг, мураккаб объект-тизим ҳисобланади. Моҳиятан у тўла маънода социал – иқтисодий категориядир. Аҳоли муаммоларининг турли қирралари билан бир қатор фанлар, шу жумладан демография, этнография, тарих, социология, иқтисод, табиёт ва бошқалар шуғулланади: бу ягона умумий бўлган объектда барча фанларнинг ўзига ҳос алоҳида жиҳатлари, томонлари, фақат уларнигина қизиқтирадиган ва бинобарин, тадқиқот доирасига мос тушадиган қисмлари мавжуд.

Юқоридаги фанлар қаторида аҳолини ўрганишда географиянинг ҳам ўзига ҳос муносиб ўрни бор. Бу ҳисса балки бошқа фанларга нисбатан кўпроқдир. Аҳоли туғилади, ўқийди, ишлайди, уйланади, оилали бўлади, фарзанд кўради, дам олади, даволанади, вафот этади. Унинг аниқроғи – ҳазрати инсоннинг “дунёси” бор, у том маънода яшайди, турмуш шароити ва тарзи, эътиқоди, моллий ва маънавий ҳаёти, ифтиқодига эга



## Геоурбанистика

Геоурбанистика ёхуд шаҳарлар географияси аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари ва умуман иқтисодий ва социал географиянинг энг ривожланган йўналишидир.

Шаҳарлар бошқа иқтисодий географик объектларга қараганда ўзининг яхлит, дарҳол кўзга ташланиб туриши билан фарқланади. Бунинг сабаби – уларнинг ишлаб чиқаришни, ижтимоий-иқтисодий воқеликни ҳудудда географик картада ўзига хос тасвирланишидир. Маълумки, иқтисодий карталарда асосан уч ҳудудий шакл кўрсатилади. Чизиқлар йўлларга мос келса, ареал ёки майдонлар – қишлоқ хўжалик соҳаларига, нуқта ва тушунчалар (тугунчалар) эса саноат марказлари, шаҳарларни акс эттиради.

Бинобарин, айтиш мумкинки, иқтисодий ва социал географиянинг асосий тадқиқот – объекти ана шу учлик, ҳудудий ёки географик геометрия ҳисобланади: уларнинг ҳар бирини ва улар ўртасидаги ҳудудий – иқтисодий муносабатларни таҳлил этиш бу фаннинг туб масаласидир.

Геоурбанистикада шаҳарларнинг катта кичиклиги зичлиги, улар орасидаги масофа, урбанистик ва ҳудудий-урбанистик таркиб ҳам ўрганилади. Шунингдек шаҳар манзилгоҳларининг ҳудудий ташкил этилишидаги мураккаб шакллар – шаҳарлар агломерациялари мамлакат ёки вилоят шаҳарлари географияси доирасида ва шу билан бирга алоҳида тадқиқот объекти даражасида кўрилиши керак.

Урбанистик таркиб деганда шаҳарлар тўри ва таркиби катта шаҳарларнинг мавжудлиги ва мавқеи тушунилади.

Ҳудудий урбанистик таркибда эса мамлакат турли район ва вилоятларининг ҳар ҳил босқичдаги шаҳарлар ва хусусан йирик марказлар билан таъминланганлик даражаси назарда тутилади.

Шаҳарлар ривожланиши урбанизация жараёни билан биргаликда ўрганиб борилади. Шу билан бирга урбанизациянинг ниҳоятда мураккаб ва серқиррали ижобий ва айрим салбий хусусиятларга эга бўлган объектив жараён эканлигини эътиборга олиш зарур.

## Демография ва геодемография

Агар демография аҳолини биосоциал категория сифатида унинг табиий ва миграция ҳаркатларини тадқиқ қилса, география ана шу муаммоларга, энг аввало, макон жиҳатидан, ҳудудий тафовутларни аниқлаш нуқтаи назардан қарайди.

Демографик томонларни ўрганишда икки ҳолатга эътибор қаратмоқ лозим. Гап шундаки бу ерда баъзан геодемография тушунчаси ишлатилса, бошқа ҳолларда демография деб юритилади. Ҳўш қайсиниси тўғри? Аслини олганда иккала тушунча ҳам қўлланишга тўла ҳақли. Аммо уларни ўз ўрнида, мавридида ишлатган мақулроқ.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қўйилган муаммо ечимига қайтайлик. Чунончи, **демография** деганда бирламчи «демо», яъни туб демографик жараёнлар назарда тутилади.

Мазкур тушунчанинг иккинчи қисми эса ана шу жараёнларнинг ҳудудий тафовутлари, фарқланишини англатади.

Масалан, аҳолини туғилиш жараёнини ўрганиш ишнинг асосий мақсади бўлса, у ҳолда бу соҳа тизими шаклида кўринади. Бироқ, ўз-ўзидан маълумки, бу жараён ҳамма жойда ҳам бир ҳил эмас, у ўзининг ҳудудий таркиби ва хусусиятига эгадир. Бинобарин, бу ерда ҳудуд масаласи соҳа, тармоқ тизимига нисбатан иккиламчи, таркиб шаклида намоён бўлади.

**Геодемография** эса кўрилган ҳолатнинг аксидир: бунда улар ўз ўринларини алмаштиришади, яъни ҳудуд тизим, демографик жараён – таркиб вазифасини олади.

Агар биз Фарғона вилояти аҳолисини ўрганмоқчи бўлсак унда содир бўлаётган демографик жараёнларни инобатга олишимиз даркор. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда вилоят аҳолисининг ўсиши ва жойланишига таъсир этувчи табиий ва механик ҳаракатларни таҳлил қилиш талаб қилинади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки **геодемографик** ёндашув маълум босқичда **демографияга** ва аксинча **демогеографик** тадқиқот геодемографик таҳлилга ўтиб туради. Келтирилган мисолимизда Фарғона вилояти туманларида аҳолининг табиий ҳаракатини ўрганиш **геодемографик** тадқиқотнинг **демогеографик** таҳлилга ўзгаришини билдиради.

1. Аҳолини географик ўрганиш.
2. «Население» сўзининг талқини.
3. Демография, геодемография, демогеография.
4. Геоурбанистика
5. Агломерация
6. Урбанистик тартиб.

### 13 Мавзунинг матни

#### Режа:

1. Аҳолини географик ўрганиш.
2. Геоурбанистика

**1.** Иқтисодий ва социал ёки умумжаҳон аноаналарига мос равишда ижтимоий география фани тизимида аҳоли ниҳоятда муҳим ва марказий ринни эгаллайди. У, баъзи олимлар таъбири билан айтганда, ушбу фаннинг ички бўлаги, қаноти сифатида хизмат қилади. Шунинг учун иқтисодий ва ижтимоий географияда аҳолига эътибор доимо кучли бўлган ҳатто жаҳон географиясида ҳам вазият деярли шундай: маълумотларга қараганда географияда бажарилаётган жамики илмий ишларнинг чорагидан кўпроғи айнан ана шу аҳоли муаммоларига тўғри келади. Аҳоли жуда қамрови кенг, мураккаб объект-тизим ҳисобланади. Моҳиятан у тўла маънода социал – иқтисодий категориядир. Аҳоли муаммоларининг турли қирралари билан бир қатор фанлар, шу жумладан демография, этнография, тарих, социология, иқтисод, табиёт ва бошқалар шуғулланади: бу ягона умумий бўлган объектда барча фанларнинг ўзига ҳос алоҳида жиҳатлари, томонлари, фақат уларнигина қизиқтирадиган ва бинобарин, тадқиқот доирасига мос тушадиган қисмлари мавжуд.

Юқоридаги фанлар қаторида аҳолини ўрганишда географиянинг ҳам ўзига ҳос муносиб ўрни бор. Бу ҳисса балки бошқа фанларга нисбатан кўпроқдир. Аҳоли туғилади, ўқийди, ишлайди, уйланади, оилали бўлади, фарзанд кўради, дам олади, даволанади, вафот этади. Унинг аниқроғи – ҳазрати инсоннинг “дунёси” бор, у томаънода яшайди, турмуш шароти ва тарзи, эотиқоди, моддий ва маонавий ҳаёти, урф-одатига эга. Ана шу серқиррали аҳоли билан туташ бўлган муаммоларнинг худудий жиҳатларини география ўрганади. Зеро юқоридаги воқеалар (табиий ва нотабиий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳодисалар) фақатгина қачон ва маълум вақт доирасидагина эмас, балки қаердадир, муайян географик муҳитда, худуд – маконда содир бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, география аҳолини ўрганишда юқорида тилга олинган фанлар натижаларини умумлаштирувчи вазифасини ҳам ўтайди.

Аммо бу ерда ниҳоятда эҳтиёткорлик талаб этилади. Акс ҳолда география қолиб қўшни фанга, қирғоқдан бошқасига ўтиб кетиш ҳавфи бор. Агар ана шу меоёр

ва мезонларга риоя қилишса, турли ҳил фанлар методларидан фойдаланиш туфайли самарали натижаларга эришилади ва бундай тадқиқотларнинг амалий аҳамияти ҳам беқиёс салмоқли бўлади.

Масалан, аҳолининг **иктисодиёт** фани қиррасида ўрганилиши унинг энг аввало, меҳнат фаолиятига устивор эътибор берилишини тақабзо этади. Шунинг учун бу йўналишда асосан меҳнат бозорининг шаклланиши ва улардан фойдаланишининг ҳудудий жиҳатлари тадқиқ қилинади.

Худди шундай, **социология** фани қиррасида аҳолини ўрганишда авваламбор, унинг шахс сифатида шаклланиши, ҳаёт фаолияти, яшаш шароити ва тарзи, касб-ҳунари ва бошқалар маълум ҳудудий бирликлар доирасида таҳлил этилади. Бундай ёндошувни социография ёки социогеография деб аташ ўринли. Бироқ бу тор маънодаги социал географиядир, кенг тарзда эса у, юқорида таокидлаганимиздек, ижтимоий (гуманитар инсон) географияга мувофиқ келади.

Аҳолини ўрганишда география фани айниқса **демография** билан яқин туради.


Агар демография аҳолини биосоциал категория сифатида унинг табиий ва миграция ҳаркатларини тадқиқ қилса, география ана шу муаммоларга, энг аввало, макон жиҳатидан, ҳудудий тафовутларни аниқлаш нуқтаи назардан қарайди.

Демографик томонларни ўрганишда икки ҳолатга эътибор қаратмрқ лозим. Гап шундаки бу ерда баъзан геодемография тушунчаси ишлатилса, бошқа ҳолларда демография деб юритилади. Хўш қайсиниси тўғри? Аслини олганда иккала тушунча ҳам қўлланишга тўла ҳақли. Аммо уларни ўз ўрнида, мавридида ишлатган мақулроқ Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қўйилган муаммо ечимига қайтайлик. Чунончи, **демография** деганда бирламчи «демо», яъни туб демографик жараёнлар назарда тутилади.

Мазкур тушунчанинг иккинчи қисми эса ана шу жараёнларнинг ҳудудий тафовутлари, фарқланишини англатади.

Масалан, аҳолини туғилиш жараёнини ўрганиш ишнинг асосий мақсади бўлса, у ҳолда бу соҳа тизими шаклида кўринади. Бироқ, ўз-ўзидан маълумки, бу жараён ҳамма жойда ҳам бир ҳил эмас, у ўзининг ҳудудий таркиби ва хусусиятига эгадир. Бинобарин, бу ерда ҳудуд масаласи соҳа, тармоқ тизимига нисбатан иккиламчи, таркиб шаклида намоён бўлади.

**Геодемография** эса кўрилган ҳолатнинг аксидир: бунда улар ўз ўринларини алмаштиришади, яъни ҳудуд тизим, демографик жараён – таркиб вазифасини олади.



Агар биз Фарғона вилояти аҳолисини ўрганмоқчи бўлсак унда содир бўлаётган демографик жараёнларни инобатга олишимиз даркор. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда вилоят аҳолисининг ўсиши ва жойланишига таъсир этувчи табиий ва механик ҳаракатларни таҳлил қилиш талаб қилинади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки **геодемографик** ёндашув маълум босқичда **демографияга** ва аксинча **демогеографик** тадқиқот геодемографик таҳлилга ўтиб туради. Келтирилган мисолимизда Фарғона вилояти туманларида аҳолининг табиий ҳаракатини ўрганиш **геодемографик** тадқиқотнинг **демогеографик** таҳлилга ўзгаришини билдиради.

Аҳолини асосан географик жиҳатдан ўрганишда ҳам икки йўналиш мавжуд.

**Биринчисида** – аҳолига унинг ўсиши, ёши ва жинси, миллий таркиби масалаларига кўпроқ эътибор берлса.

**Иккинчисида** – бу жараёнларнинг натижаси аҳоли пунктлари, шаҳар ва қишлоқлар тўри туради. Рус тилида бу ҳолат “расселение” атамаси билан ифодаланadi. Ўзбек тилида ҳозирча унга айнан мос келувчи тушунча йўқ. Турли йирикликдаги шаҳар ва қишлоқлар, уларнинг мураккаб тизимлари аҳолининг ҳудудий ташкил этиш шакллариدير. Унинг ижтимоий ташкил этилишидаги шакллар эса ҳар хил ёш, жинс, миллат, элат, касб-хунарга мансуб кишилар уюшмаси бўлиб, уларга макон жиҳатдан умумийлик шарт эмас.

Шундай қилиб биз юқорида аҳолини ўрганишда демографик жараёнларнинг муҳим ўрин тутишини таъкидладик. Бу ҳусусда иқтисодий масалалар ҳам анчагина аноанавий ҳусусиятга эга бўлса, қолган “кирравий” йўналишлар унча ривожланмаган.

Биз бу ерда аҳолини социология, психология, тиббиёт ва бошқа фанлар билан ҳамкорликда таҳлил этилишини назарда тутмоқдамиз.

Аҳолининг меҳнат ва ҳаёт фаолияти албатта маълум бир табиий ва ижтимоий муҳит доирасида кечади. Бу эса ҳар қандай жамият социал – иқтисодий тузилмасининг ўзагини, асосини ташкил этади, яъни барча ижтимоий, сиёсий – иқтисодий жараёнлар марказида энг аввало табаррук инсон туради.

Ана шу объектив ҳолатни ҳисобга олган тарзда кўпгина ҳорижий мамлакатларда биз учун аноана бўлиб қолган иқтисодий, иқтисодий ва социал география, яъни нотабиий географик фанлар туркуми инсон, гуманитар, ижтимоий география деб юритилади.

Аҳолининг меҳнат ва ҳаёт фаолияти албатта маълум бир табиий ва ижтимоий муҳит доирасида кечади. Бу эса ҳар қандай жамият социал – иқтисодий тузилмасининг ўзагини, асосини ташкил этади, яъни барча ижтимоий, сиёсий – иқтисодий жараёнлар марказида энг аввало табаррук инсон туради.

Ана шу объектив ҳолатни ҳисобга олган тарзда кўпгина ҳорижий мамлакатларда биз учун аноана бўлиб қолган иқтисодий, иқтисодий ва социал география, яъни нотабиий географик фанлар туркуми инсон, гуманитар, ижтимоий география деб юритилади.

Аҳолини географик ўрганиш масалаларида тадқиқотлар даставвал аҳолининг ўсиши ва жойланиш муаммоларининг таҳлил этилишини назарда тутди. Табиийки, аҳоли

сони вақт давомида ўзгариб туради, унда тарихий силжишлар юз берадики уларни географик жиҳатдан изохлаш катта аҳамиятга эга.

Бунинг учун ўрганилаётган ҳудуд аҳолининг яқин ўтмиш давридаги миқдор кўрсаткичлари статистик маълумотлар асосида таҳлил этилади, ўсиш ва кўпайиш суроатлари, унинг ўртача, энг паст ва энг юқори даражалари атрофлича ўрганилади, сабаблари, омил ва жараёнлари илмий жиҳатдан аниқланади. Одатда географик тадқиқотларда аҳолининг ўтмишдаги (ретроспектив) ривожланиш даврини 15-20 йил билан чеклаш кифоя қилади. Айнан шу кўламдаги тарихий давр ҳозирги вазиятни тўғри баҳолаш ва уни тахминан шунча йилга башорат қилиш учун замин яратади.

**Аҳолининг ўсишини** ўрганишда унинг табиий ва механик ҳаракатларига мурожаат қилинади. Шу мақсадда туғилиш, ўлиш, табиий кўпайиш, шунингдек, аҳолини кўчиб юриши миграция жараёнининг миқдори, интенсивлиги, миграция қолдиғи кабилар батафсил таҳлил этилади. Буларнинг натижасида аҳоли кўпайишидаги икки асосий омил – табиий ва механик ҳаракатнинг ўрни, ҳиссаси кўрсатилади. Механик кўпайиш ёки камайишда фақатгина аҳолининг келди – кетдиси эмас, балки ана шу тадқиқот объектининг маъмурий – ҳудудий жиҳатдан ўзгариш оқибатлари ҳам инобатга олинади.

Шу билан бирга табиий ҳаракатни географик ўрганишда умумий демографик кўрсаткичлари таҳлили билан қаноатланган маъқул. Масалан, аҳоли туғилиши, ўлиши ва табиий кўпайишнинг якуний кўрсаткичлари кифоя. Яна болалар (1 ёшгача) ўлими, ўртача умр кўришдаври кабиларни ҳам ҳисобга олиш мумкин.

Аҳоли ўсишини яхши тасвирлаш ва далиллар билан исботлаш учун ҳар хил статистик жадваллар, график ва диаграммалар тузилиши мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки географик тадқиқотларда **аҳолини жойлашув** масалаларига жиддий эътибор берилади.

Географик тадқиқотнинг чуқур ва аниқ бўлиши учун аҳолининг умумий ва ўртача зичлик кўрсаткичлари билан чегараланиб қолиши етарли эмас. Шу боис тадқиқотларда аҳоли зичлигининг ҳудудий тафовутлари, унинг турли реал географик районларда – тоғ ва тоғолди, текислик, воҳа ва водийларда, шаҳар атрофидаги миқдори кўрсатилади, буларнинг сабаб ва қонуниятлари очиб берилади.

Аҳолини географик ўрганишда унинг ёши ва жинсий, миллий таркиблари ҳам таҳлил этилмоғи зарур. Бироқ бу каби демографик ва этнографик масалалар, энг аввало, ҳудудий томондан кўрилиши керак. Шу билан бирга уларни тадқиқ этиш ва тегишли ҳулосалар чиқариш асосан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат ресурслари ва бозорнинг шаклланиши нуқтаи назардан олиб борилгани маоқул. Айни патда турли миллатга мансуб бўлган аҳолининг ҳуодудий таркиби, яъни этногеографик масалаларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Аҳолини жойланиши албатта, маҳсус карта ва графикларда тасвирланиши керак. Аммо, бундай ҳар хил кўринишдаги кўргазма материаллари бир – бирларини такрорламаслиги аксинча, тўлдиришлари мақсадга мувофиқдир.

Географик тадқиқотларда аҳолининг шаҳар ва қишлоқ жойларида тақсимланиши ҳам таҳлил этилмоғи лозим. Бунда аҳолининг неча фойизи шаҳар ва

қишлоқларда истиқомат қилиши (умумий рбанизация даражаси) қиёсий ўрганиш назарда тутилади.

**2. Геоурбанистика.** Геоурбанистика ёхуд шаҳарлар географияси аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари ва умуман иқтисодий ва социал географиянинг энг ривожланган йўналишидир.

Шаҳарлар бошқа иқтисодий географик объектларга қараганда ўзининг яхлит, дарҳол кўзга ташланиб туриши билан фарқланади. Бунинг сабаби – уларнинг ишлаб чиқаришни, ижтимоий-иқтисодий воқеликни худудда географик картада ўзига хос тасвирланишидир. Маълумки, иқтисодий карталарда асосан уч худудий шакл кўрсатилади. Чизиқлар йўлларга мос келса, ареал ёки майдонлар – қишлоқ хўжалик соҳаларига, нуқта ва тушунчалар (тугунчалар) эса саноат марказлари, шаҳарларни акс эттиради.

Бинобарин, айтиш мумкинки, иқтисодий ва социал географиянинг асосий тадқиқот – объекти ана шу учлик, худудий ёки географик геометрия ҳисобланади: уларнинг ҳар бирини ва улар ўртасидаги худудий – иқтисодий муносабатларни таҳлил этиш бу фаннинг туб масаласидир.

### Ёдда тутинг!

1. Шаҳарлар географияси иқтисодий ва социал географиянинг энг «омади юришган» фаол ва етакчи тармоғи саналади.
2. Шаҳарлар жуда ҳам мураккаб мавжудод бўлиб, улар серқиррали вазифаларни бажаради.
3. Шаҳарларнинг қудрати уларда мужасамлашган иқтисодий салоҳият билан белгиланади.
4. Шаҳарлар бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ва умуман бозор муносабатлари шароитида асосий омил бўлиб хизмат қилади.
5. Шаҳарларни ўрганишнинг маданий-маънавий, диний, тарихий жиҳатларини ҳам унутмаслик керак.
6. Ҳар қандай шаҳарлар азалий ва абадий муқаддас жойлардир. (Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқ)
7. Шаҳарларимизнинг хосиятли тупроғи, еру-суви дунёга машҳур алломаларни берган.
8. Шаҳарларнинг муқаддаслиги қадамжойлар ва мозорлар билан боғлиқ бўлган: қабристонлар шаҳарларнинг ўтмиш сирлари тарихини сақлайди, улардаги бозорлар эса юрт ижтимоий ҳаётини «миниатюрада» мужассамлаштиради.

Юқорида келтирилган шаҳарларнинг қисқача таърифи уларни ўрганишнинг ниҳоятда серқиррали, қизиқарли ва айна пайтда маосулиятли эканлигидан далолат беради.

Бу жумбоқ ёки калавада географлар ҳамма вақт ўзига хос ва бетакрор ўринлари билан ажралиб туради: географик тадқиқот учун шаҳарларнинг, энг

аввало, ҳудудий тизим, ҳудудий иқтисодий ва социал мажмуа, динамик, ҳаракатчан воқелиги муҳимдир.

Шаҳарлар мамлакат ва иқтисодий районлар географиясида ўрганилиши билан бир қаторда улар алоҳида тадқиқот объекти бўлиб ҳам ҳизмат қилади.

Шаҳарлар географиясини ўрганишдаги навбатдаги босқич уларни катта – кичиклигига қараб табақалаштириш (классификациялаштириш)дан иборатдир.

Табиики катта ёки кичик шаҳарлар тушунчаси ҳам нисбийдир.

Масалан, Тошкент даражасидан ҳатто азим Самарқанд ёки Наманган ҳам кичик шаҳардир. (Японлар “шаҳар нима?” деган саволга – “шаҳар – бу Токиодир” деб жавоб беришган экан).

### Ёдда тутинг!

Ўзбекистон шаҳарлари катта кичиклигига кўра қуйидагича табақалаштирилган.

1. Аҳолиси 50 минг кишигача бўлган шаҳрлар – кичик
2. Аҳолиси 50-100 минггача бўлган шаҳарлар – ўрта
3. Аҳолиси 100 мингдан зиёд бўлган шаҳарлар – катта
4. 1 млн – дан ортиқ бўлган шаҳарлар – миллионер шаҳар

Шаҳарларни табақалаштириш уларнинг мамлакат шаҳарлар тўри ва тизимида тутган ўрнини мавқеини ифодалайди. Шу маънода “иерархия”, яъни уларнинг босқичли поғонасимон эканлиги ҳақидаги тушунчалар қўлланилади. Н.Н.Баранский шаҳарларни “қумондонлар ҳайоати”, уларнинг ҳам турли бўлинма ёки қўшинларга мос қумондонларни борлигига ўхшатган – туман маркази, вилоят маркази, мамлакат пойтахти шулар жумласидандир.

Шаҳарлар келиб чиқиши ва уларни классификациялаш натижалари махсус статистик жадвал, диаграмма график ва карталарда тасвирланиши шарт.

Шаҳарлар миқдорий даражалари билан бирга улар сифат кўрсаткичлари, бажарадиган вазифалари (функциялари) бўйича ҳам бир-бирига ўхшаш эмаслар. Маълумки жуда кўп шаҳарлар турли мақомдаги маъмурий марказ вазифасини ўтайдилар. Улар орасида кўпчиликни туман марказлари, ундан камроғини – вилоят ва фақат биттаси эса мамлакат маъмурий – сиёсий пойтахт функциясини бажаради.

Хўжалик жиҳатдан ёндошганда жуда кўп шаҳарлар саноат ва транспорт маркази, айримлари дам олиш (рекреация), фан марказлари ҳисобланади.

Шаҳарларнинг бажарадиган вазифаси, ихтисослашувини аниқлашда асосан банд бўлган аҳоли таркиби таҳлил этилади. Шунга кўра саноат, транспорт, фан-техника марказлари ажратилади.

Саноат шаҳарлари ичида кўп тармоқли саноат маркази оғир ёки енгил саноат, “ресурс шаҳарлар” каби функционал типлар белгиланади. Агарда ана шундай

шаҳарлар тоифалари уларнинг катта-кичиклиги, босқичлари билан биргаликда кўрилса, тадқиқот янада чуқур ва самаралироқ бўлади.

Шаҳарларни ўрганишда уларнинг ИГЎ, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шаклларига алоҳида эътибор бериш керак. Шунингдек, шаҳарларни иқтисодий географик ўрганишда уларнинг транспорт, социал, фан ва таълим тизими, маданият, сервис, экологик вазият, аҳолисини ўсиш каби функцияларига эътибор берилиб ўрганилиши лозим.

Геоурбанистикада шаҳарларнинг катта кичиклиги зичлиги, улар орасидаги масофа, урбанистик ва ҳудудий-урбанистик таркиб ҳам ўрганилади. Шунингдек шаҳар манзилгоҳларининг ҳудудий ташкил этилишидаги мураккаб шакллар – шаҳарлар агломерациялари мамлакат ёки вилоят шаҳарлари географияси доирасида ва шу билан бирга алоҳида тадқиқот объекти даражасида кўрилиши керак.

Урбанистик таркиб деганда шаҳарлар тўри ва таркиби катта шаҳарларнинг мавжудлиги ва мавқеи тушунилади.

Ҳудудий урбанистик таркибда эса мамлакат турли район ва вилоятларининг ҳар қил босқичдаги шаҳарлар ва хусусан йирик марказлар билан таоминланганлик даражаси назарда тутилади.

Шаҳарлар ривожланиши урбанизация жараёни билан биргаликда ўрганиб борилади. Шу билан бирга урбанизациянинг ниҳоятда мураккаб ва серқиррали ижобий ва айрим салбий хусусиятларга эга бўлган объектив жараён эканлигини эътиборга олиш зарур.

#### **Мавзу бўйича янгиликлар.**

Демографик жараёнларнинг иқтисодий масалалар билан алоқадорлигини очиб бериш ва буни социология, психология, тиббиёт ва бошқа фанлар соҳаларида аниқлаштириш энг муҳим масала ҳисобланади.

#### **Таянч иборалар ва тушунчалар**

Аҳоли, шахс, халқ, ижтимоий, демография, геодемография, демогеография, гуманитар, ретроспектив, башорат, геоурбанистика, агломерация, динамика, цивилизация, функция.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Солиев А.С, Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Т; 1999 йил
2. Саушкин Ю.Г Экономическая география. История, теория, методика и практика. М; 1973 год.
3. География мирового хозяйство. М; 1999 год
4. Солиев А ва бошқалар. Иқтисодий география курсида айрим қонуниятларни ўрганиш методикаси. Т; 1988 йил
5. Асанов Г.Р. Социал – иқтисодий география. Термин ва тушунчалар изоҳли луғати. Т; 1990
6. Солиев А. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. Т; 1995 йил.

<b>14-мавзу.</b>	<b>Саноат ва агрогеографик тадқиқотлар</b>	
<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>		
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Саноат географияси бўйича тадқиқотлар.</li> <li>2. Агрогеографик тадқиқотлар.</li> <li>3. Агрогеографик тадқиқотларда табиий шароитнинг ўрни</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга саноат ва агрогеографик тадқиқотлар ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Саноат ва агрогеографик тадқиқотларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Саноат ва агрогеографик тадқиқотларини моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Саноат ва агрогеографик тадқиқотларига тавсиф бериш.</li> </ul>	Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Саноат ва агрогеографик тадқиқотларининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Саноат ва агрогеографик тадқиқотларини изоҳлайди.</li> <li>• Саноат ва агрогеографик тадқиқотларига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>талаба</b>

<p>1-босқич. Кириш (10 мин)</p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифни карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Саноат ва агрогеографик тадқиқотлар “ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

### Блиц савол

1. Саноат географияси
2. Қишлоқ хўжалиги географияси
3. Тадқиқотларда социал-иқтисодий омиллар
4. Аҳоли географияси масалалари

### Саноат географияси бўйича тадқиқотлар.

Хар қандай мамлакат иқтисодиётининг салоҳияти, аввало унинг таркибидаги саноат ишлаб чиқаришининг ривожланганлиги билан белгиланади.

Шу сабабли ҳам иқтисодий географик тадқиқотларда саноатни ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Ўз навбатида саноат шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, урбанизация жараёни, транспорт ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилиши ушбу тадқиқот йўналишининг аҳамиятидан дарак беради.

Жамият тараққиёти билан истеъмол буюмлари ва маҳсулотларга бўлган талаб эҳтиёж аста-секин ортиб боради. Натижада қишлоқ хўжалиги – чорвачилик ёки деҳқончилик маҳсулотлари етишмай қолади. Бу аввалари ҳунармандчилик ва касибчиликни кейинчалик эса саноат ишлаб чиқариши ва ундаги кооперация шаклининг дастлабки кўриниши – манфактурага замин ясайди.

Манфактурани ривожланиши ҳозирги замон индустриясига кўчадики бу жамият тараққиётида янги даврга мувофиқ келади. Саноатнинг бундай тарихий, анъанавий ривожланиб бориши асосан тўқимачилик тармоғи негизда амалга ошади. Қолган тармоқлар, жумладан, машинасозлик ва металлургия саноатининг дастлабки шаклланиши кўпроқ ана шу тўқимачилик саноатининг талаблари билан боғлиқ бўлган.

Иқтисодиётнинг соҳаси – қишлоқ хўжалиги ўзига ҳос ривожланиш ва ҳудудий ташкил этиш хусусиятларига эга.

Улар қуйидагилар:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг мавсумийлиги, унинг ривожланиши ва жойланишига энг аввало табиий (агроиқлимий, тупроқ ва бошқ.) шароитларининг кучли таъсир этиши.
2. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг саноатга нисбатан анча пастлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг унча унумли эмаслиги;
3. Мазкур тармоқнинг ҳудудий ташкил этиш шакли картада ареал кўринишида бўлиб, унда ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилиши (саноатда эса бу омил – ҳудуд, корхоналарни жойлаштиришдаги пунктдир ҳолос.);
4. Саноат ишлаб чиқаришда унинг тармоқлари ҳудудий жиҳатдан ташкил этилса, қишлоқ хўжалигида ернинг ўзи турли тармоқлар учун ташкил этилади;
5. Географиянинг тадқиқот обьектлари орасида қишлоқ хўжалигини картага тушириш, карталаштириш имкониятлари жуда кенг. Бинобарин, ушбу соҳа картада саноат ёки шаҳарлар сингари яққол кўзга ташланмасада: уларга кўра – географийроқ ва ҳудудийроқдир.
6. Қишлоқ хўжалигида районлаштириш кўпроқ ҳудудни районлаштириш билан боғлиқ бўлиб, у мамлакат майдонининг деярли барча қисмларини қамраб олади. Шу билан бирга районлаштириш фақат ҳудуд ва қишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳасига ихтисослашувигагина эмас, балки уруғчилик ва мева навларини ўринлаштиришга нисбатан ҳам амалга оширилади (яъни улар жойнинг тупроқ-иқлим, ер-сув ва бошқа шароитларини ҳисобга олиб экилади, ўстирилади);
7. Аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ташкил этилишидаги шакллар, айниқса ҳудудий мужассамлашув ва комбинатлашиш нисбатан кам ривожланган;
8. Мулкчиликнинг турли шакллари кўп укладли иқтисодиёт қишлоқ хўжалигида кенгроқ тарқалган, бу соҳани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш имкониятлари ҳам ўзига ҳос.

### Агрогеографик тадқиқотларда табиий шароитнинг ўрни

1. Табиий шароитлар ичида асосий эътибор агроиклимий, тупроқ, рельеф, сув ва ўсимлик дунёсига қаратилади. Ўз навбатида агроиклимий омиллар доирасида ҳарорат режими ва вегетация даври, ёғин-сочин миқдори ва унинг йил фасллари бўйича тақсимланиши, шамол ва қор қоплами, шунингдек деҳқончилик учун ноқулай бўлган қурғоқчилик, дўл сингари об- ҳаво шароитлари кўриб чиқилади. Шу мақсадда район метеостанцияси маълумотлари ва махсус манбалар ўрганилади. Буларнинг натижасида районнинг турли қисмлари қишлоқ хўжалигининг айнан қайси йўналишлари учун қулай ёки ноқулайлиги аниқланади, районлаштирилади ва картага тушурилади.
2. **Тупроқ** шароитининг таҳлилида унинг типи ва турлари, физик ва кимёвий хусусиятлари кўриб чиқилади, тупроқнинг шўрланиш ва эрозия ҳолатлари эътиборга олинади. Бу борада тупроқ бонитировкаси ва ер кадастри маълумотлари билан танишиш катта натижалар беради.
3. Қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда **рельеф** шароитларининг таъсири сезиларлидир.
4. Ўрта Осиё, жумладан, қуруқ иқлимли Ўзбекистон учун **сув** ресурсларининг аҳамияти беқиёсдир.
5. Маълумки иқтисодий географияда табиий шароит элементларига алоҳида – алоҳида баҳо бериш билан бирга уларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш самарали натижа беради. Бу борада иқлим, рельеф, сув, тупроқ шароитларини биргаликда ўрганиш қишлоқ хўжалик географиясидаги муҳим қонуниятларни билиб олишга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Районни табиий ва социал-иқтисодий шароитлари қишлоқ хўжалигининг тармоқлари ва ҳудудий таркибини ўрганишга замин ясайди. Тармоқлар таҳлилининг эса тадқиқот объекти учун устивор аҳамиятга эга бўлганидан бошلامоқ мақсадга мувофиқдир. Масалан, воҳа ва водийларда деҳқончилик чўл минтақаларида – чорвачилик биринчи навбатда кўриб чиқилиши керак. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалигининг икки бош тармоғи: - **деҳқончилик** ва **чорвачиликнинг** ялпи маҳсулот яратишдаги мавқеи таҳлил қилинади. Шу билан бирга деҳқончилик ва чорвачиликнинг таркибий қисмлари ҳам тавсифланади.

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Саноат географияси.
2. Оғир ва енгил саноат.
3. Инфраструктура нима?
4. Саноатни ҳудудий ташкил этиш.
5. Агросаноат тушунчаси
6. Агрогеографик тадқиқотлар.
7. Қишлоқ хўжалик географиясининг объекти

## 14. МАВЗУНИНГ МАТНИ

### Режа:

1. Саноат географияси бўйича тадқиқотлар.
2. Агрогеографик тадқиқотлар.

**1.** Хар қандай мамлакат иқтисодиётининг салоҳияти, аввало унинг таркибидаги саноат ишлаб чиқаришининг ривожланганлиги билан белгиланади.

Шу сабабли ҳам иқтисодий географик тадқиқотларда саноатли ўрганиш алоҳида ўрин тутди. Ўз навбатида саноат шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, урбанизация жараёни, транспорт ҳамда ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланишида асосий омил бўлиб ҳизмат қилиши ушбу тадқиқот йўналишининг аҳамиятидан дарак беради.

Жамият тараққиёти билан истеомол буюмлари ва маҳсулотларга бўлган талаб эҳтиж аста-секин ортиб боради. Натижада қишлоқ хўжалиги – чорвачилик ёки деҳқончилик маҳсулотлари етишмай қолади. Бу аввалари ҳунармандчилик ва косибчиликни кейинчалик эса саноат ишлаб чиқариши ва ундаги кооперация шаклининг дастлабки кўриниши – манфактурага замин ясайди.

Манфактурани ривожланиши ҳозирги замон индустриясига кўчадики бужамият тараққи ётида янги даврга мувофиқ келади. Саноатнинг бундай тарихий, аноанавий ривожланиб бориши асосан тўқимачилик тармоғи негизида амалга ошади. Қолган тармоқлар, жумладан, машинасозлик ва металлургия саноатининг дастлабки шаклланиши кўпроқ ана шу тўқимачилик саноатининг талаблари билан боғлиқ бўлган.

Республикамизда миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва унинг бозор муносабатларига ўтиш даврида тўқимачилик саноатининг устивор даражада ривожлантирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бунинг қатор сабаблари бор эди: мазкур саноат ишлаб чиқариши жараёни унга мураккаб эмас, унинг шаклланишига катта капитал маблағ сарфланмайди (ишлаб чиқариш фондларининг қиймати нисбатан паст) бундай корхоналар тез қурилади, уларнинг ривожланиши учун хом

ашё ва ишчи кучи барча жойларда мавжуд. Энг муҳими – бунинг учун мамлакатимизда ҳам ашё (пахта ва пилла толаси) бисоёр, меҳнат ресурслари мўл ва ҳалқимизнинг бу ҳусусдаги кўникма ва ишлаб чиқариш малакалари ҳам бой.

Булардан ташқари тўқимачилик саноатининг яна бир ажойиб хусусияти бор: унинг маҳсулоти ҳамма учун, ҳамма вақт керак, уларнинг нархи ҳам анча арзон, шу боис ушбу саноат тармоғининг айланиши, даромад ҳосил қилиш имконияти кенг бўлади.

### **Эслаб қолинг!**

Географияда саноатни ўрганиш асосан икки бир-бирини тўлдирувчи йўналишларда олиб борилади:

Биринчиси – бу тармоқлар йўналиши бўлиб, унда кўпроқ соф иқтисодий масалаларга аҳамият қаратилади ва тармоқларнинг таҳлили уларнинг ҳудудий ташкил этилишини ёритилиши билан уйғунлаштирилади. Демак бу ерда тадқиқот «тармоқ-худуд» тартибида амалга оширилади.

Иккинчиси – иқтисодий география ва айниқса, унинг район йўналишига мос тушадиган ҳудудлар доирасида амалга оширилишидир. Бу ерда геотизим олдинги ўринда туради ва илмий тадқиқот «худуд-тармоқ» йўсинида олиб борилади.

Бирор ҳудуд саноатини ўрганиш аввало бу вилоят ёки районнинг ИГЎ, мамлакат саноат ишлаб чиқариши ва миллий иқтисодиётда тутган мавқеини кўрсатишдан бошланади. Тадқиқот объекти мамлакат меҳнат тақсимоотида саноатнинг қайси тармоқларига ихтисослашганлиги айтиб ўтилади.

Албатта саноат ишлаб чиқариши учун минерал хом ашё сифатида турли хил конлар ва уларнинг ҳудудий брикмалари етакчи аҳамиятга эга. Бироқ, шу билан бирга, ҳудуднинг бошқа табиий шароитларига ҳам бироз бўлсада эътиборни қаратмоқ зарар келтирмайди. Шу жиҳатдан тадқиқотда ер усити тузилишининг рельефига ҳам баҳо берилиши керак.

### **Қуйидагиларга эътибор беринг!**

1. Тадқиқотда социал-иқтисодий омиллар – бу ерда, энг аввало, аҳоли ва меҳнат ресурслари кўриб чиқилади.
2. Аҳоли географияси масалалари саноат ишлаб чиқариш ва уни ҳудудий ташкил этиш мақсадлари билан уйғунлаштирилади.
3. Саноатни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш омиллари орасида транспорт ва бошқа инфрасктура элементларининг таъсири катта.
4. Районнинг географик ўрни, унинг табиий ресурслари ҳамда социал-иқтисодий шароитлари ўрганилгандан сўнг, саноат тармоқларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихий жараёни қисқача кўриб чиқилади.
5. Тарихий таҳлилда районнинг асосий саноат тармоқлари ва унинг етакчи корхоналари қачон ва нима учун айнан шу жойда ўрнашганлиги изоҳлаб берилади.
6. Саноатнинг ҳозирги ҳолати унинг тармоқлар таркиби алоҳида таҳлил этилади. Бу ерда саноат тармоғининг фаол ёки фаол эмаслик даражасини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Саноат ишлаб чиқаришдаги турли тармоқлар, уларнинг технологик занжири бамисоли кўп қаватли бинодек қад кўтарса, хом ашё қазиб олиниб, у тайёр маҳсулот даражасигача қайта ишланса, шубҳасиз, бундай ҳудуднинг саноат мажмуи юксак ва ривожланган ҳисобланади.

Чунончи, енгил саноатда сифатли газламалар ва кийимлар ишлаб чиқариш, машинасозликда прибор, радио, телевизор, ҳисоблаш машиналари, компютер, видеотехника ва бошқа замонавий маҳсулотларни яратиш саноат риволанишининг асосий кўрсаткичларидир.

Бозор муносабатларига ўтиш ва унинг шароитида саноат корхонларининг катта – кичиклиги, мужассамлашув даражасига кўра таҳлил қилиниши ҳамда уларни мулкчиликнинг турли шакллари давлат ва нодавлат секторлари бўйича тақсимланишини ўрганиш катта мазмун касб этади. Айниқса кичик ва қўшма корхоналар, хусусийлаштириш жараёнларини ёритиш ва баҳолаш муҳимдир.

### **Ёдда тутинг!**

Тадқиқот давомида саноат корхоналари уч асосий кўрсаткич бўйича гуруҳлаштирилади:

1. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш фондлари.
2. Ишлаб чиқариш фондлари
3. Саноатда банд бўлган ходимлар сони.

Саноат тармоқларининг таърифини тадқиқот объекти учун устивор аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бошламоқ зарур. Индустрия тармоқлари географиясида уларни жойлаштириш омиллари таҳлиliga алоҳида урғу берилади.

Саноат ишлаб чиқариш географияси том маънода унинг ҳудудий таркиби ва тузилмасидир.

Саноатнинг ҳудудий тизими унинг жойлаштирилишини натижасидир. Ҳудудий таҳлилда саноатнинг урбанистик таркибига алоҳида эътибор берилади. Сабаби – саноатнинг ҳудудий таркиби бу энг аввало унинг турли йирикликдаги шаҳарларда мужассамлашуви демакдир.

Ҳар қандай географик тадқиқотда бўлганидек саноат географиясини ўрганиш ҳам уни районлаштириш саноатда шакллланган ишлаб чиқариш мажмуалари – саноат тугуни ва саноат агломерацияларининг таҳлили билан яқунланади.

Бу ерда саноат районлаштирилиши икки йўналишда олиб борилади:

1. Унинг оддий ҳудудий (маъмурий) таркиби бўлса;
2. Саноат тармоқлари ва уларнинг брикмаларини мавжуд ҳудудий ташкил этилиш шакллари бўйича районлаштиришдир.

Индустриал районлар ичида саноат тугун ва мажмуалари ажратилди. Улар кўпроқ шаҳар агломерацияларига ҳудудий жиҳатдан мувофиқ келади.

#### Ёдда тутинг!

Саноат географиясида унинг йирик марказларига алоҳида таъриф бериш талаб этилади. Сир эмаски, барча шаҳарлар энг аввало саноат марказларидир. Бинобарин, уларни умуман саноат нуқтаи назардан эмас, балки муайян саноат тармоқлари бўйича тавсифлаш лозим. Масалан, Ангрэн, Олмалик, Марғилон, Наманган, Асака бошқа шаҳарлар саноат маркази ҳисобланади. Бироқ бундай баҳолаш илмий тадқиқотни тўла қаноатлантирмайди. Шунинг учун уларни муайян саноат тармоғи бўйича таърифлаш маъқул: Ангрэнни ёқилғи (кўмир), Асакани машинасозлик (автомобилсозлик) саноатининг маркази сифатида кўрсатиш тўғрироқдир.

Саноат ривожланиши ва жойланишини географик ўрганиш ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни илмий асослаш билан тўлдирилади.

#### 2. Агрогеографик тадқиқотлар.

#### Ёдда тутинг!

Қишлоқ хўжалиги жамият ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг дастлабки шаклларидадир. Қишлоқ хўжалигини ўрганиш иқтисодий географиянинг тўнғич йўналишидир.

Иқтисодиётнинг соҳаси – қишлоқ хўжалиги ўзига ҳос ривожланиш ва ҳудудий ташкил этиш хусусиятларига эга.

Улар қуйидагилар:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг мавсумийлиги, унинг ривожланиши ва жойланишига энг аввало табиий (агроиклимий, тупроқ ва бошқ.) шароитларининг кучли таъсир этиши.
2. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг саноатга нисбатан анча пастлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг унча унумли эмаслиги;
3. Мазкур тармоқнинг ҳудудий ташкил этиш шакли картада ареал кўринишида бўлиб, унда ер асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилиши (саноатда эса бу омил – ҳудуд, корхоналарни жойлаштиришдаги пунктдир ҳолос.);
4. Саноат ишлаб чиқаришда унинг тармоқлари ҳудудий жиҳатдан ташкил этилса, қишлоқ хўжалигида ернинг ўзи турли тармоқлар учун ташкил этилади;
5. Географиянинг тадқиқот объектлари орасида қишлоқ хўжалигини картага тушириш, карталаштириш имкониятлари жуда кенг. Бинобарин, ушбу соҳа картада саноат ёки шаҳарлар сингари яққол кўзга ташланмасада: уларга кўра – географийроқ ва ҳудудийроқдир.
6. Қишлоқ хўжалигида районлаштириш кўпроқ ҳудудни районлаштириш билан боғлиқ бўлиб, у мамлакат майдонининг деярли барча қисмларини камраб олади. Шу билан бирга районлаштириш фақат ҳудуд ва қишлоқ хўжалигининг у ёки бу соҳасига ихтисослашувигагина эмас, балки уруғчилик ва мева навларини ўринлаштиришга нисбатан ҳам амалга оширилади (яъни улар жойнинг тупроқ-иклим, ер-сув ва бошқа шароитларини ҳисобга олиб экилади, ўстирилади);
7. Аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ташкил этилишидаги шакллар, айниқса ҳудудий мужассамлашув ва комбинатлаш нисбатан кам ривожланган;
8. Мулкчиликнинг турли шакллари кўп укладли иқтисодиёт қишлоқ хўжалигида кенгроқ тарқалган, бу соҳани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш имкониятлари ҳам ўзига хос.

### **Ёдда тутинг!**

Юқорида келтирилган қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва жойлаштиришидаги хусусиятлар уни иқтисодий географик жиҳатдан ўрганишнинг асосий томонларини белгилаб беради.

Агрогеографик тадқиқотлар мавзуси ҳам саноат географиясидаги каби жуда кенг ва турли туман. Масалан, алоҳида қишлоқ хўжалиги тармоқларидан ташқари ер фонди, ундан фойдаланиш, суғориш географияси, табиий шароитларга жумладан, агроиклимий ва тупроқ омилларига иқтисодий баҳо бериш, қишлоқ хўжалигини экинларини жойлаштириш ва экологик муаммолар, ниҳоят юқоридаги барча йўналишларни ўз қамровида мужассамлаштирувчи районлар (вилоят ёки мамлакат) қишлоқ хўжалигининг иқтисодий географик тавсифи каби мавзулар ушбу йўналишдаги тадқиқотлар тоифасига киради.

Шунингдек мамлакатимиз иқтисодиёти учун ниҳоятда муҳим бўлган дон (ғалла) мустақиллигининг географик жиҳатларини ўрганиш,

пахтачилик, қоракўлчиликка ўхшаш етакчи тармоқларни тадқиқ қилиш ҳам долзарб муаммолардандир.

Районлар йўналишидаги тадқиқотларда эса асосий эътиборни айнан шу ҳудуд учун анонавий ва унга ҳос бўлган соҳаларни таҳлил этиш қизиқарли натижалар беради.

### **Эслаб қолишга ҳаракат қилинг?**

1. Табиий шароитлар ичида асосий эътибор агроиклимий, тупроқ, рельеф, сув ва ўсимлик дунёсига қаратилади. Ўз навбатида агроиклимий омиллар доирасида харорат режими ва вегетация даври, ёғин-сочин миқдори ва унинг йил фасллари бўйича тақсимланиши, шамол ва қор қоплами, шунингдек деҳқончилик учун ноқулай бўлган қурғоқчилик, дўл сингари об ҳаво шароитлари кўриб чиқилади. Шу мақсадда район метеостанцияси маълумотлари ва махсус манбалар ўрганилади. Буларнинг натижасида районнинг турли қисмлари қишлоқ хўжалигининг айнан қайси йўналишлари учун қулай ёки ноқулайлиги аниқланади, районлаштирилади ва картага тушурилади.
2. **Тупроқ** шароитининг таҳлилида унинг типи ва турлари, физик ва кимёвий хусусиятлари кўриб чиқилади, тупроқнинг шўрланиш ва эрозия ҳолатлари эътиборга олинади. Бу борада тупроқ бонитировкаси ва ер кадастри маълумотлари билан танишиш катта натижалар беради.
3. Қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда **рельеф** шароитларининг таъсири сезиларлидир.
4. Ўрта Осиё, жумладан, қуруқ иқлимли Ўзбекистон учун **сув** ресурсларининг аҳамияти бекиёсдир.
5. Маълумки иқтисодий географияда табиий шароит элементларига алоҳида – алоҳида баҳо бериш билан бирга уларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш самарали уларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш самарали натижа беради. Бу борада иқлим, рельеф, сув, тупроқ натижа беради. Бу борада иқлим, рельеф, сув, тупроқ шароитларини биргаликда ўрганиш қишлоқ хўжалик географиясидаги муҳим қонуниятларни билиб олишга илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Район табиий ва социал-иқтисодий шароитлари қишлоқ хўжалигининг тармоқлари ва ҳудудий таркибини ўрганишга замин ясайди. Тармоқлар таҳлилининг эса тадқиқот объекти учун устивор аҳамиятга эга бўлганидан бошلامоқ мақсадга мувофиқдир. Масалан, воҳа ва водийларда деҳқончилик чўл минтақаларида – чорвачилик биринчи навбатда кўриб чиқилиши керак. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалигининг икки бош тармоғи: - **деҳқончилик** ва **чорвачиликнинг** ялпи маҳсулот яратишдаги мавқеи таҳлил қилинади. Шу билан бирга деҳқончилик ва чорвачиликнинг таркибий қисмлари ҳам тавсифланади.

### **Эслаб қолинг!**

Вилоят иқтисодий район ёки мамлакат қишлоқ хўжалигини географик ўрганишнинг кейинги қисми унинг ҳудудий таркибини тадқиқ қилишдан иборатдир.

Айни пайтда қишлоқ хўжалигини районлаштирилиши табиий шароит ва унинг фарқланиши билан белгиланади. Бинобарин, бундай ҳудудий районлар табиий-хўжалик районлари дейилади.

Шу билан бирга тадқиқотчи қишлоқ районлари таркибининг истиқболдаги ўзгариши ҳам олдиндан аниқлай олиши керак.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш қонуниятларининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ёки бозор муносабатлари шароитидаги хусусиятларини англаб олиш ҳам зарурдир.

### Ёдда тутинг!

Эркин бозор муносабатлари шароитида таклиф ишлаб чиқаришга кўра талаб – эҳтиёжнинг аҳамияти ошади. Шу боис қаерда қандай қишлоқ хўжалик маъсулотини етиштиришни **бозор белгилайди**. Демак, ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви маҳаллий ва жаҳон бозори ҳамда нарх – наво сиёсати билан аниқланади.

Тадқиқот ишини бажаришда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг турли муаммоларини ҳам ўрганиш керак. Масалан, ер – сув ва бошқа имкониятлардан тўғри ҳамда самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви ва уни ҳудудий таркибини такомиллаштириш, пахта якка хоқимлигига барҳам бериш эвазига дон мустақиллигига эришиш, чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, деҳқон – фермер хўжалиги ва тадбиркорликни (агробизнесни) ривожлантириш шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигида кўп укладли (қатламли) иқтисодиётни, мулкчиликнинг турли шаклларини кенг жорий қилиш бу соҳада зарур ислохотларни чуқурлаштириш ва уларни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш, эркин рақобат муҳитини яратиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

### **Эслаб қолинг!**

Таъкидлаш лозимки, саноатга нисбатан қишлоқ ҳиҷжалигида хорижий сармояларни жалб этиш имкониятлари бир оз чекланган.

Яна бир муҳим муаммо – қишлоқ жойлар экологиясини яхшилашдир.

Шундай қилиб **қишлоқ хўжалиги** иқтисодий географиясининг ҳақиқий ва ҳаққоний объекти ҳисобланади. Бунинг боиси ернинг (худуд ёки майдоннинг) ишлаб чиқариш воситаси сифатида хизмат қилишидир.

Шунингдек ишлаб чиқариш инфраструктурасининг бошқа элементлари ҳам тадқиқ ва таҳлил қилиши керак.

Аммо бу ерда инфраструктуранинг муҳим бир хусусиятини унутмаслик лозим. Бу ҳам бўлса унинг бевосита моддий ва маонавий бойлик яратмаслиги ва шу боис алоҳида халқ хўжалиги тармоғи эмаслигидир.

Инфраструктура ишлаб чиқариш жараёнига билвосита таъсир кўрсатади ва у бунинг учун энг аввало шароит яратади.

#### **Мавзу бўйича янгиликлар:**

Инфраструктура географияси – ҳали ўрганилмаган “қуриқ” соҳа ҳисобланади. Шунинг учун бу йўналишда ҳам тадқиқотлар ўтказиш қизиқарли ва айни пайтда катта амалий аҳамиятга эга. Жумладан, ҳозирги кунда илму-фан, бозор муносабатлари инфраструктурасини ўрганиш маркетинг географияси, молия-банк кредит тузилмасини таҳлил қилиш ва уларни ҳам махсус картага тушириш муҳим масалалардандир.

#### **Таянч иборалар.**

Саноат, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, ресурс, хом ашё, тармоқ, ялпи маҳсулот, индустрия, ихтисослашув, агросаноат, агрогеография, самарадорлик, кредит,инфраструктура, молия-банк.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Алаев Э.Б Социально – экономическая география. Понятийно терминологический словарь. М., 1983
2. Баранский П.К. Экономическая география, экономическая картография. М. 1956 г
3. Манак Б.А. Методика экономико-географических исследований. М. 1993 г.
4. Солиев А.С, Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Т; 1999 йил
5. Солиев А, Махамадалиев Р. Иқтисодий география асослари. Т. «Ўзбекистон» 1996 йил

<b>15-мавзу.</b>	<b>Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географияси</b>	
<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>		
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қишлоқ жойлари.</li> <li>2. Қишлоқ инфраструктураси.</li> <li>3. Аҳолига хизмат кўрсатиш географияси.</li> </ol>	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географияси ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географиясини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географиясини моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географиясига тавсиф бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географиясининг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географиясини изоҳлайди.</li> <li>• Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географиясига таъриф беради.</li> </ul>	
<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.	
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.	
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли	
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси	

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

<b>Босқичлар, вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>талаба</b>

<p>1-босқич. Кириш (10 мин)</p>	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>
<p>2-босқич. Асосий (60 мин)</p>	<p>2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. (1 слайд) 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади (2 слайд) 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради.(3 слайд) 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топшириқни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди.(4 слайд)</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифни карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.</p>
<p>3-босқич Якуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Қишлоқ жойлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш географияси“ сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>

1-слайд

### Блиц савол

1. Қишлоқ жойлари
2. Қишлоқ инфраструктураси
3. Аҳолига хизмат кўрсатиш
4. Сервис хизматлари

2-слайд

### Қишлоқ жойлари.

Қишлоқ жойлар – бу шаҳарлардан ташқари ёки уларни ўраб олган ҳудудлардир. Бироқ ҳар қандай шаҳарсиз ҳудудлар ҳам қишлоқ жойлари эмас. Бундай жойларда қишлоқ хўжалигининг қайси бир тармоғи ва доимий аҳоли манзилгоҳлари бўлмоғи лозим. Бинобарин қишлоқ хўжалигида экстенсив ёки умуман фойдаланилмайдиган, аҳоли жойлашмаган чўл ва тоғли ерлар қишлоқ ҳудудлари таркибига қирмайди.

Қишлоқ жойлари ўз ҳудудий кўлами ва функциялари – бажарадиган вазифаларига кўра янада географийроқдир. Шаҳар муҳитида ҳудуд зич, қишлоқ жойларда эса у бепоён. Бундай социал муҳитда кишиларнинг ўзига ҳос яшаш шароити ва тарзи вужудга келадигани, бу муаммолар билан бевосита **социал география** шуғулланади.

Қишлоқ жойларида энг аввало қишлоқ хўжалик экинлари экилади, чорва моллари боқилади, дам олинади: бу ерларда ҳам саноат корхонлари, транспорт йўллари бор ва ниҳоят қишлоқ жойлар шаҳарларни озиқ-овқат, тоза ҳаво, ишчи кучи билан таоминлайди. Кўриниб турибдики қишлоқлар жуда мураккаб ва серқиррали вазифаларни бажаради. Албатта бу вазифалар орасида энг асосийси қишлоқ хўжалиги функцияси бўлиб, у унинг хусусий тармоғи ҳисобланади



## Қишлоқ инфраструктураси

Қишлоқ инфраструктураси – транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш шароитлари, аҳолига ҳизмат кўрсатиш обьектлари географик тадқиқотнинг умумий йўналишларидир. Уларни ўрганишда асосий эотибор ҳудудий жиҳатларга, комплекс таҳлил қилинишига қаратилиши, тадқиқот натижалари карта ва график, статистик жадвалларда кўрсатилиши керак.

Бундай ўрганишнинг предмети бўлиб қишлоқ аҳолисининг ўсиши, жойланиши, табиий ва меҳаник ресурслари ва уларнинг ҳудудий таркиби ҳизмат қилади.

Аҳолига ҳизмат кўрсатиш соҳалари географиясини ўрганиш ҳам қишлоқ жойларда қулай ва айна вақтда долзарбдир. Сабаби – биринчидан, қишлоқларда бундай тармоқларни ташкил этиш шаҳар муҳитига нисбатан анча ҳудудийроқдир. Иккинчидан: аҳолига ҳизмат кўрсатиш соҳаларининг аҳоли шаҳар жойларга кўра қишлоқ жойларда ночорроқ даражада. Ана шу обьектив ҳолатлар қишлоқ жойларда аҳолига ҳизмат кўрсатиш соҳалар географиясини ўрганишни муҳим қилиб қўяди.

Шу билан бирга қишлоқ аҳолисига ҳизмат кўрсатиш ва ушбу эҳтиёжларга бўлган талабни қишлоқ жойларнинг ўзида қондириш орасида жиддий фарқ мавжуд. Табиийки, қишлоқ аҳолисига ҳизмат кўрсатишнинг ноёб ва танқис шакллари унинг юқори босқичлари туман, вилоят ва ҳатто мамлакат марказида амалга оширилади.

Шу жиҳатдан ҳудуднинг ҳар хил даражадаги шаҳарлар – марказий ўринлар билан таоминланганлиги, уларнинг қишлоқ аҳолиси қатнови учун қулайлиги йўл шароитлари катта аҳамият касб этади. Айна вақтда қишлоқ аҳолисининг барчаси учун зарур бўлган кундалик эҳтиёжлар мумкин қадар улар яшайдиган жойларнинг ўзида қондирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса қишлоқ жойларда аҳолига ҳизмат кўрсатиш тармоқларининг тури таркиби ва тизимига боғлиқ.

### Аҳолига хизмат кўрсатиш географияси.

Аҳолига хизмат кўрсатиш географиясининг методологик асоси аҳоли географияси ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ҳар иккиси ҳам мазмунан социал – иқтисодий географияга мувофиқ келади ва у ижтимоий география тизимидаги ўрта, боғловчи (иқтисодий география билан социал география ўртасидаги «кўприк») вазифасини ўтайди.

Мазкур сервис соҳалари географиясини ўрганишда аҳоли сони, унинг жойланиши, табиий ва миграция ҳаракати, демографик таркиби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундан ташқари аҳоли манзилгоҳлари ва транспорт инфраструктурасининг ривожланганлиги қишлоқ ва шаҳарларнинг ўзаро жойлашуви, зичлиги ҳам инобатга олиниши керак.

Аҳолига хизмат кўрсатиш географияни статистика маълумотлари асосида ўрганилади. Аммо статистик маълумотлар таҳлили ҳамма вақт ҳам реал ҳолатни акс эттирмайди. Шунинг учун социал – демографик тадқиқотлар (анкета-сўров) ўтказиш зарар қилмайди.

Савдо, тиббиёт ва маориф муассасаларини ҳам ҳудудий мажмуа шаклида ташкил этиш мумкин. Масалан, савдо тизимида маълум бир жойда турли хил дўконларни жойлаштириш, тиббиётда шифохона, касалхона, дорихона ва бошқа муассасаларни ёки маориф соҳасида мактаблар билан мактаб ёшигача бўлган болалар боғчасини ва яслиларни уйғунлаштирган ҳолда ҳудудий ташкил қилиш анча қулайликларга эга.

Ҳозирги вақтда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва бошқариш маосулияти тўла-тўқис маҳаллий ташкилотларга – туман ҳокимликлари ва маҳалла кўмиталарига юкпанган

Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Қишлоқ жойлари.
2. Сервис хизмати нима?
3. Инфраструктура нима?
4. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини методологик асосини гапириб беринг?
5. Сустр урбанизация нима?

### 15. Мавзунинг матни

#### Режа:

16. Қишлоқ жойлари.
17. Қишлоқ инфраструктураси.
18. Аҳолига хизмат кўрсатиш географияси.

1. Қишлоқ жойлар – бу шаҳарлардан ташқари ёки уларни ўраб олган ҳудудлардир. Бироқ ҳар қандай шаҳарсиз ҳудудлар ҳам қишлоқ жойлари эмас. Бундай жойларда қишлоқ хўжалигининг қайси бир тармоғи ва доимий аҳоли манзилгоҳлари бўлмоғи лозим. Бинобарин қишлоқ хўжалигида экстенсив ёки умуман фойдаланилмайдиган, аҳоли жойлашмаган чўл ва тоғли ерлар қишлоқ ҳудудлари таркибига кирмайди.

#### Эслаб қолинг!

Аслида қишлоқ «қишлоқ» маъносини билдирса керак. Бу қишлоқ жойларининг ичидаги асосий таянч нуқталар доимий яшаш масканларидир. Қадимда ҳалқимиз далалардаги ёзги деҳқончилик юмушларини тугатгандан сўнг қишлоқларга қишлаш учун қайтишган. Эҳтимол бундай манзилгоҳларнинг аталиши шунга боғлиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда том маънодаги қишлоқлар чўл ёки тоғ минтақасида эмас, балки воҳа ва водийларда жойлашган.

Қишлоқ жойлари ўз ҳудудий кўлами ва функциялари – бажарадиган вазифаларига кўра янада географийроқдир. Шаҳар муҳитида ҳудуд зич, қишлоқ жойларда эса у бепоён. Бундай социал муҳитда кишиларнинг ўзига ҳос яшаш шароити ва тарзи вужудга келадигани, бу муаммолар билан бевосита **социал география** шуғулланади.

Қишлоқ жойларида энг аввало қишлоқ хўжалик экинлари экилади, чорва моллари боқилади, дам олинади: бу ерларда ҳам саноат корхонлари, транспорт йўллари бор ва ниҳоят қишлоқ жойлар шаҳарларни озиқ-овқат, тоза ҳаво, ишчи кучи билан таоминлайди. Кўриниб турибдики қишлоқлар жуда мураккаб ва серқиррали

вазифаларни бажаради. Албатта бу вазифалар орасида энг асосийси қишлоқ хўжалиги функцияси бўлиб, у унинг хусусий тармоғи ҳисобланади.

Қишлоқ районларининг аҳамияти айниқса нисбатан сустр урбанизациялашган ҳудудларда катта. Жумладан, улар Ўзбекистон Республикасида асосий мавқеига эга. Қишлоқ жойларида мамлакат аҳолисининг 60 % дан ортиғи яшайди, миллий иқтисодиётимизнинг анъанавий негизи, бўлган қишлоқ хўжалиги ҳам бу жойларнинг бош йўналишидир. Ҳудди манна шу объектив вазиятни эътиборга олиб, республикамиз раҳбарияти қишлоқ жойларга устивор аҳамият бермоқда.

Дарҳақиқат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг амалга оширмай туриб, қишлоқ ҳалқи турмуш шароитини яхшиламасдан туб (стратегик) мақсадларга эришиш мушкул. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш мулкчиликнинг турли қатламларини вужудга келтириш, бу жойларга саноатни олиб кириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва социал инфраструктурани ривожлантириш, меҳнат ресурсларини тармоқлараро қайта тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланиш каби масалалар давлат аҳамиятига молик бўлган муаммолардир. Бинобарин **қишлоқ жойларини** географик ўрганишда уларнинг ана шу хусусиятларига эътибор бериш талаб этилади.

Агросаноат географиясини ўрганишда энг аввало унинг ҳом ашё захираларига аҳамият бермоқ зарур. Шу билан бирга бу жойларда тоғ-кон ва қурилиш материаллари саноати ҳам кўриб чиқилади. Ушбу корхоналарнинг жойланиши ва ривожланиши албатта экологик масалалар билан уйғунлаштирилган ҳолда таҳлил қилиниши лозим. Зеро қишлоқ жойларнинг экологик ҳолати қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган химикатлар, ер ости сувларининг кўтарилиши ва ерларнинг шўрланиши билангина эмас, балки шаҳар чиқиндиларини кўмиш ёки ташлаш билан ҳам ёмонлашиб бормоқда. Шу боис қишлоқлар экологиясини ўрганиш долзарб мавзулардандир.

**2.** Қишлоқ инфраструктураси – транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш шароитлари, аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари географик тадқиқотнинг умумий йўналишларидир. Уларни ўрганишда асосий эътибор ҳудудий жиҳатларга, комплекс таҳлил қилинишига қаратилиши, тадқиқот натижалари карта ва график, статистик жадвалларда кўрсатилиши керак.

### **Эслаб қолинг!**

Ўзбекистон учун қишлоқ демографияси ва геодемографиясини ўрганиш ҳам тадқиқот объекти сифатида долзарбдир.

Бундай ўрганишнинг предмети бўлиб қишлоқ аҳолисининг ўсиши, жойланиши, табиий ва меҳаник ресурслари ва уларнинг ҳудудий таркиби хизмат қилади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясини ўрганиш ҳам қишлоқ жойларда қулай ва айни вақтда долзарбдир. Сабаби – биринчидан, қишлоқларда бундай тармоқларни ташкил этиш шаҳар муҳитига нисбатан анча ҳудудийроқдир.

Иккинчидан: аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг аҳволи шаҳар жойларга кўра қишлоқ жойларда ночорроқ даражада. Ана шу объектив ҳолатлар қишлоқ жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалар географиясини ўрганишни муҳим қилиб қўяди.

Шу билан бирга қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш ва ушбу эҳтиёжларга бўлган талабни қишлоқ жойларнинг ўзида қондириш орасида жиддий фарқ мавжуд. Табиийки, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишнинг ноёб ва танқис шакллари унинг юқори босқичлари туман, вилоят ва ҳатто мамлакат марказида амалга оширилади.

Шу жиҳатдан ҳудуднинг ҳар хил даражадаги шаҳарлар – марказий ўринлар билан таоминланганлиги, уларнинг қишлоқ аҳолиси қатнови учун қулайлиги йўл шароитлари катта аҳамият касб этади. Айтилиши мумкин қишлоқ аҳолисининг барчаси учун зарур бўлган кундалик эҳтиёжлар мумкин қадар улар яшайдиган жойларнинг ўзида қондирилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса қишлоқ жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг тури таркиби ва тизимига боғлиқ.

Моҳиятан аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари кишиларнинг социал эҳтиёжини қондирсада улар аслида социал-иқтисодий жабҳа ҳисобланади. Чунки мазкур соҳалар негизида иқтисодий муносабатлар, иқтисодий объектлар ётади. Шунинг учун бундай тармоқларни ўрганиш иқтисодий географиянинг том маънодаги ижтимоий географияга айланшида асосий кўприк ёки йўналиш бўлиб хизмат қилади. Бироқ бу ҳақиқий социал (тор маънодаги ижтимоий) география эмас, социал география, энг аввало кишилар ёки аниқроғи – шахснинг шаклланиши ва ривожланиши, урф – одати, яшаш шароити ва тарзи, этиқодлари билан алоқадор ҳудудий масалалар таллуқдир.

Бу ерда юқорида кўриб ўтган соҳаларни алоҳида халқ хўжалик тармоғи сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

#### **Эслаб қолинг!**

Айтилиши мумкин аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари билан социал инфраструктура ўртасида ҳам маълум фарқлар мавжуд. Бу ерда биринчиси тармоқ, бинобарин у моддий ёки маънавий бойлик яратади, иккинчиси эса тармоқ эмас, балки ушбу тармоқнинг фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мажмуидир.

Айтилиши мумкин тиббиёт соҳасидаги беморларга хизмат кўрсатиш – бу ижтимоий тармоқ, унга тегишли муассасаларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги, тозаллиги дам олиш ва муолажа хоналарининг мавжудлиги каби шароитлар ушбу соҳанинг инфраструктурасидир.

**3.** Аҳолига хизмат кўрсатиш географиясининг методологик асоси аҳоли географияси ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг ҳар иккиси ҳам мазмунан социал – иқтисодий мувофиқ келади ва ушбу ижтимоий география тизимидаги ўрта, боғловчи (иқтисодий география билан социал география ўртасидаги «кўприк») вазифасини ўтайди.

Мазкур сервис соҳалари географиясини ўрганишда аҳоли сони, унинг жойланиши, табиий ва миграция ҳаракати, демографик таркиби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундан ташқари аҳоли манзилгоҳлари ва транспорт инфраструктурасининг ривожланганлиги қишлоқ ва шаҳарларнинг ўзаро жойлашуви, зичлиги ҳам инобатга олинishi керак.

Аҳолига хизмат кўрсатиш географияни статистика маълумотлари асосида ўрганилади. Аммо статистик маълумотлар таҳлили ҳамма вақт ҳам реал ҳолатни акс эттирмайди. Шунинг учун социал – демографик тадқиқотлар (анкета-сўров) ўтказиш зарар қилмайди.

Савдо, тиббиёт ва маориф муассасаларини ҳам ҳудудий мажмуа шаклида ташкил этиш мумкин. Масалан, савдо тизимида маълум бир жойда турли хил дўконларни жойлаштириш, тиббиётда шифохона, касалхона, дорихона ва бошқа муассасаларни ёки маориф соҳасида мактаблар билан мактаб ёшигача бўлган болалар боғчасини ва яслиларни уйғунлаштирган ҳолда ҳудудий ташкил қилиш анча қулайликларга эга.

Ҳозирги вақтда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва бошқариш маосулияти тўла-тўқис маҳаллий ташкилотларга – туман ҳокимликлари ва маҳалла қўмиталарига юкланган.

Шундай қилиб аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясини ўрганиў ҳам долзарб йўналишлардан ҳисобланади. Ушбу соҳани ривожланиши турли мақсадларни кўзлайди: аҳолининг яшаш даражаси ва шароити яхшиланади, кишиларнинг вақти тежалади, меҳнат ресурсларидан тўлароқ ва самарали фойдаланишга имконият яратади. Қолаверса, қишлоқ ва шаҳар жойларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг замонавий тизимини, сервис соҳасини ва унинг моддий асоси – ижтимоий инфраструктура шаҳобчаларини ташкил этиш катта иқтисодий натижаларга замин ясайди. Бунга илғор мамлакатлар тажрибаси яққол мисол бўлади. Айнан шунинг учун республика раҳбарияти мазкур соҳанинг ахволи ва уни тубдан яхшилашга жиддий эътибор бермоқда.

Географлар эса кўзда тутилган чора – тадбирларни амалга оширилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

#### **Мавзу бўйича янгиликлар:**

Қишлоқ жойлари ва уларни ҳудудларни аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини (сервис) ҳамда инфраструктурани ривожлантириш давлат даражасидаги энг асосий масалалардан бири сифатида майдонга чиқмоқда.

#### **Таянч иборалар:**

Қишлоқ, шаҳар, инфраструктура, сервис, манзилгоҳлар, меҳнат ресурслари, қишлоқ функцияси, қишлоқ, коммунал хизмат, ижтимоий инфраструктура.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида». Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил

2. Саушкин Ю.Г Экономическая география. История, теория, методика и практика. М; 1973 год.
3. География мирового хозяйства. М; 1999 год
4. Солиев А.С, Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Т; 1999 йил
5. Тайн П., Ньюби П Методи географических исследований. 1-вип. экономическая география. М., 1977

<b>16-мавзу.</b>	<b>Социал география ва сиёсий географик тадқиқотлар</b>	
	<b>Маърузани ўқитиш технологияси</b>	
<i>Вақти – 2 соат</i>	Талабалар сони: 50 нафар	
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Визуал маъруза	
<i>Маъруза машғулотининг режаси</i>	1. Социал географияга оид тадқиқотлар 2. Геосиёсий ва сиёсий географик тадқиқотлар. 3. Географик детерминизм. 4. Геосиёсат	
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга социал география ва сиёсий географик тадқиқотлар ҳақида умумий тушунчалар ва маълумотлар бериш.		
<b>Педагогик вазифалар</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Социал география ва сиёсий географик тадқиқотларини аҳамиятини тушунтириш</li> <li>• Социал география ва сиёсий географик тадқиқотларни моҳиятини тушунтириш</li> <li>• Социал география ва сиёсий географик тадқиқотларга тавсиф бериш.</li> </ul>	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари</b> Талаба: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Социал география ва сиёсий географик тадқиқотларнинг география фанлар тизимида тутган ўрнини изоҳлайди.</li> <li>• Социал география ва сиёсий географик тадқиқотларини изоҳлайди.</li> <li>• Социал география ва сиёсий географик тадқиқотларига таъриф беради.</li> </ul>	

<i>Ўқитиш методи ва техникаси</i>	Кириш маърузаси, блиц-сўров, бумеранг.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матни, проектор, дарслик, доска, бўр.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, гуруҳли
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Маъруза хонаси

### Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
<b>1-босқич.</b> <b>Кириш</b> <b>(10 мин)</b>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзу ва режасини маълум қилади. Эришадиган натижалар билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
<b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>(60 мин)</b>	2.1. Талабалар эътиборини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказди. <i>(1 слайд)</i> 2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда тарқатма материаллардан фойдаланади <i>(2 слайд)</i> 2.3. Географик тадқиқот методлари ва методлари ҳақида маълумот беради. <i>(3 слайд)</i> 2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни, берилган топширикни бажаришни ва барча маълумотни ёзиб олишларини таъкидлайди. <i>(4 слайд)</i> 2.5. Яна мавзуга оид 1 та слайд талабаларга берилади.	2.1. Эшитади. Навбат билан саволларга жавоб беради. 2.2. Гуруҳларга бўлиниб тарқатма материал билан мустақил ишлайди, керакли жойларни ёзиб олади. 2.3. Эслаб қолади. Таърифини карта ёрдамида ёзиб олади ва картадан кўрсатади.

<p>3-босқич Яқуний (10 мин)</p>	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. 3.2 Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш учун вазифа: “Социал география ва сиёсий географик тадқиқотлар” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради, баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. 3.2. Топшириқни ёзиб олади.</p>
---	--	---

1-слайд

### Блиц савол

1. Социал география
2. Сиёсий география
3. Геоиёсат
4. Географик детерминизм

2-слайд

### Социал географияга оид тадқиқотлар

Бевосита асосан ҳаёти билан боғлиқ масалаларнинг худудий жиҳатларини унинг ўзи яшаб турган муҳити билан муносабатини ўрганувчи фан социал географиядир. Социал географиянинг икки-кенг ва тор маъноси бор:

1. Тор маъносидаги социал география –бу ўзбек тилида ҳам социал географиядир.
2. Кенг маънода эса у ижтимоий географияга мувафиқ ва мос келади.

Бинобирин: Ижтимоий география ўз қамровига социал географияни ҳам олади. Шу сабадан “Социал” тушунчаси ўзбек тилида ҳамма вақт “ижтимоий” деган сўзни тўла тўқис маъносини англамайди. Чунки социология фани жамиятшунослик шаклида қабул қилинадиган, бунинг учун рус тилида алоҳида “Обществоведение” бор; ёки



### Геосиёсий ва сиёсий географик тадқиқотлар.

Сиёсий география мамлакатининг жахон ҳамжамиятида, дунё сиёсий картасида тушган сиёсий ўрни куч ва марказларнинг ҳудудий тартиби давлат тизими ва унинг маъмурий –ҳудудий бўлиниши каби муаммоларни ўрганади.

Унинг асосий вазифаси жамият сиёсий ҳаётининг ҳудудий ташкил этилиши сиёсий ва маъмурий чегараларининг шакли ва характери, мамлакатлараро ҳудудий –сиёсий ва ҳарбий уюшмаларининг вужудга келиши ва ривожланиши тадқиқ қилишдан иборатдир. Чунончи, Европа кенгаши, ЕХХК, Бирлашган араб мамлакатлари лигаси, Бирлашган Африка Иттифоқи, Марказий Осиё (энди Ўрта Осиё) давлатлари, МДХ, НАТО кабилар сиёсий географиянинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Алоҳида мамлакатларининг халқаро муносабатлари, уларнинг геосиёсий ва ички ҳаёти кўп жихатдан бундай давлатлар ҳудудининг тарий шаклланиши этник ва географик хусусиятларига боғлиқ. Бу борада айниқса мамлакат ҳудудининг ягона ва мустақкам геосиёсий тизими сифатида яхлитлиги пойтахт ва бошқа сиёсий марказларнинг жойлашуви катта аҳамиятга эга.

Сиёсий географик тадқиқотларда давлатларнинг ана шундай жихатларига ҳам катта эътибор берилади. Сиёсий география билан бевосита ҳарбий география боғлиқ. Чунки ҳар қандай уруш-юришлар мамлакатлар сиёсатидан келиб чиқади. Сиёсат эса иқтисоднинг давомидир. Фақат камдан-кам ҳолларда урушлар ноиқтисодий мақсадларни кўзлайди. (бирор халқни бошқа

### Географик детерминизм.

Моҳиятан сиёсий географик қарашларнинг илдизи ўша реакцион руҳда тарғиб қилинган детерминизм йўналшига бориб тақалади. Ушбу ғоя ва фикрлар аввалроқ Францияда– асосан Ш.Монтескье (XVIIаср) томонидан яратилган. Кейинчалик худди шунга ўхшаш йўналиш– инвайронментализм АҚШ да Э.Хентингтон (XXаср) фаолиятида шаклланган, ривожланган. Бу олим ҳам жамият ривожланишида табиий географик шароит хусусан иқлим ролини ниҳоятда бўрттириб юборган. Баъзи маълумотларга қараганда, ўзимизнинг ватандошимиз Беруний Европа олимлардан бир неча юз йиллар олдин географик детерминизм маъносидаги фикрларни билдирган ва бу муаммога умуман олганда у тўғри ёндашган. Ҳар қандай детерменизм (“дете”– белгилаш, аниқлаш) илмий дунёқарашнинг муҳим услуби бўлиб, бунга сабаб– оқибат, ходиса ва воқеликлар ўртасидаги алоқадорлик тушунилади. Шу нуқтаи назардан географик детерменизм жамият, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига ва ҳатто кишиларнинг юриш–туришига, кайфияти ва характериға, яшаш тарзига, географик омилларининг –рельеф, иқлим, географик ўрин ва ҳоказоларнинг таъсирини билдиради. Чиндан ҳам омилларнинг аҳамиятини бутунлай инкор этиб бўлмайди ва улар бизнинг хоҳишимиздан қатий назар ҳақиқатда мавжуддир. (Солиев. 1995)

Демак, географик детерменизм (ва шунингдек, тарихий детерменизм, демографик детерменизм ва бошқалар) бу объектив боғлиқдир. Фақат унга тўғри баҳо бериш лозим. Бинобарин ушбу омилни бўрттириб ҳам (географик фатализм, вулгар географизм) ва ундан батамом воз кечиш ҳам (географик нигелизм) ножоиздир.

Географик детерменизмнинг сиёсий география ва сиёсат билан сингдирилиши, уйғунлашуви геосиёсатни (“геополитика”) вужудга келтирди. Ушбу йўналишдаги дастлабки “кўприкни” Ф.Ратцель яратди. Унинг айнан детерменистик ғояларга асосланган антропогеографияси швед ҳуқуқшунос ва социологи Юхан Челленга биринчи марта “Геополитика” тушунчасини қўллашга сабабчи бўлди.

## Геосиёсат

Геосиёсат – бу энг аввало давлатларнинг ташқи сиёсати, уларнинг жаҳон ҳамжамиятида ўрин олган кўшни (чегарадош) ва узок хориждаги мамлакатлар билан сиёсий –иқтисодий, ижтимоий муносабатлари сифатида эътироф этилиши маъқулроқдир. Худди шу маънода регионал сиёсат кўпроқ мамлакатларнинг ичига, унинг маъмурий-худудий бўлимлари ижтимоий –иқтисодий ривожланишига қаратилган бўлади.

Регионал ва худудий сиёсат тўғрисида ҳам тадқиқотчи аниқ фикрга эга бўлмоғи лозим. Албатта регион (бу атама аслида инглизча, француз тилидаги “ray” ёки район сўзидан олинган.) ҳам худудир. Аммо ҳар қандай худуд масалан кичик шаҳарча ёки қишлоқ туманларини ҳам регион даражасида қараш одатдан эмас. Регион ҳам район, бироқ анъанага кўра у катта райондир. Шу боис Фарғона туманини маъмурий район ёки туман сифатида кўриш мумкин, аммо уни регион деб аташ нотўғридир.

Мавжуд чалкашликларга йўл қўймаслик мақсадида регионал сиёсатни минтақавий сиёсат, яъни анча катта ички худудлар билан боғлиқ давлатнинг муносабатини англлатувчи сиёсат шаклида қабул қилиш тўғрироқдир.

Тадқиқотчи мамлакатнинг регионал (минтақавий) йирик иқтисодий районлаштириш ғоя ва амалиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

### Талабалар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Социал география.
2. Сиёсий географик тадқиқотлар
3. Геосиёсат
4. Детермизм атамаси
5. Регионал (минтақавий) сиёсат

## 16. МАВЗУНИНГ МАТНИ

### Режа:

1. Социал географияга оид тадқиқотлар
2. Геосиёсий ва сиёсий географик тадқиқотлар.
3. Географик демерминизм.
4. Геосиёсат

1. Биз юқоридаги мавзуларда аҳоли, унинг ишлаб чиқариш (саноат, д/х, транспорт) ва ноишлаб чиқариш (аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари) географиясига доир тадқиқот методларига, кўрсатмаларга қисқача тўхталиб ўтдик. Бу мураккаб тизимнинг марказида аҳоли ишлаб чиқаришининг субъекти, эгаси сифатида ўрин олганлиги туфайли уни бир сўз билан ижтимоий география деб юритилиши мумкин. Бироқ тўла маънодаги ижтимоий география учун бунинг ўзи етарли эмас. Сабаби – бу ерда аҳоли (кишилар мажмуаси) кўпроқ ишчи кучи ва истеъмолчи маъносида қаралади холос. Ваҳоланки мазкур тизимида инсоннинг ўзи унинг махнавий ҳаёти, дунёси, одам ва олам бирлиги унитилди: аҳолининг ташқи фаолияти кўрилади-ю, аммо муайян шахс ёки кишиларнинг ички, тафаккур дунёси ва унинг атроф – муҳит билан муносабатлари эса четлаб ўтилади.

Инсон ўз ҳаёти давомида яшаш муҳити билан доимо алоқадорликда бўлади ва айни пайтда у бу муҳитни турли географик шароитларда ўзига хос ҳис ва тасаввур қилади. Бинобарин, кишиларнинг бу ҳиссиёти ҳудуд, (муҳит) образи шакли ва унинг тасаввури маълум географик тафовутларга фарқларга эга. Мадомики киришарнинг миллий анҳаналари расм– русмлари, тўй, ва маракалари, кийинишлари ва овқатланишлари, шеvasи, овоз ва исми-шарифи (дарвоқе, фамилиялар географияси тўғрисида китоб ҳам чиққан) турли жойларда бир хил эмас экан, ҳудудий фарқлар бор экан, демак, бу ерда география, шубҳасиз, мавжуддир.

### Ёдда тутинг!

Юқорида келтирилган бундай йўналишлар билки шу пайтгача география, иқтисодий география мутлоқ қизиқмаган ва фақат иқтисодлигича қолаверган.

Ривожланган мамлакатларнинг география фанида эса иқтисодий масалалар билан бир қаторда, балким ундан ҳам устунроқ ва устуворроқ даражада инсон ҳаёти билан боғлиқ ёки аниқ маънодаги юксак муаммолар ҳам ўрганилиб келинади. Ушбу бу масалаларнинг географийлиги авваламбор, турли жойларда айнан бир хил эмаслиги ўша жойнинг табиий шароити (иқлим, рельефи, суви ва бошқа) ва географик ўрни аҳолининг зичлиги, ва урбанизация жараёни, хўжалик ихтисослашуви ва бошқа омилларнинг кишилар ҳаёти тарзига кўрсатишда намаён бўлади.

Сабаби – ушбу тушунчалар ўртасида махфий фарқ мавжуд.

Социал географиянинг икки-кенг ва тор маъноси бор:

1. Тор маъносидаги социал география –бу ўзбек тилида ҳам социал географиядир.
2. Кенг маънода эса у ижтимоий географияга мувафиқ ва мос келади.

Бинобирин: Ижтимоий география ўз қамровига социал географияни ҳам олади. Шу сабадан “Социал” тушунчаси ўзбек тилида ҳамма вақт “ижтимоий” деган сўзни тўла тўқис англамайди. Чунки социология фани жамиятшунослик шаклида қабул қилинадиган, бунинг учун рус тилида алоҳида “Обществоведение” бор; ёки жамоатчилик асосида олиб бориладиган вазифалар (хайдовчининг назоратчилиги, кичик ташкилотлардаги қасаба уюшмасининг раиси ва бошқа) рус тилида “по социальной основе” деб юритилмаслиги ҳаммага аён. Бундан ташқари ва жамоат, жамоа ижтимоий сўзлари ҳам бир хил маънони билдиради.

Социал география ўз навбатида психология, ҳуқуқшунослик фанлари билан чамбарчас алоқадир. Аниқроғи - у ана шу фанларнинг худудий жихатлари билан иш тутади. Ўзинингдек социал география экологик психология, социал психология, инсон экологияси, социал экология, дин хулқ атвор (“поведение”) географияси ва бошқалар билан туташ бўлган муаммоларни ўрганади.

Табиийки кишиларнинг юриш-туриши, феъл-атвори, яшаш тарзи, шаҳар ва қишлоқларда, тоғ ва текисликларда, денгиз (океан) бўйида ва қуруқликнинг ички қисмида, воҳа ва чўлларда бир хил эмас. Демак, бу ерда маълум даражада бу географик омиллар таъсирини кўриб турибмиз. Масалан: тоғ халқи ниҳоятда мўлжалли (мерган) ва ҳаракатчан, ер қадирли чуқур билувчи кишилардир. Одатда тор, аҳоли зич жойлашган ва водийларда, шаҳарларда одамлар тез юришга, суҳандон, охиста гапиришга ўта ҳисоб китобли ва ўлчамли бўлишга ўрганишган: улар муҳитни ва вақтни бошқачароқ ҳис қилишади ва баҳолашади. Бундай шароитда аниқ фанлар, иқтисод фаниниг ривожланишига катта эҳтиёж туғилади. Бежиз эмаски, қадимда геометрия, алгебра фанлари, суғориладиган

дехқочилик районларда, Миср ва Хоразм каби вохаларда вужудга келган. Германияда бошқа фанларга кўра кўпроқ статистика, айниқса худудий иқтисод катта анъаналарга эгаллиги ҳам кўп жихатдан унинг социал-географик шароитларига боғлиқ. Айни вақтда чўл, дашт, қоялар, қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзи ўзгача чунки уларнинг географик яшаш шароити бошқачароқдир. Шунга ўхшаш географик (социал) муҳит хўжалик ва фаннинг ўзига хос тармоқларини ривожлантиришга сабаб бўлади.

Ўз навбатида шаҳар қишлоқлар ҳам бир-биридан фарқ қилади.

### **Эътибор беринг!**

Чунонч, узоқ масофаларда, худуднинг ички қисмларида яшовчилар учун туман маркази ҳам шаҳардир. Тошкент даражаси эса улар учун оддий катта қишлоқ холос.

Сиёсий география мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида, дунё сиёсий картасида тутган сиёсий ўрни куч ва марказларнинг худудий тартиби давлат тизими ва унинг маъмурий –худудий бўлиниши каби муаммоларни ўрганади.

Унинг асосий вазифаси жамият сиёсий ҳаётининг худудий ташкил этилиши сиёсий ва маъмурий чегараларининг шакли ва характери, мамлакатлараро худудий – сиёсий ва ҳарбий уюшмаларининг вужудга келиши ва ривожланиши тадқиқ қилишдан иборатдир. Чунончи, Европа кенгаши, ЕХХК, Бирлашган араб мамлакатлари лигаси, Бирлашган Африка Иттифоқи, Марказий Осиё (энди Ўрта Осиё) давлатлари, МДХ, НАТО кабиларсиёсий географиянинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Алоҳида мамлакатларининг ҳалқаро муносабатлари, уларнинг геосиёсий ва ички ҳаёти кўп жихатдан бундай давлатлар худудининг тарий шаклланиши этник ва географик хусусиятларига боғлиқ. Бу борада айниқса мамлакат худудининг ягона ва мустақкам геосиёсий тизими сифатида яхлитлиги пойтахт ва бошқа сиёсий марказларнинг жойлашуви катта аҳамиятга эга.

Сиёсий географик тадқиқотларда давлатларнинг ана шундай жиҳатларига ҳам катта эътибор берилади. Сиёсий география билан бевосита ҳарбий география боғлиқ. Чунки ҳар қандай уруш-юришлар мамлакатлар сиёсатидан келиб чиқади. Сиёсат эса иқтисоднинг давомидир. Фақат камдан-кам ҳолларда урушлар ноиқтисодий мақсадларни кўзлайди. (бирор ҳалқни бошқа динга мажбуран киритиш). Аксарият шароитларда эса мамлакатлараро ҳарбий тўқнашувлар иқтисодий манфаатлар, чегарани ўзгартириш замирида юзага келади.

### **Қуйидагиларни эслаб қолинг!**

1. Ҳарбий география тўғрисидаги махсус фан кўпгина университетларда ўқитилади.
2. Ҳарбий кўшинларни жойлаштиришда ўша жойнинг метеорологик хусусиятлари ҳисобга олинади.
3. Амир Тумур ҳам ўзининг ҳарбий сиёсатида жойнинг –жанг майдонининг табиий географик шароитларига катта эътибор берган.

Таъкидлаш лозимки илгари сиёсий география бизда бундай нуфуз ва эътиборга эга эмас эди.

Тарихан сиёсий география ва геосиёсат бир-бири билан боғлиқ холда вужудга келган. Сиёсий географиянинг ватани Германия бўлса, бу тўғрисидаги дастлабки китобни (“Сиёсий география”) немис олими Ф.Ф. Ратцель 1897 йилда нашр эттирган. Айти пайтда у антропогеография йўналишини ҳам асосчиси бўлган. Албатта Ф.Ратцелнинг ушбу ғояси ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. У авваламбор ўзининг ватандошлари – И.Кантнинг(1724-1804) “Антропологияси”, К.Риттер, А.Геттнер ва бошқаларнинг илмий ишларини ўрганган.

3.Моҳиятан сиёсий географик қарашларнинг илдизи ўша реакцион руҳда тарғиб қилинган детерминизм йўналшига бориб тақалади. Ушбу ғоя ва фикрлар аввалроқ Францияда– асосан Ш.Монтескье (XVIII аср) томонидан яратилган. Кейинчалик худди шунга ўхшаш йўналиш– инвайронментализм АҚШ да Э.Хентингтон (XXаср) фаолиятида шаклланган, ривожланган. Бу олим ҳам жамият ривожланишида табиий географик шароит хусусан иқлим ролини ниҳоятда бўртириб юборган. Баъзи маълумотларга қараганда, ўзимизнинг ватандошимиз Беруний Европа олимлардан бир неча юз йиллар олдин географик детерминизм маъносидаги фикрларни билдирган ва бу муаммога умуман олганда у тўғри ёндашган.

Ҳар қандай детерменизм (“дете”–белгилаш,аниқлаш)илмий дунёқарашнинг муҳим методи бўлиб, бунга сабаб–оқибат, ҳодиса ва воқеликлар ўртасидаги алоқадорлик тушунилади.

Шу нуқтаи назардан географик детерменизм жамият, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишига,ва ҳатто кишиларнинг юриш–туришига, кайфияти ва характериға, яшаш тарзига, географик омилларининг –рельеф, иқлим, географик ўрин ва ҳоқаъзоларнинг таъсирини билдиради. Чиндан ҳам омилларнинг аҳамиятини бутунлай инкор этиб бўлмайди ва улар бизнинг ҳохишимиздан қатъий назар ҳақиқатда мавжуддир.(Солиев. 1995)

Демак, географик детерменизм (ва шунингдек, тарихий детерменизм, демографик детерменизм ва бошқалар) бу объектив боғлиқдир. Фақат унга тўғри баҳо бериш лозим. Бинобарин ушбу омилни бўрттириб ҳам (географик фатализм,вулгар географизм) ва ундан батамом воз кечиш ҳам (географик нигелизм) ножоиздир.

Географик детерменизмнинг сиёсий география ва сиёсат билан сингдирилиши, уйғунлашуви геосиёсатни (“геополитика”) вужудга келтирди. Ушбу йўналишдаги дастлабки “кўприкни” Ф.Ратцель яратди.Унинг айнан детерменистик ғояларга асосланган антропогеографияси швед ҳуқуқшунос ва социологи Юхан Челленга биринчи марта “Геополитика” тушунчасини қўллашга сабабчи бўлди. \_

Мулоҳаза учун!

У 1910 йилда “Буюк мамлакатлар” тўғрисидаги китобини ёзди ва шуниси муҳимки ўша пайтлардаёқ Европанинг маркази сифатида Германия талқин қилинган эди. У ўзининг бу ва бошқа асарларида давлатнинг ҳам бамисоли одамдек тирик

организмдек яшаши мамлакат худудининг (яшаш мухитининг) кенгайиб туриши тўғрисидаги ташаббускор фикрларини олдинга сурди.

Қизиги шундаки ҳозирги кунда ҳам ушбу геосиёсий қарашга маълум даражада сақланиб қолмоқда. Масалан, Германия канцлери Г.Коль бир вақтлар “Мен Германияни бирлаштирдим, Германия эса Европани бирлаштириши керак ” деб айтган эди. Бу ўринда эслатиб ўтамиз; биринчи жаҳон уруши ҳам, иккинчи жаҳон уруши ҳам асосан Германиядан чиққан ёки уларга ана шу мамлакат бош сабабчи бўлган. 1944 йилда геосиёсат тушунчасини америклик Спикмен “геоситратегия” сўзи билан алмаштирдикки бу моҳиятан ҳарбий географик мазмунга эга.

Геосиёсатга ҳам ҳозирги кунда – тўғрича муносабат бўлиши керак. Бу борада ҳар қандай мустақил мамлакатнинг геосиёсати (ташқи сиёсат) билан фашизм руҳидаги жанговар геосиёсатни аниқ фарқ қилиш зарур. Маълумки, ҳарбий ёки фашистик геосиёсатнинг асосчиси немис Карл Хаусхофер бўлган У 1932 йилда ўзининг “Ҳарбий геосиёсат” номли китобини ёзган ва бу асарда муаллиф яшаш муҳити “миллат поклиги” тўғрисидаги ўша реакцион , тажовузкор фикрларни баён қилган. Кейинчалик бу асар А.Гитлернинг асосий сиёсий ғояси ва мақсади сифатида эҳтироф этилган. Хаусхофер эса генерал унвонини олган ва Германия академиясининг президенти ҳам бўлган.

Шундай қилиб салбий мақсадда талқин қилувчи геосиёсат географик детерменизмнинг бўртирилган шакли–фатализм, сўнгра антропогеография ва унинг сиёсат билан қўшилиши асосида пайдо бўлди.

#### Эслаб қолинг!

Ҳақиқий беғараз геосиёсат асло мамлакатнинг чегарасига уни кенгайтиришга алоқадор эмас. Аксинча ҳар бир мамлакат ўз худудининг дахлсизлигини таъминлаган ва сақлаган ҳолда бошқа суверен давлатлар худудининг ҳам дахлсизлиги ва бутунлигини тан олиши ҳамда ҳурмат қилиши керак. Ана шу нуқтаи назардан Республикамиз раҳбариятининг олиб бораётган геосиёсати диққатга сазовордир ва бундай ишларни географик томондан ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

4.Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар ҳозирги замон геосиёсатининг яққол намунасиدير. Айни чоғда Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиё минтақасидаги кондош ва кардош қўшни мамлакатлар билан алоқаларини ўрганиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу “яқин хориж” мамлакатлари ўртасидаги анъанавий алоқаларини шунингдек, “узоқ хориж” давлатлари билан тикланаётган муносабатларини тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур.

Б

Эслаб қолинг!  
Геосиёсат фақат география фанининг вазифаси эмас!

адда  
моғи  
фан  
киррасида вужудга келган.

## Эслаб қолинг!

Геосиёат билан бир қаторда регионал (минтақвий) ва ҳудудий сиёсат тушунчалари қўлланилади. Гарчи бу “сиёсатлар” шакли бир хил бўлсада, амалиёт учун уларни фарқ қила олиш ва ўз жойида ҳар қандай чалкашликларга ўрин қолдирмаслик мақсадида очик ва равшанлик киритилиши талаб этилади.

Геосиёсат – бу энг аввало давлатларнинг ташқи сиёсати, уларнинг жаҳон ҳамжамиятида ўрин олган кўшни (чегарадош) ва узоқ хориждаги мамлакатлар билан сиёсий –иқтисодий, ижтимоий муносабатлари сифатида эътирофэтилиши маъкулроқдир. Худди шу маънода регионал сиёсат кўпроқ мамлакатларнинг ичига, унинг маъмурий-ҳудудий бўлимлари ижтимоий –иқтисодий ривожланишига қаратилган бўлади.

Регионал ва ҳудудий сиёсат тўғрисида ҳам тадқиқотчи аниқ фикрга эга бўлмоғи лозим. Албатта регион (бу атама аслида инглизча, франсуз тилидаги “рау” ёки район сўзидан олинган.) ҳам ҳудудир. Аммо ҳар қандай ҳудуд масалан кичик шаҳарча ёки қишлоқ туманларини ҳам регион даражасида қараш одатдан эмас. Регион ҳам район, бироқ анҳанага кўра у катта райондир. Шу боис Фарғона туманини маъмурий район ёки туман сифатида кўриш мумкин, аммо уни регион деб аташ нотўғридир.

Мавжуд чалкашликларга йўл қўймаслик мақсадида регионал сиёсатни минтақавий сиёсат, яҳни анча катта ички ҳудудлар билан боғлиқ давлатнинг муносабатини англлатувчи сиёсат шаклида қабул қилиш тўғрироқдир.

Тадқиқотчи мамлакатнинг регионал (минтақавий) йирик иқтисодий районлаштириш ғоя ва амалиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

## Эслаб қолинг!

Регионал сиёсат –бу мазмунан мураккаб таркибли мажмуавий сиёсатдир. У мазкур ҳудудга доир иқтисодий, демографик, этнологик, нарх-наво, молия кредит ва бошқа соҳаларга тегишли давлатнинг муносабатларни қамраб олади. Буларнинг ичида энг асосийси иқтисодий масалалардир.

Мамлакатнинг регионал сиёсати пойтахт шаҳарларнинг, қишлоқ хўжалигининг саноатнинг ва умуман халқ хўжалигининг барча жабҳаларини ривожлантириш, тараққиётини жонлантириш ва бошқа масалаларни ҳал этилишини назарда тутади.

Регионал сиёсат ҳам иқтисодий районлар сиёсати кўп босқичли бўлади. Чунончи умамлакат, йирик иқтисодий район ва ҳатто вилоятлар орасида амалга оширилади.

Бироқ турли ҳудудий даражада кўзда тутилган мақсад ва вазифалар кўлами, аҳамияти бир хил эмас. Шу билан бирга минтақавий (регионал) сиёсат фақат маҳмурий бирликлар ривожланишига қаратилган бўлмайди. Аксинча унинг йирик табиий ва соф ҳолдаги географик ўлкаларга мўлжалланганлигини ҳам кўриш мумкин. Масалан, Фарғона ёки Зарафшон водийси, Қуйи Амударё минтақаси,

Қизилқум чўли ёки Ангрен – Олмалиқ кон саноати районларини ривожлантириш ҳақидаги мамлакатимизнинг тутган сиёсати шулар жумласидандир.

Ва умуман география фани, шу жумладан иқтисодий ва социал география алоҳида – алоҳида элементларни таҳлил ва ташхис қилиш билан чегераланиб қолмайди. Бу элементлар ўртасида алоқадорлик, уларнинг ҳудудий мажмуа шаклидаги бирикмаларини ўрганиш ҳам талаб этилади, анализ, синтез билан муштарак уйғунлашуви лозим.

#### **Мавзу бўйича янгиликлар:**

Мамлакат мустақиллиги билан геосиёсат масаласида ўзига хос янги қирралар очилиб бормоқда. Жаҳон аренасида бу соҳада ўзига хос, ўринни эгаллаш учун Ўзбекистон Республикаси астойдил ҳаракат қилмоқда.

#### **Таянч иборалар**

Социал, геосиёсат, дитерменизм, НАТО, геостратегия, регионал сиёсат, иқтисодий районлар, депрессив (қалок) районлар, ҳудудий сиёсат, регион, мажмуа, ЎзДЭУ, рақобат, экспорт, импорт

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида». Тошкент «Ўзбекистон» 1997 йил
2. 4. Солиев А.С, Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. Т; 1999 йил
3. Манак Б.А. Методика экономико-географических исследование. М., 1993
4. География: Политика и культура. Л., 1990
5. Горбоцеевич Р.А. Актуальные вопросы политической географии. Л 1976
6. Касимов А.М. и др. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. Т., 1994
7. Политическая география. Проблемы и методы. Л., 1988.

## **ТАЪЛИМДА ИНОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

### **«Географик тадқиқот методлари»**

фанидан амалий машғулотларини ўтказиш технологияси

<b>1-мавзу.</b>	<b>Диалектик метод</b>
-----------------	------------------------


**Амалий машғулотни ўтказиш технологияси**

<i>Вақти – 2 соат</i>	<b>Талабалар сони: 20-25 нафар</b>
<i>Ўқув магулотининг шакли</i>	<b>Муаммоли амалий , билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, Б.Б.Б. жадвали.</b>
<i>Амалий машғулот давомида бажариладиган топшириқлар</i>	Диалектик метод ёрдамида Фарғона табиий географик районини табиатини моҳиятини англашга ҳаракат қилиш.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларга диалектик методнинг моҳияти ҳақида тушунчалар бериш ва уларда бу методга нисбатан билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> <i>Ўқитувчи:</i> -Диалектик методни талабаларга тушунтириш -Диалектик методни моҳиятини англашиш - Диалектик метод табиатдаги барча ҳодиса ва жараёнларни тўлиқ англаш методи эканлигини талабаларга етказиш;	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> <i>Талаба:</i> - Диалектик методни талабалар тушуниб оладилар - Диалектик методни моҳиятини англайдилар - Диалектик метод табиатдаги барча ҳодиса ва жараёнларни тўлиқ англаш методи эканлигини билиб оладилар;
<i>Ўқитиш методлари ва техникаси</i>	Б.Б.Б. жадвали
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матнлари, Ўзбекистон табиий карталари, атлас, жадваллар, презентация.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Кичик гуруҳлар ва жуфтликларда ишлаш
<i>Ўқитиш шароитлари</i>	Намунадаги аудитория.

<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки ва ёзма ҳисоб-китоб: Натижалар текширилади ва баҳоланади.
------------------------------	--

### Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<i>Босқичлар, вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>талаба</i>
<i>1-босқич. Кириш (15 мин)</i>	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси ва мақсади, режалаштирилган амалий топшириқлар, уни ўтказиш тартиби ва натижасини айтади.	1.1. Эшитадилар ва амалий топшириқларни бажаришга тайёргарлик кўради..
<i>2-босқич. Асосий (55 мин)</i>	2.1. Талабаларнинг топшириқларни бажаришга киришиши таъминланади 2.2. Жуптликларда ёки кичик гуруҳларда топшириқларни бажариш тартиби тушунтирилади. 2.3. амалий машғулот топшириқлари бажарилгандан сўнг талабаларни кичик гуруҳларга ажратади ва топшириқларни тарқатади ( Б.Б.Б. жадвалини тўлғазадилар) 2.4. Гуруҳларда хулосалар умумлаштирилади ва аниқликлар киритилади, баҳолаш мезонлари айтиб ўтилади.	2.1. Талаба топшириқларни дафтарга ёзади. 2.2. Топшириқларни бажаради. 2.3. Тест ечади, Б.Б.Б. жадвалини тўлғазади ва ўзаро текширади. 2.4. Гуруҳларда ишлайди ва ҳисобот тайёрлайди. Машғулот юзасидан таклифлар беради.
<i>3-босқич. Яқуний (10 мин)</i>	3.1. Машғулотга хулоса қилади, талабаларни баҳолайди. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: Диалектик метод ёрдамида кичик илмий иш ёзиш.	3.1 Эшитади, ёзиб олади. 3.2. Топшириқни бажаради.



Фан ҳамиша бирон тарзда ҳодисаларнинг алоқаларини очиб беришга интилиб келди. Лекин илгари ҳеч қачон айрим ҳодисаларни алоқадор бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш фанда ҳозирги вақтдагидек ўрин тутган эмас. Ҳодисалар ва жараёнларни тизимлар сифатида, яъни элементлари ва қисмлари муаян алоқадорликда бўлган, буларнинг ўзлари ҳам кенгроқ тизимларнинг томонлари ва қисмларидан иборат бўлган яхлит бутунликлар сифатида таҳлил қилиш - ҳозирги замон фанининг характерил хусусиятларидан бидир.

Фаннинг вазифаси ва мақсади аввало табиат ва жамиятни ҳаракат ва тарақиётнинг қонуниятли жараёни сифатида, объектив қонунлар тақозоси билан юзага келадиган ва шу қонунлар йўллаб турган жараён сифатида тушунишдан иборатдир.

Табиат тўғрисидаги унинг тараққиёти тўғрисидаги энг мукамал ҳар томонлама чуқур таълимот бўлган диалектика табиатнинг туб моҳиятини ўрганишда назарий негиз сифатида майдонга чиқади.

Табиий географиядаги тадқиқот услубларидан бири бу диалектик услуб бўлиб, фалсафий нуқтаи назардан табиадаги барча ҳодиса ва жараёнларни тўлиқ англаш учун диалектик услубдан фойдаланилади. Фақат диалектик услуб ёрдамида талқикотнинг моҳияти тўлиқ англаниши мумкин.

## Гуруҳ бўйича вазифа

**Топшириқ:** Диалектик метод юзасидан «Б.Б.Б.» жадвал тўлдирилади

### Б.Б.Б. жадвали

№	Биламан	Билмоқчиман	Билиб олдим
1			
2			
3			
4			

**Наъзорат шакли (ҳисобот, тақдимот):** Кичик гуруҳларда ишлаш натижасида охирига етказилган иш ҳисобот тарзида ўқитувчига топширилади. Бунда берилган топшириқлар ва жадвал тўлиқ бажарилгач иш якунланган ҳисобланади ва талаба машғулоти бажарган саналади. Натижаларни баҳолаш Фан учун ажратилган соат бўйича балларда акс эттирилади. Натижалар «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳолар кўринишида жорий баҳолашдаши 45 балл ҳисобидан машғулотлар соатига қараб ажратилган балларда акс эттирилади. Бу машғулотда максимал балл 3 балл ҳисобланади ва қуйидаги мезонларда инобатга олинади:

